

Д. С. ҚАХАРОВА

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ



ТОШКЕНТ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Д.С.ҚАХАРОВА

**ИНКЛЮЗИВ
ТАЪЛИМ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**
(Монография)

ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 94 (575.1)
КБК 63.5 (Ў)
Қ-91

Қ-91 Д.С.Қахарова. Инклюзив таълим технологияси.
–Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 192 бет.

ISBN 978–9943–4269–2–4

Мазкур монографияда имконияти чекланган ногирон болаларни инклюзив таълим тизимида янги технологиялар асосида ўқитишнинг моҳияти, мазмуни, мақбуллиги ва самарадорлиги, шунингдек, ҳар бир болага ўз қобилияти, руҳий ҳолати ва имкониятига кўра таълим олиши, уларни интеграция қилиш учун қулай шароитлар яратиш муҳимлиги бўйича услубий қўлланмалар, инклюзив таълим дастурлари, методик-психологик материаллар, махсус ўқув воситаларининг ўрни зарур эканлиги илмий тадқиқот натижалари ва таҳлиллари асосида баён этилган. Монографиядан республикамиздаги олий ўқув юртлари педагоглари, катта илмий ходим-изланувчилар, магистр ва бакалавр талабалар, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари, умумтаълим муассасалари педагоглари фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 94 (575.1)
КБК 63.5 (Ў)

Масъул муҳаррир:

Ш.Р.Баротов – психология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Қ.Т.Олимов – педагогика фанлари доктори, профессор;

У.С.Жумаев – психология фанлари номзоди, доцент

Монография Бухоро давлат университети илмий-техник
Кенгашининг 2013 йил 25 декабрдаги 6-сонли йиғилиши қарори
билан чоп этилди.

ISBN 978–9943–4269–2–4

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

**2014 йил – «Соғлом бола йили»га бағишлайман.
Муаллиф**

КИРИШ

Ҳар қандай жамиятда ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, комил инсон бўлиб вояга етишига, муносиб фуқаролар сифатида улғайиб, давлат тараққиёти ва гуллаб-яшнашига улуш қўшишларига умид боғланади. Бутун жаҳон болаларига тегишли бўлган болалар ҳуқуқи ҳақидаги Конвенцияда, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» сингари қатор муҳим меъёрий ҳужжатларда кўрсатилишича, барча болалар, шу жумладан, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бор болалар ҳам меҳнат қилиш, таълим олиш, ҳаётда ўз ўрнини топиш ҳуқуқларига эгадирлар.

1993 йил 1 декабрда 153 мамлакатда болалар ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенциянинг ратификация қилиниши воситасида, уларда болалар келажагини муҳофаза қилишга тайёр эканлик намоёиш этилди. Конвенция бутун жаҳон болалар ҳуқуқлари ҳақидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шартномасидир. Конвенция – бола ҳуқуқлари ҳақидаги универсал расмий Кодексдир. Конвенцияда болалар ҳуқуқлари тўрт тоифага ажратиб берилган бўлиб, улар 54 моддани ўз ичига қамраб олган.¹

1994 йилда ЮНЕСКО «Махсус таълим зарурияти» номли ҳужжатни тайёрлаб, унда махсус таълимга муҳтож болалар ва ёшлар учун таълимни ташкил этиш ҳамда такомиллаштириш масалаларини кўриб чикди. Ушбу таълим турида асосий ўрин реабилитация масалаларига ажратилган. Ҳужжатда: «Махсус таълимни алоҳида ёрдамга муҳтож кишиларга ташкил этишдан мақсад – жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бор

¹ БМТ – 1993 йил, 1 декабрдаги «Конвенция» ҳужжатлари.

болалар ва ўсмирларни мустақил, ҳамма қатори яшаш шароитида жамиятга тиклаш»,¹ – деб таъкидланган.

Болада нуқсон бўлишига қарамай, унга қўлидан келадиган иш турини ўргатиш, ўқитиб тарбиялаб, жамиятда ўз ўрнини топиб кетишига ёрдам бериш (ижтимоий реабилитация қилиш) зарурдир.

Республикамизда ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 2007 йилдан буён «Ўзбекистонда Инклюзив таълим» лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Лойиҳа ҳамкорлари: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги; Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; Навоий шаҳридаги «Умр» имконияти чекланган болаларга ёрдам бериш маркази, Самарқанд шаҳридаги «Ҳаёт» номли ногиронларга ёрдам бериш маркази, Жиззах шаҳридаги «Истикболли авлод» маркази, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳридаги «Умид» ташаббусларга кўмак бериш ва ривожлантириш маркази, Термиз шаҳридаги «Имкон» имконияти чекланган болалар ва оилаларга кўмак бериш маркази, Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳридаги «Зиё» махсус заруратли болаларга ижтимоий кўмак бериш маркази, мақсадли ҳудудлар ҳокимликлари; Ўзбекистондаги Швецария элчихонасидир. Ушбу лойиҳа доирасида Тошкент, Гулистон, Қарши, Самарқанд, Термиз, Андижон, Қўқон, Нукус, Бухоро, Урганч шаҳарларидаги мактабгача таълим муассаса, мактаб, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда имконияти чекланган болалар аралаш гуруҳларда инклюзив технология асосида таълим-тарбия олишмоқда.

Мамлакатимизда имконияти чекланган болалар таълим-тарбияси ва уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувига қулай шароитлар яратиб берилмоқда. Уларни жамиятга интеграция қилиш, аввало, имкон қадар саломатлигини тиклаш мақсадида «Имконияти чекланган болалар учун умумий таълим лойиҳаси» асосида иш юритиб келинмоқда. Бунда, асосан, инклюзив таълим имкониятларидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Натижада инклюзив таълимни ташкил этишнинг педагогик-психологик хусусиятларини, ўзига хос имкониятларини

¹ UNESCO: Жамиятга ва махсус таълимга муҳтожларга қаратилган Дастур. – 1994.

чуқурроқ ўрганиш, у билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, самарадорлик жиҳатларини асослаб бериш долзарб илмий муаммога айланмоқда. Чунки инклюзив таълим усули барча болаларнинг руҳий-жисмоний ҳолатидан қатъи назар таълим жараёнида тўлақонли иштирок этишини таъминлашга қулай имконият яратади. Айниқса, у алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг атрофдагилар билан мулоқотда бўлиши, ижтимоий муҳит талабларига жавоб бера оладиган бўлиб улғайиши, ўз кундалик-маиший эҳтиёжини қондира олиш кўникмаларини эгаллаши, ҳаётга мослашиб, умумтаълим мактабларида соғлом тенгдошлари билан тенг шароитларда ўқий олиши, улар билан ўзаро дўстона муносабатга киришиши, дарсларни ўз вақтида ўзлаштириши, топшириқларга масъулият билан ёндашиши учун қулайликлар туғдиради. Шунинг назарда тутиб, мазкур монографияда инклюзив таълимнинг ўзига хос самарадорлик белгиларини асослаш, уни оиладан, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб олий таълимгача бўлган узлуксиз таълим жараёнида йўлга қўйиш учун зарурий педагогик-психологик ёндашув йўллари аниқлаш кўзда тутилди.

Шуниси борки, инклюзив таълим нафақат ногирон болалар ўртасида, балки соғлом турмуш тарзига асосланган оилада тарбияланаётган болалар ўртасида, мактабгача таълим муассасаларида, мактабларда, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ҳам фанларни ўзлаштириш даражаси турлича бўлган ўқувчилар учун қулай имкониятлар ярата олади. У орқали ўқувчиларнинг бир-бирига ижобий таъсир кўрсата олишига эришиш яхши натижа келтиради. Лекин баъзан соғлом болалар билан ногирон болалар орасидаги тафовут сезилиб қолиши, ногирон бола ўз тенгдошларига қўшилмай, тортиниши, ўз имкониятларидан фойдалана олмаслиги сабаб уялиб туриши, камситилиши, айримлари эса оилада ҳаддан ташқари эрка ўстирилганлиги туфайли қайсарлик, инжиқлик қилиши кузатиладики, бундай шароитда таълим амалиёти ва таълим хизматларини ташкиллаштиришда ўзгаришлар қилишга тўғри келади. Буларнинг барчаси инклюзив таълим жараёни

ўзига хос мураккабликларга эга эканлигини ва шу соҳада ишлайдиган ўқитувчилар, синф раҳбарлари, тарбиячилар, касбий маҳорат усталари зиммасига жиддий талаблар ва масъулиятлар юклашини ойдинлаштиради ҳамда тадқиқот мавзусининг серқирра ва мураккаблигидан далолат беради. Олиб борилган изланишлар ва тадқиқотлар асосида инклюзив таълим технологиясига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **«Инклюзив таълим технологияси (ИТТ) – бу узлуксиз таълим тизимида махсус ёрдамга муҳтож болалар ва ёшлар учун меҳрибонлик билан тизимли ёндашадиган, индивидуаллашган, шароитга қараб ўзгарувчан, махсус ўқув дастурлари, материаллари, воситалари ва методлари ёрдамида таълим-тарбиянинг педагогик-психологик жиҳатларини замонавий талабларга мос олиб бориладиган жараёндир».**¹

Инклюзив таълимни оиладан мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларида, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув муассасаларида жорий этиш натижасида имконияти чекланган инсонларга нисбатан умумий муносабат ўзгараётгани маълум бўлди. Бу эса уларнинг ҳаётда муваффақият қозониши учун омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Инклюзив таълим имконияти чекланган болаларга умумтаълим жараёнидаги барча тадбирларда фаол ва мунтазам иштирок этиш имконини беради. Бунинг натижасида стереотиплар шаклланишининг олди олиниб, кўрсатиладиган индивидуал ёрдам имконияти чекланган болаларни жамиятдан ажратиб қўймайди. Улар олган кўникмаларини умумлаштириш имконига эга бўлишади. Имконияти чекланган инсонлар учун ишлаб чиқилган ва жамиятга режали асосда жорий этилаётган инклюзив таълим стратегияси ўқишнинг узлуксиз ва муттасиллигини таъминлайди. Оила – болалар боғчаси – мактаб – касб-ҳунар коллежи – иш билан таъминлаш – ушбу тизим келажакда ота-оналарга имконияти чекланган болаларини умумтаълим муассасалари ва олий ўқув юртларига бемалол, хавфсирамасдан олиб келишлари учун замин яратади.

¹ Муаллиф таърифи.

Монографияда имконияти чекланган ногирон болаларни инклюзив таълим тизимида ўқитишнинг моҳияти, унинг давр талабига мос технологияси ёритиб берилган. Шунингдек, унда яна республикамизда алоҳида ёрдамга мухтож болаларнинг ривожланиш даражаси, имконияти, қизиқиши ва қобилиятига кўра махсус ёки умумтаълим тизимида таълим олишини амалга ошириш мақсадида дастлабки тадқиқотлар олиб борилганлиги ва эришилган ютуқлар, ундаги муаммолар ҳақида фикр юритилган, илмий хулосалар қилинган.

I. ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Инклюзив таълимнинг муаммо сифатида ўрганилганлиги

Инклюзив таълимни ўрганиш педагогика ва психология фанида янги, энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Муаммога доир тадқиқот ишларини ўрганиш, уларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида маълум бўлдики, имконияти чекланган ёшларнинг тарбиявий муҳити ҳамма вақт яхши, мўътадил бўлиши, ҳамиша алоҳида эътиборда тутилиши, катталарнинг назаридан четда қолмаслиги лозим. Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда инсон психологик хусусиятлари билан боғлиқ тажрибаларга асосланган илмий назария ва йўналишлар вужудга келди. Одам психик табиатини турлича талқин қилинишига қарамай, бу назариялар маълум даражада имконияти чекланган болаларнинг педагогик психологиясининг ривожланишига туртки бўлди. Бу борада, Дж.Брунер, Ж. Пиаже, А.Валлон, С.Холл, Е.Мейерман, К.Бюлер, Е.Дюркгейм, Д.Локк ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини эътироф этиш мумкин,

Чунончи, англиялик олим Джок Локк дунёга келган янги чақалоқ боланинг руҳини «топ - тоза тахтага» ўхшатади. Унинг фикрича, «Боланинг «топ -тоза тахта» тарзидаги руҳиятига нималар ёзиш кераклиги, бу катталар ихтиёридадир, боланинг қандай инсон бўлиб етишиши, унда қандай шахсий фазилатларнинг таркиб топиши, бола ҳаётдан оладиган тажрибага,

ўзгалар билан мулоқот жараёнида оладиган ҳаётӣ тушунча ва тасаввурларга боғлиқдир» деб таъкидлайди.

Америкалик психолог олим С.Холл «Ҳар қандай бола ўзининг индивидуал тараққиётида филогенезни онтогенезда такрорлайди, шу боис болаларга ибтидоий инстинкларни оғриқсиз, енгил кечиши учун қулай имкониятлар яратиб бериш зарур» деб айтади. С.Холл ўз тажрибалари асосида бой ашёвий далиллар тўплаб бола таълим-тарбияси ҳақида психологик, физиологик ҳамда билимларнинг мужассам дастурини яратиш ғоясини олға суради.

Швейцариялик психолог Е.Клапаред «Бола психологияси ва экспериментал педагогика асарида қизиқиш, мотив, эҳтиёжларнинг методологик асослари, болалар тафаккурининг хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари, ўхшашлик ва тафовутнинг бола онгида содир этилиши тўғрисида мулоҳаза юритилади (4.3).

Олмон психологи Е.Мейерман фикрича, «экспериментал педагогика ва психологиянинг мақсади боланинг мактаб даврида унинг руҳияти ва вужудида кечаётган ўзгаришларни тўлиқ билмай туриб, унга буйруқ бериб ёки тазйиқ ўтказиб бўлмайди», деб таъкидлайди.

Америкалик психолог Ж.Брунер «Шахснинг таркиб топиши билан таълим ўртасида ўзаро алоқа мавжудлигини таъкидлаб, инсоннинг камолот сари интилиши билим олиш самарадорлигини оширса, ўқитишнинг такомиллашуви унинг ижтимойлашувини жадаллаштиради», - деб уқтиради.

Ж.Брунер ўз илмий қарашларида анча далил ғояларни илгари сурган. Унинг тахминига кўра «Ҳар қандай фанни ҳар қайси ёшдаги болага самарали ўргатиш мумкин. Бунда фақатгина ҳар бир ёш босқичида бола оламни ўзига хос тарзда кўриш ва тушунтиришни эътиборга олиш ҳамда ўргатиладиган нарсани боланинг қарашларига монанд талқин этиш талаб қилинади», дейди.

Шунингдек, Ж. Пиаже, А. Бине, О. Кронн В. Штернлар ҳам бола психик тараққиётида таълим-тарбиянинг мавқеини, уларнинг ақлий хусусиятларини, дастурли таълим, кўникма ва

малакаларнинг аҳамиятини, психокоррекция машқларнинг ўрнини илмий-амалий асослаб беришда муҳим ўрин эгаллайди ва бу таълимотлар ушбу тадқиқотда муҳим аҳамиятга эга.

Немис психологи О.Кронн мактабгача ёшдаги болаларга таълим муассасаларда бериладиган таълимга катта эътибор бериш кераклигини таъкидлаган. Унинг фикрича, уч яшар бола унга берилаётган билимни ўзлаштиришга, яъни таълим олишга қодир дейди.

В. Штерн эса қарама- қарши нуқтаи назарни илгари сурди. Унинг таъкидлашича, бола ҳаётининг дастлабки олти ёшида, олган билимлари ўзига хос тарзда эгалланади. Мактабгача ёшдаги бола ҳали ўқиш учун мустақил иродага эга эмас, мактаб ўқувчиси учун эса ўқиш берилган материални онгли тарзда ўзлаштириш нияти ва бу билимлардан ўзининг келажаги учун мулк сифатида фойдаланиш, бутун ҳолича сақлаб қолиш истагидир. Штерн «мактабгача ёшдаги бола, айти бугунги куни билан шунчалик машғулки, эртанги кун, келажак учун бирор-бир нарсани эгаллаш истагидан узоқдир» дейди. Демак, мактабгача ёшдаги боланинг ўқиши бошқа фаолиятнинг маҳсули ҳисобланиб, теварак-атрофдан, ўйин орқали олган таассуротларни онгсиз тарзда танлаш асосида ҳосил бўлади.

Швейцариялик психолог Ж.Пиаженинг фикрича, боланинг ақли ривожланиши ўзининг ички қонунлари асосида тараққийлашиб бориб, сифат жиҳатидан ўзига хос бир қатор генетик босқичларни босиб ўтади. Таълим бу ақлий етилиш жараёнини фақат бир қадар тезлаштиришда ёки секинлаштиришга қобилдир, лекин у ақлий жиҳатдан етилиш жараёнига ҳеч қандай жиддий таъсир кўрсата олмайди. Демак, таълим ривожланиш қонунларига бўйсунishi керак, дейди.

Демак, таълим ривожланиш қонунларига бўйсунishi керак. Масалан, болада мантиқий тафаккур етилмай туриб, уни мантиқий фикр юритишга ўргатишга фойдасиздир. Таълимнинг турли босқичлари боланинг тегишли психологик имкониятлари пишиб етиладиган муайян ёшидан қатъи назар, боғлиқлиги ана шундан келиб чиқади.

Ривожланган давлатларда инклюзив таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича бир қанча изланишлар ва илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Туре Йонссон, Девид Байн, Кристин Майлз, Кирк Хортон, Р. Фуллер каби олимлар олиб борган илмий тадқиқотларининг ютуқлари ва ғояларини тадқиқ этганлар.

Америкалик Туре Йонссоннинг «Инклюзив таълим» номли қўлланмаси ногиронлар учун халқаро таълим дастурининг асосий манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу манбада ногирон, ривожланишида нуқсони бор болалар ва ўсмирларни мустақил ҳаёт қурушлари ва яшашлари учун халқаро таълим - тарбия бериш дастурининг асосий жиҳатлари очиқ берилган.¹

Шунингдек, канадалик Девид Байннинг «Ривожланаётган мамлакатларда ногирон болалар» номли дастур ва кўрсатмаларидан, ногирон болаларга таълим-тарбия беришни, махсус жойларда ташкил этилиши лозимлиги ва шунинг учун давлат томонидан алоҳида дастурлар асосида иш боришлиги бўйича тавсиялар берган.²

Кристин Майлз «Ақлан заиф ўқувчилар учун махсус таълим» монографиясида, ривожланишида орқада қолган ва ақли заиф бўлган болалар, ўқувчилар ва ўсмирлар учун махсус таълим-тарбия беришнинг вазифалари белгилаб берилган. Бундай вазиятда ишлайдиган тарбиячи, педагог, тиббиёт ходимлари махсус билим ва тайёргарликка эга бўлишлиги кўрсатиб берилган.³

Кирк Хортон ва Р. Фуллернинг «Менинг кўзим ожиз эмас, мен аниқ кўролмайман холос!» кўриш қобилияти паст бўлган болаларга ёрдам бериш учун тайёрланган. Халқаро дастурда кўзи ожиз болаларга ёрдам бериш учун уларга махсус дастур асосида таълим-тарбия бериш, болаларни ривожланиш қобилиятини замонавий ўқитиш воситалари асосида олиб

¹ Туре Йонссон. Инклюзив таълим .(ўқитувчилар учун методик қўлланма). Юнеско халқаро ташкилоти Оперейшен Мерси Халқаро Ташкилоти, Республика таълим маркази.Тошкент.,2003й.

² Девид Байн. Ривожланаётган мамлакатларда ногирон болалар баҳолаш, Дастур ва кўрсатмала Канада. Алберт университетининг Педагогика факультети, 1991.

³ Кристин Майлз. Канада. Жамиятдаги ногирон одамларни ўқитиш.Мактаб ўқитувчиларига қўлланма.1991.

⁴ Шарма ва Н.К.Жангира: Эшитиши шикастланганлар. Ўқитувчиларни малакасини ошириш.NCERT, New Delhi, 1987.

бориш, ижобий натижалар беришлиги асосланган. Хотирани ривожланиши юқори даражада бўлишлигини, берилган тавсия ва кўрсатмаларида келтириб ўтган.

Шунингдек, ҳиндистонлик Н. К. Жангира, М.Ройхоув-хари «Кўриши шикастланганлар ўқитувчиларнинг малакасини ошириш» илмий тадқиқот ишида кўзи ожиз бўлиб қолган ўқитувчиларни малака ошириш курсларини қандай ташкил қилиш, ўқитиш жараёнларини махсус дастур асосида олиб бориш лозимлиги бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган.¹ Ривожланган давлатлар олимларининг инклюзив таълимда яратилган тадқиқотлари ўрганилди ва кенг таҳлил қилинди.

Рус психологлари томонидан болалар психологияси муаммоларини Л.С. Виготский, А.Н. Леонтьев, К.Д. Ушинский, В.Н. Мясиншев, Н.Н.Малофеев, Н.Д. Шматко, А.Н. Голубева ўрганганлар. Шунингдек, имконияти чекланган болаларни педагогик-психологик коррекциялаш масалаларини И.И.Мамайчук, Л.П. Косковой, О.С. Никольскаялар, В.С. Манова-Томова, Ю.С. Алёшина ва инклюзив таълимда психологик коррекциялашни Л.М. Крыжановская, В.С. Мухина, А.А. Бода-лёв, Е.Р. Баевская тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Машҳур рус психологи Л.С. Виготский ўз илмий қарашларида илгари сурган кўплаб ғоялар бевосита болаларнинг психик ривожланишига оиддир. Унинг олий психик функциялар шаклланиши ҳақидаги қонуни болалар тарбияси ва таълимни амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Л.С. Виготский маданий-тарихий концепция ишлаб чиққан. Бу концепция шахснинг психик ривожланиши ҳақидаги назариядир. Олимнинг илмий қизиқишлари марказида, боланинг ижтимоий-маданий ривожланиши масаласи туради. Л.С.Виготскийнинг илмий изланишлари олий билиш психик хусусиятлари: ихтиёрий хотира, диққат, тафаккур, мантикий фикрлаш, иродавий ҳаракатларини бевосита мианинг фаолияти билан тушунтириб бўлмаслигини, ушбу функцияларнинг моҳиятини тушунтириш учун, уларнинг илдизларини организмдан ташқаридаги ижтимоий муҳитдан излаш лозимлигини таъкидлайди.

¹Шарма ва Н.К.Жангира: Эшитиши шикастланганлар. Ўқитувчиларни малакасини ошириш.NCERT, New Delhi, 1987.

Демак, боланинг тарбия ва ўқув фаолиятида орқада қолиши, психик функцияларнинг ўзлаштирмаганлик натижасидир. Масалан, боланинг кийим кийишда кетма-кетликни бузилиши, бу унинг хотираси заифлигидан эмас, балки ушбу жараёни амалга ошириш учун зарур бўлган билиш психик хусусиятларни эгалламаганлиги туфайлидир. Бундай психик муаммони психокоррекциялаш усуллари билан, яъни болага кийимларни тўғри кетма-кетликда кийиш тасвирланган расмлар тақдим этилиши мумкин.

Яна рус психолог олимлардан бири К.Д.Ушинский фикрича, «Психология фанининг асосий вазифаси тарбиянинг мақсадини аниқлашга, таълим-тарбия натижаларини тўғри баҳолашга, шулар асосида янги метод ва усуллар яратишга, педагогик тажрибани таҳлил қилиш ва умумлаштиришда муҳим ўрин тутди», деб таъкидлайди.

Жаҳон психология фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган А.Н.Леонтьев, болалар психологияси соҳасида кўплаб назарий ва амалий муаммоларни тадқиқ этган. Унинг фикрича, «Шахс икки марта туғилади, шахснинг биринчи туғилиши мактабгача ёш даврида вужудга келади. Бу ҳодиса инсоннинг ўз импульсив хатти-ҳаракатларини ижтимоий меъёрларга бўйсундиришга, илк бора уруниши мотивлар орасида иерархик муносабатларнинг таркиб топа бошлаши билан боғлиқ бўлади. Шахснинг иккинчи туғилиши ўсмирлик даврида юз беради. Бу ҳодиса инсоннинг ўз мотивлари ва интилишларини англаши ва уларни бўйсундириши билан боғлиқдир»¹ деб, таъкидлайди.

Муносабатлар психологиясида бола психик ривожланиш қонуниятларини ўрганган ва шахс муносабатларини концепциясини яратган рус олими В.Н.Мясищевдир. Унинг таъкидлашича, «Инсоннинг психик ривожланиши унинг атроф воқеалик ва, энг аввало, бошқа одамлар билан бўлган муносабатлари тизимнинг мураккаблашиб, кенгайиб боришига боғлиқ бўлади», деган ғояни илгари сурган.

Бошланғич мактаб ёшидаги болаларни психологик хусусиятларни ўрганган олима А.Н.Голубеванинг фикрича,

¹ А.Н.Леонтьев. Деятельность. Сознание. Личность. – М.: Политическая литература, 1975. 235-302 б.

«Ноқулай шароитда болага таълим-тарбиявий таъсир кўрсатиш, унда ўжарликни пайдо қилади. Шунингдек, бу ёшдаги болаларнинг ўжарлиги доимий бўлмайди, масалан, ўз тенгдошларига нисбатан ўжарлик қилиш аҳён-аҳёнда рўй беради, улар асосан муайян катта ёшдаги одамларга, хусусан ўқитувчи, тарбиячилар ёки оила аъзоларининг бирортасига ўжарлик қиладилар», деб таъкидлайди.

Чунончи, бундай ҳолат имконияти чекланган болаларда қай тариқа кечади ва уларнинг психологик хусусиятлари қандай ривожланади, бу борада психолог Л.С.Виготский «Муҳит ва шахснинг уйғунлиги» тўғрисидаги таълимотига кўра, «ижтимоий муҳит соғлиги, имкониятлари чекланган болалар учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир»¹ деб таъкидлайди.

Худди шунингдек, Л.С.Виготский «Имконияти чекланган болаларнинг ривожланишини илдизи ёмон ўсимликка ўхшатади. Унинг ингичкагина илдизлари ўзининг озиқлантирувчи тупроқнинг қатламлари ва шаклига мос келмайди. Улар ўз-ўзича тупроқнинг озиқ берувчи қатламларига етиб боролмай, қуруқ ва заҳарли қатламга кириб қолади. Бундай ўсимлик мувофиқ шароитларда гуллаши мумкин эди, бироқ одатдаги шароитда тараққиётнинг чўққисига етмасдан, бўжмайиб сўлиб қолди»², дейди.

Биобарин, тупроқни, яъни таълим - тарбия тизимини ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хос томонлари, миллий анъаналари, урф-одатлари, давлатнинг мақсад вазифаларини ҳамда тарбияланувчиларнинг руҳий ва жисмоний ривожланишидаги хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Имконияти чекланган болаларда, катталар боланинг райига, мустақил бўлишига қарши турмасдан мумкин қадар истагига, интилишига ёрдам берсалар, унинг шахсини шакллантириш жараёнидаги қийинчиликлар ўз-ўзидан барҳам топади. Имконияти чекланган болада ўжарлик, қайсарлик, итоатсизлик хусусиятларнинг пайдо бўлишига, бу катталарнинг ортиқча мулозаматлари оқибатида юзага келади.

¹, Виготский Л.С. Дефект и сверхкомпенсация//Проблема дефектологии. М.,1996.

Рус психолог олимаси Лариса Михайловна Крыжановская имконияти чекланган болаларни инклюзив таълим тизимида таълим-тарбия беришда психологик коррекциялаш методлари орқали тарбиялаш йўллари кенг ёритиб берган. Унинг фикрича, «инклюзив таълим тизимида таълим-тарбия ишларини самарали, яхши ютуқларга эришишда мактаб психологи, педагог, тарбиячи ва ота-оналар ҳамкорлиги узвий боғланган бўлиши лозим»,¹ деб таъкидлайди.

Тадқиқот давомида инклюзив таълимда «интеграция» сўзи кўп талқин этилганини эътиборга олиб, бу тушунчани таърифини берган Г.М.Каждаспаровнинг «Педагогический словарь» луғатида, «Жамоада, гуруҳларда инсонпарварлик муносабатларини ошириш, жамоалар, ижобий жамоатчилик фикрини яратилиши билан интеграцияни татбиқ этиш мумкин»² деб, таъкидланган.

Ҳар бир олим ўз илмий ёндашувига эга бўлган бўлса-да, уларнинг барчасини психик тарққиётнинг манбалари ва қонуниятлари билан боғлиқ муаммолар қизиқтирган. Рус психологларининг ушбу муаммоларни ўрганиш соҳасида қўлга киритган психология фани ва болалар психологиясининг ривожланиши учун, шу жумладан, инклюзив таълимнинг тараққиётида хизмат қилади.

Шарқ мутафаккирлари, Имом ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Ибн Сино, Форобий, Беруний, Мирзо Улуғбек, Юсуф Хос Ҳожиб Имом Ғаззолий, Баҳовуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний, Аваз Ўтар каби алломалар ўз замоналарида оилада, жамиятда ёшлар тарбияси ва унинг камолотига педагогик-психологик ёндашув муаммоси тўғрисида илмий ва илмий педагогик мушоҳадаларини бизгача етиб келган ноёб асарларида ўз ифодасини топган. Айниқса, Абу Али ибн Сино асарларида соғлом болалар билан бир қаторда, алоҳида ёрдамга муҳтож болалар тарбиясига оид тавсиялар ҳам беради. Ногирон бола тенгқурлари қатори, таълим - тарбия олишга ҳақли

¹ Л.М.Крыжановская. «Психологическая коррекция в условиях инклюзивного образования». Пособие для психологов и педагогов., Москва. Гуманитарный издательский центр «ВЛАДОС», 2013.

² Г.М.Каждаспаров, А.Г.Каждаспаров. «Педагогический словарь». М.: Просвещение, 1998г.

эканини айтиб, уларда касб-хунар ўрганишга, илм олишга қизиқиш бошқаларга нисбатан кучлилигини таъкидлайди. Шарқ алломаларимизнинг бола шахсини тарбиялаш, ривожланишида таълимнинг таъсири ҳақидаги қарашлари таҳлили, кейинги саҳифаларда келтирилган.

Ҳозиргача мамлакатимизда илғор психология вакилларида М.Г. Давлетшин, В.М. Каримова, Ғ.Б. Шоумаров, А.С. Бегматов, Б.Р. Қодиров, Э.Ғ. Ғозиев, Ш.Р. Баротов, А.М. Жабборов, Н.С. Сафоев, Ш.С. Шойимова, Р. Шомахмудова ва бошқалар томонидан психологиянинг махсус соҳалари бўлмиш шахс психологияси, оила психологияси, ўз-ўзини англаш, ижодий тафаккурни ривожлантириш психологик хусусиятларини, олимлар томонидан бир қатор мавзулар асосида олиб борилган тадқиқотлар ўрганилди. Таълим муассасаларда нуқсонли болаларга таълим-тарбия бериш, оилада ногирон фарзандни тарбиялашнинг психологик ва педагогик хусусиятлари уларнинг нуқсонларини коррекциялаш ва инклюзив таълим муаммоларини Ғ.Б. Шоумаров, Р. Шомахмудова, А. Бердиева, О.У. Аблаев каби олимлар томонидан илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилиб, муҳим хулосалари махсус илмий тадқиқот предмети сифатида ўрганилди. Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш мавзуси бўйича, педагогика йўналишида М.Ф. Ҳакимова болалардаги нутқий камчиликни ўрганиш ва уни бартараф этиш муаммосини Л.Р. Мўминова, Х.М. Пўлатова, И.Г. Веретенникова, Х.Д. Калбаева, Н.Р. Раҳмонқулова У.Ю. Файзиева, М.С. Асанова каби мутахассисларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Демак, жуда кўп олимларнинг ишларини кўриб чиқиш орқали инклюзив таълим ва у билан боғлиқ муаммоларни илмий тадқиқ этилганлигини, оила масалалари ҳар бир миллат учун ниҳоятда муҳим масала эканлигидан далолат беришини кузатдик.

Имконияти чекланган болаларни ўқитишда инклюзив таълимнинг мақбуллиги ва самарадорлиги

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислохотлар жамиятимиз олдида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлган таълим тизимини янгилаш ва ёш авлодни замон талабларига жавоб бера оладиган баркамол инсон этиб тарбиялаш, улар онгига мустақиллик ғояларини сингдиришдек муҳим вазифаларни қўймоқда.

«Таълим тўғрисидаги» Қонуннинг 23-моддасида «Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек, узок вақт даволанишга муҳтож болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади»¹ дейилишининг ўзиёқ жамиятимизнинг ғоятда инсонпарварлигидан далолатдир. Ўсиб келаётган ёш авлодни билимли, юксак тафаккур ва кенг дунёқарашга эга баркамол инсон сифатида тарбиялаб вояга етказишда, уларни турли таъсирлардан асраб, тўғри йўл-йўриқ кўрсатишда, аввало, ота-оналар, тарбиячи ва педагоглар ўрнатилган бўлиши лозим.

1994 йилда ЮНЕСКО томонидан «Махсус таълим зарурияти» номли ҳужжат тайёрланиб, унда махсус таълимга муҳтож болалар ва ёшлар учун таълимни ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Ушбу таълим турида асосий ўрин реабилитация масалаларига ажратилган. Ҳужжатда махсус таълимни алоҳида ёрдамга муҳтож кишиларга ташкил этишдан мақсад: «Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бор болалар ва ўсмирларни мустақил, ҳамма қатори яшаш шароитида жамиятга тиклаш»,² – деб таъкидланган. Болада нуқсон бўлишига қарамай, унга қўлидан келадиган иш турини ўргатиб, ўқитиб, тарбиялаб, жамиятда ўз ўрнини топиб кетишига ёрдам бериш – ижтимоий реабили-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». – Т.: «Шарқ», 1997.

² Туре Йонссон. Инклюзив таълим. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: 2003.

тация. Ривожланган мамлакатларда «Махсус таълим зарурияти» номли ҳужжатга жавобан – Реабилитация ташкилоти ташкил этилди. Ташкилот ногиронлар жамияти, ногиронлар оилалари, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш ҳамда касаб уюшмалари вакиллари ўз ичига қамраб олган. Бундай нуфузли ташкилотнинг асосий мақсади – жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ҳимоялаш, ҳуқуқларини тиклаш, ваколат бериш, таълим-тарбия тизимини шакллантириш, жамият ва раҳбарият диққатини бу нарсага жалб этишдан иборат.

Инклюзив таълим усули алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг соғлом тенгдошлари билан тенг шароитларда ўқиши, улар билан ўзаро дўстона муносабатда бўлиши ҳамда жамиятга ижтимоий мослашувини енгиллаштиришда муҳим ўрин тутди. Инклюзив таълим жараёни ўзига хос мураккабликларига эга бўлиб, шу соҳада ишлайдиган мутасаддилар, ўқитувчилар зиммасига жиддий талаблар қўяди. Бундай таълимда синф раҳбари, фан ўқитувчилари, тарбиячилар, касбий маҳорат усталари ёрдам кўрсатиш борасидаги хизматлари орқали асосий вазифани бажаради. Айниқса, соғлом болалар билан ногирон болалар орасида тафовут сезилганда, яъни ногирон боланинг ўз тенгдошларига қўшилмай, тортинчоқ, ўзидаги имкониятларидан фойдалана олмаслиги сабабли уялган ёки баъзилари камситилган, баъзилари оилада ҳаддан ташқари авайланганликлари сабабли қайсар, инжиқ бўлиб қолишган бўлади. Бу таълим амалиёти ва таълим хизматларини ташкиллаштиришни ва уларга фундаментал, ҳақиқий ўзгаришлар киритишни талаб этади.

Испания давлатининг Саламанка шаҳрида 1994 йилда 92 давлат ва 25 та халқаро ташкилот вакиллари иштирокида бўлиб ўтган бутунжаҳон конференцияси делегатлари махсус таълимга муҳтож бўлган болалар, ёшлар ва ёши катталарга оддий таълим тизими доирасида таълим бериш зарур ва керак эканлигини тан олган ҳолда, барча учун махсус таълимнинг таъминллари, ислохотлари бўйича **«Саламанка баёноти»** қабул қилинган. Унда ҳаммага: **«Биз барча давлатларни чор-**

лаймиз ва мурожаат қиламиз: инклюзив таълим тамойилини қонун ёки ислоҳот деб қабул қилинг...»¹ деб даъват қилинган.

Ҳозирда мамлакатимизда имконияти чекланган болалар таълим-тарбияси ва уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашуви давлат сиёсати даражасида кўрилаётган масалалардандир. Инклюзив таълим тушунчаси турлича талқин қилинади. **Узлуксиз таълим тизими учун эса қуйидаги талқин кўпроқ тўғри келади. Инклюзив таълим (французча *influxif* – ўзига тортувчи , қамраб олувчи латинчада эса *include* – қамраб оламан, жалб қилмоқ, яъни барча болаларни уларнинг руҳий - жисмоний ҳолатидан қатъи назар таълим жараёнида тўлақонли иштирок этишни билдиради.**

Имконияти чекланган болаларни жамиятга интеграция қилиш, болаларни имкон қадар соғломлаштириш мақсадида 2007 йилдан бошлаб мамлакатимизда «Имконияти чекланган болалар учун умумий таълим лойиҳаси» жорий қилинган бўлиб, унинг замирида инклюзив таълимни амалга оширишдек серқирра ва мураккаб вазифа ётади.

Инклюзив таълимнинг мақсади ногирон фуқароларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар тенглигини беришдир. Масалан, мактабга соғлом болаларнинг барчаси борса, ногирон болаларнинг ҳам имконияти борлари тўла бориши керак. Чунки инклюзив таълимнинг оиладан, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб йўлга қўйилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу эса боланинг кейинчалик атрофдагилар билан мулоқотда бўлишига, ижтимоий муҳит талабларига жавоб бера оладиган ва шу билан бирга, кундалик-маиший эҳтиёжини қондириш кўникмаларини эрта эгаллашларига, ҳаётга мослашиб, умумтаълим мактабларида тенгдошлари қатори дарсларни ўз вақтида ўзлаштиришига, топшириқларга масъулият билан ёндашиш кўникмасини эгаллашларига кўмаклашади. Бироқ инклюзив таълимни нафақат ногирон болалар ўртасида, балки соғлом турмуш тарзи мавжуд бўлган оиладаги болалар ўртасида, мактабгача таълим муассасаларида, мактабларда, академик

¹ Туре Йонссон. Инклюзив таълим. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. Юнеско халқаро ташкилоти. Оперейшен Мерси Халқаро Ташкилоти, Республика таълим маркази. – Т., 2003.

лицей ва касб-хунар коллежларида, фанларни ўзлаштириш даражаси турлича бўлган ўқувчилар орасида ҳам жорий этиш мумкин. Масалан, битта синфда аъло баҳоларга ўқийдиган, иқтидорли болаларга фанлардан ўзлаштириши паст бўлган болаларни беркитиб қўйиш, бир партада ўтиргизиб, унинг иқтидорини ютуқларини жалб қилган ҳолда қолоқ ўқувчининг ўзлаштириш самарадорлигини ошириш мумкин. Яъни яхши ўқийдиган боланинг ёнига ўзлаштириши суст болани қўйиб, ўзлаштириш кўрсаткичини яхшиласа бўлади. Намунали ўқийдиган ўқувчи қолоқ ўқувчини ўзининг ижобий таъсир доирасига киритиши, яхши хусусиятлари билан уни ўзига жалб эта олиши лозим. Касб-хунар коллежларида ҳам фанлар билан бир қаторда касбий маҳорати яхши бўлган иқтидорли ўқувчидан фойдаланиб, касбни эгаллаши ёки касбий ўзлаштириши сустроқ ўқувчининг касбий маҳоратини ошириш, самарадорлигини кўтариш мумкин.

Ҳар бир инсонда ўзгалардан меҳр излаш, атрофдагиларнинг эътиборини қозониш, ҳимояланиш, фаолиятларини руҳлантириш ва иззатталаблик каби эҳтиёжлар мавжуддир. Ногирон шахслар ҳам бундан мустасно эмас. Булардан ташқари, уларнинг махсус, шахсий эҳтиёжлари бор. Хатти-ҳаракатлари, қизиқишлари, қобилиятлари жиҳатларидан, ногиронликлари оз бўлса-да, ўхшаш бўлса ҳам улар биридан фарқланади. Масалан, иккита ногиронлиги бир хил бўлган болалар руҳлантирувчи муҳитда яшаши мумкин. Уларнинг иккаласи ҳам ногирон бўлса-да, бу уларга бир хил ёрдам кўрсатилиши керак дегани эмас. Уларнинг эҳтиёжлари яккама-якка ҳолда қондирилиши керак. Бунинг муҳимлиги амалиётда кенг тан олинган. Болаларда енгил ёки оғир ногиронлик бўлиши мумкин, лекин уларнинг мажруҳ бўлиб ўсишларига оиласи, қўни-қўшнилари, ўқитувчилари ва бошқаларнинг уларга бўлган муносабатлари сабабчидир.

Ҳар бир бола шахс сифатида мукамалдир ва ҳар бир бола ҳаётга мослашиш ва ривожланиш учун ёрдамга муҳтождир. Баъзи болалар бошқалардан кўра кўпроқ ёрдамга муҳтож бўлади. Бошқалари эса ҳаётининг маълум бир пайтида ёки

бутун ҳаёти давомида махсус ёрдамга мухтождир. Масалан, мактабда таълим олаётган чоғларида. Бу каби махсус, кўшимча ёрдам «Махсус таълимга бориб тақалади». Ҳозирги пайтгача, «Махсус таълим» деганда, фақат кўзи ожизлар, қулоғи оғирлар ёки ақлан ривожланишдан орқада қолганлар таълими тушунилар эди. Бундай чекланган қараш оқибатида кичик, бошқа таълим тизимлари билан кам боғлиқликда бўлган мактаб тизими ташкил этилган эди. Умумий мактаб тизими вакиллари-нинг «Булар бизнинг болаларимиз эмас, улар махсус таълимга қарашли» деган гапларини жуда кўп эшитганмиз. Шу каби масалалар бугунги кунда ногирон-гуруҳларга асосланган классификацияни ўзгартиришга асос бўлмоқда. Бу кенг қамровли тушунча ўз ичига оғир ногиронликлардан енгил қийинчиликларгача бўлган ҳолатларни ўз ичига олади. У анъанавий ногирон гуруҳлардан ташқари, ўзлаштиришда кўпроқ умумий муаммолари бор бўлган болалар гуруҳини ҳам қамраб олади. Мавжуд инклюзив таълим дастурларини кенгайтириш учун қилинган ҳар бир уриниш шахс заруриятини белгилаш ва баҳолаш орқали амалга оширилиши керак. Гуруҳларни классификациялаш, умумлаштириш самарали эмас. Бу дегани, махсус таълимга мухтож болаларни эрта аниқлаш ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиши лозим. Айниқса, бу мактабгача бўлган даврда амалга оширилиши керак. Бу икки жараёни бошқариш ва ота-оналарни жалб этишни қоидага айлантириш диққат марказда бўлиши зарур.

Инклюзив таълим усули алоҳида ёрдамга мухтож болаларнинг соғлом тенгдошлари билан тенг шароитларда ўқиши, улар билан ўзаро дўстона муносабатда бўлиши ҳамда жамиятга ижтимоий мослашувини енгиллаштиришда муҳим ўрин тутади. Инклюзив таълим жараёни ўзига хос мураккабликларига эга бўлиб, шунинг учун соҳада ишлайдиган мутасаддилар, ўқитувчилар зиммасига жиддий талаблар қўяди. Бундай таълимда синф раҳбари, фан ўқитувчилари, тарбиячилар, касбий маҳорат ўсталари ёрдам кўрсатиш борасидаги хизматларни бажариш орқали асосий вазифани бажаради. Айниқса, соғлом болалар билан ногирон болалар

орасида тафовут сезилганда, яъни ногирон боланинг ўз тенгдошларига қўшилмай, тортинчок, ўзларидаги имкони-
ятларидан фойдалана олмасликлари сабабли уялган ёки
баъзилари камситилган, баъзилари оилада ҳаддан ташқари
авайланганликлари сабабли қайсар, инжиқ бўлиб қолишган
бўлади.

Турли темпераментдаги ногирон болаларга таълим-тарбия беришда мутасаддилардан педагогик маҳоратга пухта эга бўлишлари талаб қилинади ва ҳар бир болага индивидуал ёндашиб, ўзига ишонч туйғусини уйғотиш муҳим аҳамият касб этади. Асосий омил эса боланинг ўзлаштиришдаги қийинчиликларни енгиши, барча ҳаракатларининг муваффақиятлари ва руҳлантиришларини бошидан кечириши, шу нарсаларни ижобий муҳит асосида яратиб бера олувчи ёқтирган ўқитувчисига эга бўлиши билан белгиланади. Бу таълим амалиёти ва таълим хизматларини ташкиллаштиришни, уларда фундамен-тал, ҳақиқий ўзгаришлар киритишни талаб этади.

Таълим муассасида инклюзив таълимни ташкил қилиш:

- тиббий ва ижтимоий ёрдамлар кўрсатувчи ходимлар ва бошқа шу ҳақида қайғурган шахслар ёрдамида инклюзив таълимга муҳтож болаларни излаб топиш;
- ота-оналар ҳар доим жалб этилиши керак;
- бошланғич қадам ҳар доим оддий синфларда индивидуал эҳтиёжларга мос равишда таълимни жорий этиш билан бошланиши лозим;
- инклюзив таълим учун танланган жой болалардаги муаммоларга мослаштирилган тарзда шакллантирилиши керак;
- инклюзив таълимни иложи борича ёш, мактабгача ёшда бўлган болаларда бошлаш мақсадга мувофиқдир. Ишончни уйғотиш учун дастлаб жамоа қийинчиликлари енгил ва ўрта бўлган болаларда бошлаган маъқул;
- ҳар бир оддий синфда ногирон болалар иккитадан кўп бўлмаслиги лозим;

– ўзлаштиришда қийинчиликлари бор бўлган болалар бўлими шовқин даражаси паст бўлган ва уларни фикрини жамлашга халақит бермайдиган жойда бўлиши шарт;

– кўриши шикастланган болалар бўлими яхши ёритилган ва у ерда товуш яхши эшитиладиган бўлиши даркор;

– эшитиши шикастланган болалар бўлими товушни яхши қайтарадиган маҳаллий материаллардан, нотўқима матолардан ёки шишадан тайёрланиши керак ва ўқитувчининг имо-ишоралари ҳамда лаб ҳаракатларини кўриш учун яхши ёритилган бўлиши керак. У мактабнинг энг шовқинсиз жойида бўлиши зарур;

– ўзлаштиришда қийинчиликлари бор бўлган болалар бўлими шовқин даражаси паст бўлган ва уларнинг фикрини жамлашига халақит бермайдиган жойда бўлиши керак;

– жисмоний ривожланишида нуқсони бор болаларнинг эҳтиёжлари инобатга олиниши лозим. Мавжуд мактабларда ҳаракатланишда қийналувчи болалар учун зарур ўзгартиришлар қилиниши зарур. Масалан, ногиронлар аравачаси юрадиган йўлакчалар, ҳожатхона жиҳозлари ва бошқалар;

– дарсларни олиб боровчи ўқитувчилар махсус билимлар, Брайл ва бошқаларни бериш билан чекланмасдан, хулқ-атвор, текширув ва баҳолаш, гуруҳ ишлари, дастурга мослашиш, индивидуал ўқитиш методлари, синфни бошқариш, ўқитиш қўлланмалари ва улардан фойдаланишга ҳам диққатни қаратишлари лозим. Синф хоналаридаги махсус эҳтиёжлар, ЮНЕСКО ресурс қўлланмаси шу мақсадда қўлланилиши мумкин;

– катта ёшдаги ўқувчилар, ота-оналар, қариндош-уруғлар ўқитувчиларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ёрдам беришда жалб қилиниши ва руҳлантириб борилиши керак;

– инклюзив таълим Ресурс жамоаси тузилади. Имкон қадар тайёрловдан ўтган ва турли ногиронлик ҳақида билимларга эга махсус таълим ўқитувчилари танланади;

– ресурс жамоанинг мақсади оддий мактаб тизимида қисқа муддатли ва маҳаллий курсларни ташкил қилишдан иборатдир. Бу инклюзив таълимнинг муваффақиятли ривожланиши учун

жуда муҳимдир. Уни мактабгача таълим ўқитувчилари ва бошланғич синф ўқитувчиларидан бошлаш керак;

– инклюзив таълим тизимини яхшилаш учун энг самарали ислохотлар юритиш ва бунинг учун зарур маблағларни ажратиш, шу билан бирга, таълим жараёнига шахсиятидан қатъи назар барча болаларни жалб қилиш керак;

– ота-оналарга оилавий тарбия устуворлигини тушунтириш, уларни таълим муассасаларидаги педагогик жараёнда иштирок этишга йўналтириш керак;

– ижтимоий, психологик ва соғлиқни сақлаш хизматларини мувофиқлаштириш лозим.

Таълим-тарбия тизимидаги ислохотлар бугунги энг долзарб масала бўлиб, эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи муаммога айланмоқда. Дарҳақиқат, биз тарихда мисли кўрилмаган янги жамиятда яшамокдамиз. Педагог-психологлар зиммасига ҳам шундай улуғ вазифа тушган экан, уни бажариш масъулиятини тўғри англаш, виждон амри билан адо этиш ғоят мураккаб ва шарафли бурчдир. Мутахассислар бу бурчни қанчалик ифтихор билан бажарса, мустақиллик иморатининг пойдевори шунчалик бақувват бўлади. Бола вояга етар экан, унинг хулқ-атвори ўзи яшаётган жойда, ён атрофдагиларнинг таъсирида шаклланиб боради.

Шу тариқа инклюзив таълимни оиладан сўнг мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларида, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув муассасаларида жорий этиш натижасида имконияти чекланган инсонларга нисбатан умумий муносабат ўзгараётгани маълум бўлди. Бу эса, уларнинг ҳаётда муваффақият қозониши учун омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Инклюзив таълим имконияти чекланган болаларга умумтаълим жараёнидаги барча тадбирларда фаол ва мунтазам иштирок этиш имконини беради. Бунинг натижасида стереотиплар шаклланишининг олди олиниб, кўрсатиладиган индивидуал ёрдам имконияти чекланган болаларни жамиятдан ажратиб қўймайди. Улар олган кўникмаларини умумлаштириш имконига эга бўлишади. Имконияти чекланган инсонлар учун ишлаб чиқилган ва жамиятга режали асосда жорий этилаётган

инклюзив таълим стратегияси ўқишнинг узлуксиз ва муттасиллигини таъминлайди. Оила – болалар боғчаси – мактаб – касб-хунар коллежи – иш билан таъминлаш – ушбу тизим келажакда ота-оналарга имконияти чекланган болаларини умумтаълим муассасалари ва олий ўқув юртларига бемалол, хавфсирамасдан олиб келишлари учун замин яратади.

Инклюзив таълим технологиясининг мақсади, вазифалари ва мазмуни

Инклюзив таълим фаолияти дастури махсус эҳтиёжлар таълими бутунжаҳон конференциясида қабул қилинди. Конференция UNESCO ҳамкорлигида Испанияда 1994 йил 7-10 июнда ўтказилди. Унинг мақсади давлатлар, халқаро ташкилотлар, миллий ёрдам уюшмалари, нодавлат ташкилотлар ва бошқа бўлимларни махсус эҳтиёжлар таълими амалиёти, ислоҳоти ва тамойиллари бўйича Саламанка баёнотини ҳаётга татбиқ этишнинг ислоҳотлари ва фаолиятлари билан таништиришдир. Дастур конференцияда қатнашаётган давлатлар тажрибалари ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа давлат ташкилотлари чоп этган қўлёзмалар, маслаҳатлар ҳамда турли масалалар ечимлари, айниқса, ногирон шахслар имкониятларини барқарорлаштириш бўйича стандарт қоидалар асосида ишлаб чиқилган. Ҳар бир боланинг таълим олиш ҳуқуқи бутунжаҳон «Инсон ҳуқуқлари» декларациясида қабул қилинган ва бутунжаҳон «Таълим барча учун» декларациясида қайта қатъий қайд этилган. Агар талаб этилса, ҳар бир ногирон шахс ўз хоҳишини ўзлаштирган таълимига асосан билдириш ҳуқуқига эга. Ота-оналар болаларининг хоҳиши, ҳолати, эҳтиёжларига мос келувчи таълим шаклини танлаш бўйича маслаҳатлар олиш ҳуқуқига эгадирлар. Инклюзив таълим бу махсус ёрдамга муҳтож болалар ва ёшлар учун индивидуаллашган ва шароитга қараб ўзгарувчан, ғамхўрлик билан ёндаша оладиган таълим тизимидир. Ушбу ишлар оддий, меъёردа ривожланган болалар ўқув муассасаларида амалга оширилади. Буни амалга ошириш учун ҳар бир болага инди-

видуал ёндашиш, нуқсонидан келиб чиққан ҳолда маълум, у учун қулай шароит яратиш, керак бўлса, дастур ва режани қисман ўзгартириш лозим. Ногирон бола уйига яқин, ўзига қулай оммавий боғча ёки мактабга қатнайди. У ерда асосий ишни тарбиячи ёки синф раҳбари амалга оширади. Ҳар бир мактабгача тарбия муассасасида ёки мактабда махсус тайёрланган ресурс тарбиячи бўлиб, у гуруҳ тарбиячисига маслаҳатлар беради ва кўмаклашади: махсус ўқитиш ускуналари, жиҳозлари билан таъминлайди; ота-оналар, ўқитувчилар билан тушунтириш ишлари ўтказади: дарс жадвали, дастурга, керак бўлса, ўзгартиришлар киритади, уларни асослаб беради; ўқитувчиларнинг малакасини оширади, билим маҳоратини бойитади; соғлиқни сақлаш хизматларини ташкил этади, қулай психологик муҳитни яратади. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болани оддий боғча ёки мактабга жойлаштириш интеграция йўлидаги биринчи қадамдир. Таълим интеграциясининг турли шакллари ва даражалари мавжуд. Жисмоний интеграцияда ногирон ва соғлом бола орасидаги жисмоний тафовут иложи борица камайтирилиши лозим. Бунинг учун махсус синф ёки бўлим ташкил этилиши мумкин. Функционал интеграцияда ногирон ва соғлом бола орасидаги функционал тафовут имкон қадар бартараф этилиши керак. Бунинг учун алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни мусиқа, санъат, драматик тўғарак ва спортга жалб этиш фойдалидир. Ижтимоий интеграция ижтимоий тафовутни камайтиришга, ногирон ва меъёردа ривожланган болаларни ўзаро дўстлашишга, бир-бирига ҳурмат билан қарашга ундайди. Меъёردа ривожланган болаларни мурувватли бўлишга ўргатади. Жамият ногирон кишиларга тўғри муносабатда бўлиши керак. Конституциямиздаги барча бандлар улар учун ҳам тааллуқли. Ҳар қандай таълим интеграцияси инклюзив таълим сифатини оширади. Инклюзив таълим марказида жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бор бола туради, унга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилади. Алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болалар учун ташкил этилган таълим тизимида, биринчи навбатда, боланинг талаблари ўрганилади. Ижобий томонлари,

қобилияти ҳисобга олинади, камчиликлари кузатилади. Ушбу таълим тизимида маълум шароит яратилиши лозим. Бунга модификация, компенсация, адаптация, реабилитациялар киради. Масалан, агарда бола эшитмаса, уни эшитиш аппарати билан; юра олмаса – ногиронлар аравачаси билан таъминлаш, қўлида оддий қошиқни ушлай олмаса, уни бошқа қулай ускуна билан таъминлаш зарур.

Мактабда таълим олиш жараёнининг маълум бир пайтида кўпгина болаларда ўрганишда қийинчиликлар бўлади ва шу даврда улар махсус таълимга муҳтож бўлишади. Мактаблар барча болаларга самарали таълим бериш йўллариini излаб топиши керак. Шу жумладан, имкониятлари чекланган ногирон болаларга ҳозирда пайдо бўлаётган келишувларга асосан махсус таълимни умумий тартибда режага киритиш керак. Бу инклюзив таълим концепциясининг вужудга келишига сабаб бўлди. Инклюзив таълимда энг катта муаммо барча болаларни самарали ўқитишга қодир, болаларга асосланган, шу билан бирга, жиддий афзалликлардан маҳрум болалар педагогикасининг «ўқитиш услубиётини» шакллантиришдан иборатдир.

Интеграциялашган – мужассам, ажратиб бўлмайдиган қисм деган маънони билдиради. Ҳар бир бола таълимга жалб этилиши лозим. Интеграциялашган жамиятда барча тенг ҳуқуқга эга, бу яхлит жамиятдир. Инклюзив таълим туфайли жамият интеграциялашган жамиятга айланади. Махсус эҳтиёжлар таълими барча болалар учун фойдали бўлган самарали педагогика тамойилларини тарғиб этади. Инсонларнинг турли хилда бўлиши нормал ҳолат деб қабул қилинган ва ўрганиш жараёнининг табиати ва босқичларидан келиб чиқиб, бола мазкур жараён талабларига эмас, балки ушбу жараён бола талабларига мослаштирилиши керак.

Болага асосланган педагогика барча ўқувчилар учун фойдали, шу жумладан, жамиятга ҳам фойдалидир. Орттирилган малакалар шуни кўрсатадики, ўрта даражада юқори муваффақиятларга эришиш мумкинлигини таъминлаш орқали таълим тизимида мактабни ташлаб кетиш ва қайта топширишларни камайтириш мумкин. Болага асосланган педагогика


ресурсларини (манбаларини) исроф қилмаслик, сифатсиз таълим ва «барча учун бир хил ўлчам» менталитети натижаси бўлиши умидсизликка учрашнинг олдини олишга ёрдам беради. Бундан ташқари, имконияти чекланган болаларга асосланган таълим муассасаларида инклюзив таълим уни ташкил қилиш мумкин бўлган тамойиллар асосида олиб борилади. Инклюзив таълим технологиясининг фаолият дастури бир қанча факторларга боғлиқ бўлади (1.1-расм).



1.1- расм. Инклюзив таълим фаолияти.

Инклюзив таълим олиш махсус эҳтиёжли болалар ва кузатувчилар ўртасида барқарорликка эришишнинг энг самарали омилидир. Болаларни махсус мактабларга ёки мавжуд мактаб базасидаги махсус синфларга ёки бўлимларга бириктириш бундан мустасно. Оддий синфда таълим олиш боланинг таълим ёки ижтимоий эҳтиёжларини қондира олмаса, унинг ўзига ё бошқа болаларнинг манфаатини кўзлаган ҳолатларда инклюзив таълимни амалга ошириш мумкин. Инклюзив мактабни ташкил қилишнинг асосий мақсади бўлган таълим ислохотининг негизи бу тамойиллар ҳисобланади.

Инклюзив таълим борасидаги бундай тамойиллар муҳим 10 та факторни ўз ичига (1.2- расм) олади.



1.2-расм. Инклюзив таълим тамойиллари.

- эътироф этилиш (бутун таълим тизимида жавобгарлик сифатида);
- миллий бўлиш (муҳтожларнинг барчасининг эҳтиёжларини қондирувчи);
- боғланишнинг осон бўлиши (турли хилдаги тўсиқларни очиб ташловчи);
- марказлаштирилмаган бўлиш (оддий таълим тизимининг бир қисми сифатида);
- интеграция қилинган бўлиш (махсус таълимга муҳтож болаларнинг эҳтиёжларини қондирган ҳолда таълим бериш);
- мувофиқлашган бўлиш (болага асосланган, яъни у предметга эмас, балки ҳаётга асосланган бўлиши керак);
- тушунарли бўлиш (болаларнинг бутун болаликлари мобайнида уларнинг барча эҳтиёжларида акс этувчан бўлиши);
- бошқарилувчан бўлиш (барча босқичларда);
- малакавий бўлиш (яхши тайёргарлик кўрган ва фидокор ўқитувчилар томонидан олиб борилиши);

– ҳаққоний бўлиш (мамлакатнинг иқтисодий, техник, ижтимоий, маданий ва сиёсий имкониятларини назарда тутган ҳолда).

Қишлоқ ва шаҳар ҳудудларидаги болаларга хизмат кўрсатувчи инклюзив мактабларни ривожлантиришда тўғри молиявий таъминотни ташкил этиш, нотўғри фикрлар билан курашиб, халқни воқиф қилиш орқали ижобий муносабатлар яратувчи самарали жамият ҳаракати, кенг кўламли белгилаб олинган ва жамоа тренинги дастурлари ва зарур ёрдам хизматларини кўрсатишни талаб этади.

Инклюзив таълим тизими тамойиллари

Инклюзив таълим тайёргарликдан яхши ўтган ва малакали ўқитувчиларни талаб қилади. Мана шу мақсад учун турли эҳтиёжларга эга болаларни ўз ичига оловчи тайёрлов дастурларини йўлга қўйиш муҳимдир. Шундай бўлса-да, тайёрлов жуда махсуслаштирилган бўлмаслиги керак. Чунки марказлаштирилмаган ва интеграциялаштирилган тизимда ҳар бир мактаб ўзининг шахсий мутахассисларига эга бўлиши ҳақиқатга тўғри келмайди. Мавжуд ходимлардан етарли даражада тўғри фойдаланиш жуда муҳимдир. Инклюзив таълимда ўзлаштиришда қийинчилаклари бўлган болалар мутахассислардан кўра умумий иш кўрувчи ходимларга муҳтождир. Кўп томонлама ногиронлик бўйича турли муаммолари бор бўлган болалар билан ишловчи ресурс ўқитувчилар тайёрловчи категориялаштирилмаган тайёрлов дастурлари муҳокама қилиб кўрилиши керак. Оддий ўқитувчилар тренинги ва мактабнинг барча учун фаолият кўрсатишини таъминлаш бўлган бошланғич фазани яхшилаш учун ўқитувчиларда синфларда барча болаларга жавобгарлик ҳиссини уйғотишимиз керак. Болаларга маънили ва уларнинг қизиқишларига мос, билим ва қобилиятлари бўйича таълим бериш синф хонасида олиб бориладиган фаолиятдир. Шу сабабдан махсус таълимга муҳтож болалар борасидаги масалалар барча бошланғич ўқитувчилар тренинги ҳамда турли ички тренинг дастурларининг

табiiй қисмига айланиши керак. Ушбу ўқувчиларни ўқишга даъват этиш учун ўқитувчи муҳим стратегияни ишлаб чиқиши зарур. Бу стратегияни инклюзив таълим тизими асосида ифодалаш мумкин (1.3-расм).



1.3-расм. Инклюзив таълим тизими.

Инклюзив таълимни ўқитиш бўйича кўрсатмалар

Инклюзив таълим бу, биринчи навбатда, яхши умумий таълимдир ва у қуйидагиларни қамраб олади:

– **Ўзингизда мавжуд барча нарсалардан фойдаланинг.** Боланинг қизиқишини уйғотадиган қўлланмалардан фойдаланишга ҳаракат қилинг. Бунда боладан бармоқлари ва қўлларида фойдаланишини талаб қилувчи кўп мақсадли қўлланмаларни таклиф этинг. Болалар ўзларининг 5 та сезги органлари орқали ўрганишади: кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳидлаш ва ушлаб кўриш. Шу сабабли бола кўра оладиган, эшита оладиган, таъмни била оладиган, ҳидни сеза оладиган ва ушлаб кўра оладиган қўлланмалардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

– **Таҳлил қилинадиган топшириқлар.** Топшириқ, одатда, жуда кўп кичик топшириқлардан иборат бўлади. Бир босқичда амалга ошириладиган топшириқ йўқ. Бола машғулоти

муваффақиятли бажариши учун машғулотни бир неча кичик бўлимларга бўлиб ташланг.

– **Машқлар кетма-кетлиги.** Дастлаб осон машқлардан бошланади. Сўнгра бола олдинги машқни ўзлаштириб борган сари машқлар қийинлаштириб борилади.

– **Ўзгарувчан бўлиш.** Жиддий машқлар уюштирилган эркин ўйинлар ва лойиҳалар билан алмаштириб турилади.

– **Яккалаб қўйманг.** Болани индивидуал равишда ўқитиш, уни яккалаб қўйиш дегани эмас. Бундан фарқли ўлароқ, ҳар бир машқ барча болалар қатнаша оладиган ҳолда ўрганиш жараёнига айлантирилиши лозим. Ҳеч қайси бола ҳамма нарсани аъло даражада билмайди ва ҳамма нарсани бирдек ўзлаштира олмайди, деб айтолмаймиз. Барча синфдошлар бир-бирига ёрдам бериши учун имконият яратиш керак ва уларга кўмак бериш зарур.

– **Соддалаштиринг.** Ўрганиш топшириқларини иложи борича соддалаштириш лозим. Кўрсатмаларингизнинг хато эмаслигига амин бўлинг. Бир нечта сўздан фойдаланинг. Секин ва аниқ гапиринг. Бирор-бир нарсани бажаришни айтибгина қолмай, уни қандай амалга оширишни ҳам кўрсатиб беринг. Топшириқлардаги ҳар бир вазифа шу даражада содда бўлсинки, боланинг ўзи мустақил бажара олсин.

– **Қисқа ҳолатга келтиринг.** Боланинг диққати қоча бошлаганда, унинг эътиборини қайта жалб этиш ҳамда ишончи ва интилишини янгилаш учун бирон-бир бошқа нарсага эътиборини қаратинг. Болага қачон танаффус беришни ҳам билинг. Эсингизда тутинг, олдин муваффақиятсизликка учраган боланинг ўзига ишончини шакллантириш жуда қийин кечади.

– **Мақтов.** Муваффақиятга эришиш учун болага жуда кўп имкониятлар беринг. Ҳақиқий ҳаракат ва муваффақиятларни рағбатлантиринг. Ҳатто кичкина бўлса-да, бола эришган ҳар бир ютуқни тақдирланг ва болада ўзига ишончини вужудга келтиринг. Муваффақиятсизликларга ижобий муносабатда бўлинг. Бунда болага қарата «Жуда ҳаракат қилдинг, ҳаракат қилишда давом эт ва аминманки, урдасидан чиқасан» каби

ибораларни ишлатинг. Бирор нарсани болага қайта-қайта тушунтиришга тўғри келса, сабрли бўлинг.

Таълим муассасаларида инклюзив таълимнинг педагогик-психологик таҳлили

Бутун жаҳондаги эҳтиёж ва таъминот ўртасидаги боғлиқ-сизлик ногирон болаларга таълим бериш стратегиясини қўллаб-қувватлаш ғоясининг кўтарилишига сабаб бўлди. Айниқса, пуллик махсус мактаблар ва марказлар ҳамма ҳолатда ҳам уларни ажратишни тезлаштиради, лекин ногирон болаларнинг тренинг ва таълимга бўлган эҳтиёжларини қондира олмайди. Оддий мактаблар кўпроқ аҳамият касб этиши керак. Улар мақсадли ўқитиш дастурларини қайтадан тузишлари лозим. Ногирон болаларни ўз ичига олувчи ва турли хилдаги ўқувчиларнинг талабини қондирувчи инклюзив ёндашувни қабул қилишлари зарур. Инклюзив таълим тизимининг анъанавий таълимга ёндашувини таққослаш асосида баҳолаш мумкин (1.1- жадвал).

Келиб чиқиши жиҳатидан умумий параллел бўлган ҳозирги мактаб тизими ва махсус мактаблар йўналтириш ва интеграциядан ривожланиб бораётган инклюзив мактабларга айланиб бормоқда. Ривожланиб бораётган тизим учун инклюзив мактаблар қўшимча танланиши керак бўлган имконият эмас, балки мажбурийдир. Бунинг натижасида оддий синф хонаси ногирон болалар таълими учун биринчи имкониятга айланади. Оғир ва мураккаб қийинчиликлари бор бўлган болаларга баъзи ҳолларда бошқа турдаги марказлар ёки оддий мактаб ичида махсус бўлим каби дастурлар қўлланиши мумкин. Синф хонаси эҳтиёжни қондира олмагунга қадар, бу қўшимча имкониятдан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Юқорида тилга олинган стратегиянинг соғлиқни сақлаш хизмати билан ўхшашлик томонлари бор. Касалларнинг кўпчилигига уларнинг уйларида ёки яқин орадаги клиникаларда хизмат кўрсатилади. Баъзиларига шифохонадан жой берилади. Уларнинг жуда оз қисми махсус тиббий ёрдам бўлимида

даволанади. Одатда, биз бурнимиз оқса, шифокорга мурожаат қилмаймиз. Шунга ўхшаш, кўпгина махсус таълимга муҳтож болаларнинг эҳтиёжларини оддий мактабнинг ўзида ҳам қондирса бўлади.

Инклюзив таълим тизими

1.1-жадвал


Анъанавий ёндашув	Инклюзив ёндашув
• Таълим баъзилар учун	• Таълим барча учун
• Ўзгармас	• Мослашувчан
• Жамоавий ўқитиш	• Индивидуал ўқитиш
• Ажратилган муҳитда ўрганиш	• Интеграция муҳитида ўрганиш
• Ўқитишга куч бериш	• Ўрганишга куч бериш
• Предметга асосланган ҳолда	• Болага асосланган ҳолда
• Диагностик-истикболли	• Таълимий
• Имкониятлар ажратиш орқали чекланган	• Имкониятлар барча учун бир хилда

Уларнинг жуда оз қисмига махсус мактабларда мутахассислар томонидан зарур ёрдамлар кўрсатилади. Берилаётган таълим, албатта, боланинг ҳақиқий эҳтиёжларига мос келиши керак. Шу йўл орқали қимматбаҳо ва эшитмайдиган мутахассис хизматлари зарур ҳолатлар учун сақлаб қўйилади.

Ушбу янги йўналишларга боғлиқ ҳолда, махсус мактаблар кенг суръатда ресурс марказларига айлана бошлади. Улар ўзларининг юксак тажриба ва билимларини қўллай оладиган кенг кўламдаги дастурларда қатнаша бошлашди ва фаолиятларини оддий мактаблар, оилалар ҳамда жамият билан боғлаган ҳолда олиб боришади.

Махсус таълимга муҳтож болаларнинг йўналтирилган таълимига ва умумий таълимга иккита турли хилдаги масала деб қарамаслик керак. Олдинги таълим умумий таълим

режасининг қисми ва қолипи вазифасини ўташи керак. Ҳозирда биз таълим таъминотини махсус таълимга муҳтож болаларга етказиб бериляпти ва бу билан таълим барчага инклюзив таълим тамойилини қонун ёки ислоҳот деб қабул қилиб, мақсадимизга эриша оламиз. Инклюзив таълимда имконияти чекланган болаларнинг таълим муассасасига жалб қилиниши муҳим ҳисобланади (1.1- диаграмма).



1.1-диаграмма. Имконияти чекланган болаларнинг таълим муассасаларига келиш динамикаси.

Республикаимизда айни вақтда аралаш инклюзив таълимга ихтисослашган гуруҳ ва синфларда имконияти чекланган 3000га яқин болалар таҳсил олмоқда. Лойиҳа илк йўлга қўйилган 2007 йилда уларнинг сони 47 нафар эди. Бу имконияти чекланган болаларнинг ота-оналари ушбу мактабларга қатнаётган ўқувчиларнинг эришаётган ютуқларини кўриб, ўз фарзандларини ҳам шундай мактаб ва болалар боғчаларига олиб келишни афзал кўришаётганидан далолат беради.

Инклюзив таълим амалиёти ва таълим хизматларини ташкиллаштириш ва уларга фундаментал, ҳақиқий ўзгаришлар киритишни талаб этади. Махсус таълим эҳтиёжларининг киритилишини шундай ўзгариш деса бўлади. Боланинг махсус таълимга эҳтиёжи бор дейиш, таълим соҳасидаги мақсадларига


етишиши учун аниқ, қисқа ва узоқ муддатли педагогик-психологик ёрдам ва хизматларга муҳтож демакдир. Таълим муассасалари турли тоифадаги ўқувчиларга хизмат қилиши керак. Бунга кўра, махсус таълим синф хоналари ва ўқитувчи ҳақиқий таълим баъзасига, мактаб раҳбари эҳтиёжларни қондирувчи шахсга айланиши керак. Жавобгарлик синф ўқитувчисидан олиб, бошқа мутахассисларга бериб қўйилмаслиги керак. Бунинг ўрнига, улар иккаласи уюшган ҳолда ўзаро иш олиб боришлари лозим. Бу каби ривожланишга бутун таълим муассасалари ислоҳотларидаги изланишлар сифатида қаралиши керак.

Махсус таълимга муҳтож болалар ҳозирги пайтда оддий мактаб тизимига қабул қилинмаяпти. Бу ҳолат махсус таълимга муҳтож болаларнинг талабларига жавоб беролмайди. Шу боис ҳам, бу соҳага ўзгартиришлар киритилиши лозим. Шу сабабли интеграцияга мактаб ислоҳоти сифатида қаралиши зарур. Унинг мақсади мавжуд аниқ дастурлар доирасида барчага таълим берувчи мактаб тизимини яратишдан иборат бўлмоғи лозим. Ҳозирги вақтда имконияти чекланган болаларнинг таълим олиш даражаси йилдан-йилга ошиб борилаётганлиги келажакда аниқ дастур асосида мактаб тизимини яратишга замин бўлади.

Республикамизда имконияти чекланган болалар таълим даражасининг йил сайин ўсиб бориш статистикаси 1.2-диаграммада кўрсатилган. Таълим хизматларини режалаштиришда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ногирон одамлар борасида иш юритувчи жаҳон дастури қўлланмаси доирасида фаолият юритиш тавсия этилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таклифи билан ногирон одамларга тенг имкониятлар белгиловчи стандарт қоидаларга тўлдириш киритилган (Қоида N.6, II илова).¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ногирон шахслар имкониятларини барқарорлаштириш тўғрисидаги стандарт қоидалари буни шундай изоҳлайди: «Ҳукуматнинг мактаб ва жамият миқёсида тушунарли ва қабул қилинган аниқ ислоҳоти бўлиши керак...» (N6.6-Қоида).

^{1, 2} Йонссон Т. Инклюзив таълим. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т., 2003. – Б.139.

БМТга аъзо 120 та мамлакат ногирон одамларга бошқалар билан тенг таълим олиш имкониятларини берувчи ҳуқуқларни тан олувчи сиёсий қонунлар юритиши керак. Ногирон шахснинг таълими иложи борица умумий мактаб тизимида олиб борилиши керак.



1.2-диаграмма. Имконияти чекланган болаларнинг таълим даражаси динамикаси.

Таълим-тарбия органлари ва мажбурий таълим тўғрисидаги қонунлар жавобгарликни ўз бўйинларига олган ҳолда, турли даражадаги ногирон болаларнинг ҳолатларини инобатга олиб, мажбурий таълимга киритиши шарт.

Барча болаларнинг бошланғич таълимдаги эҳтиёжларини қондириш зарурияти таълим барчага инклюзив мактаби доирасида махсус таълимга муҳтож болалар учун оддий мактаб тизимида таълим олишнинг янги имкониятларини очади.

Таълимни режалаштирувчилар умумий қабул қилинган 10% кўрсаткични турли зарур муаммоларни ҳал қилиш ва махсус диққат-эътиборга муҳтож болаларга ёрдам бериш учун асос қилиб олишлари мумкин. Махсус диққат-эътибор деганда, ногиронлиги оғир болаларга хизматлар кўрсатиш, уни олдиндан аниқлаш, ёрдамни тўғри ташкил қилиш, ўрта ва енгил

кийинчиликлари бор бўлган болаларга керакли ёрдамлар бериш зарур бўлади.

Ногиронлик даражаси ўта оғир болаларнинг сони кам ва ногиронликнинг оғирлик даражаси пропорционал равишда камайиб боради. Махсус таълимга мухтож болаларнинг 80% га оддий мактабда керакли ўзгартиришлар киритиш орқали ва махсус эҳтиёжлар таълимининг бошланғич тренингларидан ўтган оддий мактаб ўқитувчилари ёрдамида кўмак бериш мумкин. Ўртача даражадаги ногирон болаларга оддий синф хоналари ёки махсус гуруҳ ёки бўлимларда чуқурлаштирилган ёрдамлар кўрсатиш орқали кўмак бериш мумкин (1.4-расм). Улар кўпроқ малакали ўқитувчиларга мухтождирлар. Улар 5% дан камроқни ташкил қилувчи оғир ногирон ўқувчилардир. Масалан, умуман кўзи кўрмайдиган ва эшитмайдиган, махсус мулоқот қилиш малакалари ва алоҳида тайёрлов дастурлари техникаларини ўзлаштирган ўқитувчиларга мухтождирлар. Инклюзив таълимга урғу бериш махсус мактаблар ва марказларни четга суриш дегани эмас. Улардан махсус кўмакка мухтож болаларга ёрдам кўрсатишдаги махсуслаштирилган ва чуқурлаштирилган хизматларнинг асосий қисми сифатида мавжуд бўлиб қолиш талаб этилади.

Талаб қилинаётган хизматни белгилашда асосий нуқтаи назар айтилиши бир болага қандай кўмак энг тўғри ёрдам бўлишига қаратилиши лозим. Кўпгина мамлакатларда махсус мактаблар ҳали ҳам анъанавий таълим бериш ўчоғи бўлиб келмоқда.


Махсус мактаблар ва марказларнинг тажрибалари ҳар томонлама юқоридир. Ўзимизнинг билим ва тажрибаларимизни улар орқали шакллантирамиз. Улар ҳукумат, жамият ва ота-оналарга, ногирон шахсларга қанчалик кўп ёрдам берилса, улар шунчалик имконият ва билимларга эга бўлишларини кўрсатиб келишган. Ҳозир ҳам бундай мажмуалар кўплаб дастурлар учун ресурс марказлари, ички тренинг бўлиб, оилаларга ва ногирон болаларга ёрдам бериш, оддий мактабларда махсус таълимга мухтож болаларга таълим бериш каби хизматларни кўрсатишда катта ўринни эгаллаб келмоқда.




1.4- расм. Ногирон болалар касаллиги даражаларининг фоизларда тақсимланиши.

Республикамизда имконияти чекланган болаларнинг таълим муассасаларига келиши ва унда таълим олиши, касб-ҳунар эгаллашга йўналтирилиши йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Маълумотларга эътибор бериладиган бўлса, шаҳарлар кесимида бу кўрсаткичларни таҳлил қилиш мумкин (1.3-диаграмма).

Мавжуд махсус мактабларга ажратиладиган инвестициялар уларнинг янги мақсадлари, оддий мактабларда махсус таълимга бўлган эҳтиёжларнинг қондирилишига қаратилган вазифаларга сарфланиши керак. Махсус мактаблари кам ёки умуман йўқ мамлакатлар инклюзив мактаблар очиш ва махсус хизматларни кўрсатиш борасидаги ҳаракатларига керакли маслаҳатларни олишлари мумкин, айниқса, махсус эҳтиёжлар таълимида ўқитувчилар тайёрлашни амалга ошириш ва керакли жамоани тузиш, уларга кўплаб болалар ва ёшларга хизмат кўрсатишида керак бўладиган жиҳозланган ресурс мактабларини ташкил этиш лозим (1.5- расм).



1.3-диаграмма. Имконияти чекланган болаларнинг муассасаларга келиш динамикаси.



1.5- расм. Инклюзив таълимда тўлиқ қатнашиш.

Инклюзив таълимда янги фикрларнинг талқин этилиши миллий ислохот ва махсус ёрдамга муҳтож болалар, ёшлар учун истиқболли дастурларда аниқ акс этиши лозим. Махсус таълимга муҳтож болалар ҳозирги мактаб тизимида эҳтиёжлари қондирилмаётган болалардир. Шу сабабдан мактаблар барча болаларнинг турли хилдаги ва умумий мақсадлари, интилишлари, қизиқишларига жавоб бериши даркор ҳамда уларнинг билим олишларини таъминлаши керак. Махсус эҳтиёжлар

таълими умумий таълим тизимининг бир қисмидир. У жамият ва мутахассислар салоҳияти, уларнинг муносабатлари, молиявий ресурсларни тақсимлаш ва ўқитиш, ўқитувчилар ва мактаб фаолияти борасидаги саволлар билан ўзаро боғлиқдир.

Таълимни ривожлантириш учун умумий таълим тизимига таркибий ўзгартиришлар киритиш муҳимдир. Анъанавий таълим ва махсус таълим ўртасидаги тўсиқлар олиб ташланиши керак. Махсус таълим оддий таълимнинг бир қисми бўлишига қарамасдан, ўзининг ўқувчилари, ўқитувчилари, бошқарув жамоаси ва таъминот тизимидан ташкил топган иккита таълим тизими амалда қўлланиб келинмоқда. Барча ўқувчиларнинг талабларига жавоб берувчи инклюзив мактабда бундай тизимга эҳтиёж қолмайди. Ислохотлар таълим мақсадларининг амалиётини бошқариши мумкин, лекин улар педагогик амалиётини тўғридан-тўғри бошқара олмайди. Шу сабабдан таълим самарали бўлиши учун ислохотлар яхши муҳокама қилиниши ҳамда таълим тизими бошқарувчилари ва уни амалда қўлловчилар томонидан кўриб чиқилиши керак. Ҳукумат миқёсида қабул қилинган ислохотларнинг муҳимлиги уларнинг таълим масалаларини етарли даражада ҳал қилишида эмас. Масалан, қайтарзда ўқитиш, балки улар сабабли юзага келаётган мунозараларнинг табиати ва таълим тизимининг бошқа бўлимларида юритилаётган сиёсатнинг муҳимлигидадир.

II. ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Оилада инклюзив таълим-тарбиянинг психологик хусусиятлари

Ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандларга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келинган.

Оилада ота-она фарзанд тарбиясини, аввало, боланинг шахсиятини ўрганишдан бошламоғи керак. Чунки таълим-тарбия дегани ўзаро илиқ муносабат ва бир-бирига таъсир кўрсатишдан иборат. Бунинг асосида болани тушуниш, ун таниш, ўрганиш ётади. Фарзандимиз билан ўртамизда юз берадиган тушунмовчиликлар, асосан, уни англай олмаганимиздан келиб чиқади. Муборак ҳадисда айтилади: «Боласи бор одам, у билан болага айлансин». Бунда болага айлансин деганда, бола сингари хатти-ҳаракатда бўлиш эмас, боланинг руҳий ҳолатини тушуниш, унинг эҳтиёж ва хоҳишларига жавоб берадиган тушунчада бўлиш кўзда тутилган. Ҳар бир боланинг шахсий психик хусусиятлари, феъл-атвори, иқтидорини ҳисобга олиб муносабат ўрнатиш керак. Бу бир кишига нисбатан бир усулни қўллаб, бундан ижобий натижа олиш, айнаи усулни бошқа кишига нисбатан ҳам қўллаган ҳолда ижобий натижани қўлга киритиш дегани эмас. Зеро, ҳар бир инсон ўзига хос хусусиятга эгадир.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган йилданок болалар ва ўсмирларнинг жисмонан соғлом ва бақувват, руҳан баркамол инсон бўлиб етишишлари учун барча шароитларни муҳайё қилишга катта эътибор берилди. Ўзбекистон Республикасида 2005 йил «Оналар ва болалар йили», 2008 йил «Ёшлар йили», 2010 йил эса «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинди ва уларга тааллуқли ишлаб чиқилган кенг ҳажмдаги Давлат дастурлари доирасида анча ишлар амалга оширилди. Ҳаммамизга яхши маълумки, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг, айниқса, ўсмирларнинг соғлом ўсиб-улғайиши, илм олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча имконият ва шароитлар яратилмоқда. Бу борада жамоат ташкилотларининг ҳам ўрни каттадир. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун», «Болалар», «Меҳр нури», «Сен ёлғиз эмассан», «Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш», «Меҳр-шафқат ва саломатлик» ҳамда «Мактаб таълими» каби жамғармаларнинг сабъ-ҳаракатлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Мамлакатнинг келажаги

бўлган ёш авлод ҳар жиҳатдан – ҳам жисмоний, ҳам ахлоқий, ҳам маънавий, ҳам руҳий баркамол бўлиши лозим.

Соғлом ота-онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Одамнинг саломатлиги ҳақида, узоқ умр кўриш тўғрисида ғамхўрлик қилиш бўлғуси она ва чақалоқнинг саломатлигини сақлаб боришдан бошланиши керак. Маълумки, бўлажак оналар ҳомиладорлик даврининг бошидан охиригача аёллар консультация назорати остида бўлади. Ой-куни тўлиқ етмасдан туғилган болалар ой-куни етиб туғилган болаларга қараганда кўпроқ касал ва нобуд бўлиши кузатилган. Шунинг учун аёллар консультацияларининг асосий вазифаларидан бири боланинг ой-куни етмасдан туғилишига олиб келиши мумкин бўлган сабабларни бартараф қилишдир.

Меҳр. Фарзанд дунёга келган хонадонда байрам бошланади. Қувонч ва шодликлар, ота-она бахтиёр, ҳамма ташвишларни унутадилар. Албатта, бу шодлик боланинг тўрт мучаси соғ бўлиб туғилгандагина ярашади. Лекин бола касал ёки нуқсонли бўлиб туғилганида-чи? Унга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатиб тарбиялаш лозим бўлади. Боланинг руҳан ҳам жисмонан улғайиши учун энг яхши муҳит – оила муҳити. Бола ўзига керак бўлган меҳр, шафқат ва эътиборни фақат оиласидангина топиши мумкин. Оилада ҳис-туйғуларнинг тенг ўртоқланиши бола шахсияти ва унинг ақлий жиҳатдан ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бола билан биргаликда қилинадиган ишлар, масалан, биргаликда таом ейиш, ўйин ўйнаш, сўзлашиш, телевизор томоша қилиш, эртак айтиш ва шунга ўхшаш фаолиятлар бола учун оиланинг қимматини янада оширади. Бола оиладаги ҳурмат-иззат, инсонга бўлган эътиборга қараб, хулоса чиқариб, тенгдош дўстлари, катталар, кичиклар ва жамиятга бўлган ўз муносабатини шакллантиради. Бола ота-она меҳрини ҳис этмасдан яшай олмайди. Чунки бола улғаядиган ягона муҳит, асосий макон унинг оиласидир. Бола улғайиб тарбияланишида ота-онанинг, оиладаги психологик муҳитнинг ўрни жуда аҳамиятлидир. Бола ҳар доим, ҳар қандай шароитда оила кўмаги ва меҳрига муҳтож бўлади. Бу меҳрдан маҳрум бўлмаслик учун у бор кучи билан ҳаракат

қилади, вақт ўтиши билан бошқаришни, атрофдаги кишилар билан қандай муносабатда бўлиш кераклигини ўрганади. Ота-она томонидан болага бериладиган тарбия меҳр, ҳаё асосида боланинг дунёқараши шаклланади.

Х.Жаскуин: «Меҳрга бўлган эҳтиёж қанча бўлишидан қатъи назар, унинг миқдори ҳисоб-китоб қилинмайди. Кам миқдорда бўлса-да, меҳр берилмаган бола ўз қобиғига беркиниб олади, йўлдан адашади ва худбинга айланиб қолади. Бола тоза ҳавога қанчалик муҳтож бўлса, меҳрга ҳам шунчалик муҳтождир», – дейди.¹

Ҳақиқатан ҳам, дунёга келган ҳар бир инсонда мужассам бўлган меҳрни кимдир фарзандни севишда ёки унга ҳар хил нарса олиб беришда, кимдир уни ўпиб-эркалашда, кимдир эса болани бағрига босишда деб билади. Меҳр дегани фарзандни қандай бўлса шундай қабул қилиб, у билан бир тан, бир жон бўлиш, баъзи юмушларни у билан ҳамкорликда бажариш ва болани тушунишга ҳаракат қилиш, атрофдаги нарсаларни унинг кўзи билан кўриш демакдир. Меҳр инсонлар орасидаги умумий муносабатларнинг асосидир, фарзанд тарбиясида муҳим аҳамият касб этувчи тамойил-қоидадир. Меҳр – бола учун асосий маънавий озуқа. У боланинг шахс сифатида шаклланишидан бошлаб, жамиятга қўшилишигача бўлган ҳаётига ва ўсиб-улғайишига сезиларли даражада таъсир қиладиган воситадир. Меҳр ва мурувват фақат кишининг ўз фарзандлари учунгина эмас, барча болаларга бериши керак бўлган туйғусидир. Зеро, ҳар бир бола севилиб, эркаланишга лойиқдир.

Болага асл тарбияни берувчи инсон онадир. Тарбия иши, асосан, она томонидан амалга оширилади. Онанинг фарзандига бўлган муносабати унинг инсонларга, ҳаётга ва атрофидаги кишиларга нисбатан дунёқарашини шакллантиради. Боланинг феъл-атвори ҳам онасига қараб шаклланади. Чунки бола кўп вақтини онаси билан ўтказади. Ҳаётда учраб турадиган она ва бола ўртасидаги муносабатлардан мисол келтирсак:

Бир куни Гуласал исмли жажжи қизалоқ уйлари ёнидаги турли-туман гуллар очилган боғга киради. Қизча қувониб,

¹ Фарзанд меҳр ила улғаяр. Таржимон ва тўплаб нашрга тайёрловчи Сайёрахон Ҳамидова. – Т.: «Сано-стандарт» нашриёти, 2011.

ичида: «Ойим гулларни жуда яхши кўрадилар: ҳозир битта гулдаста ясаб олиб борсам, балки роса қувонарлар? Қизим мени эслаб гул олиб келибди деб, юзимдан ўпиб кўярлар балки», – деб ўйлайди. Шундай беғубор хаёллар оғушида гуллар теради. Митти қўлчалари билан уларни тўплаб, чиройли гулдаста ясайди. Онасини хурсанд қилиш учун ошхонага югуради. Жавондан битта гулдон олади ва гулдастани унинг ичига қўйиб, сув солади. Қувончдан сакраб ошхонадан чиқаётганида, қўлидаги идиш сирпаниб ерга тушади ва чил-чил синади...

Гуллар атрофга сочилиб кетади. Онаси қўшни хонадан синган гулдоннинг овозини эшитиб, ташқарига югуради. Жажжи Гуласал кўркқанидан нима дейишини билмас, онаси ерда сочилиб ётган идиш парчаларини кўриб асабийлашганидан ақлдан озаётган эди. Қизалокнинг нияти нима эканлигини ҳам сўрамасдан, уни калтаклай кетди. Бечора қизча нима бўлганини тушунолмай, жон ҳолатида: «Жон ойижон, урманг!» – деб ёлворади. Ҳали ҳам жаҳлидан тушмаган она ҳам бақирар, ҳам қизчани урар: «Сен, ярамас, сен ҳали энг яхши кўрган идишимни синдирадиган бўлдингми!.. Ақлинг киргунча калтаклайман сени....»

Онасидан мақтов ва ўпичлар кутиб, бир дунё калтак зарбидан руҳан эзилган жажжи Гуласал ич-ичидан онасидан нафратланиб кетди. Шу тариқа қизчанинг онасига гул совға қилганини ҳеч ким кўрмади.

Шу ўринда битта гулдон синиши сабаб она болага тарбия беряпман деб ўйлаб, шафқатсизлик қилиб, калтак остида тарбиялашга ҳаракат қилади. Калтак остида тарбияланган болаларнинг ички руҳий оламида зўриқиш пайдо бўлиб, ота-онасига ҳурмати, оилага бўлган муҳаббати, чидами барҳам топади ва хоҳлаган ғилофга киришга мажбур бўлади. Бундай болаларда болаликдан асар ҳам қолмаган бўлади, у лоқайд, тамоман бефарқ ва безбет шахсга айланади.

Ота-она учун фарзанд энг олий неъматдир. Улар фарзандлари учун фақат яхшиликни кўзлаб яшайдилар. Болалар буни сезадилар ва яхши тушунадилар ва ўзлари учун ярати-

ладиган имтиёзлар, имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бундай ҳолатда бола эркатоиликка мойил бўлиб қолади ва унинг қилган ҳар бир хатти-ҳаракатида эркатоилик аломатлари яққол намоён бўла бошлайди. Ота-оналар баъзи-баъзида ёқимли, илҳомбахш сўзлар айтишлари мумкин. Лекин қилаётган ишларини ҳар доим, мунтазам равишда ўзлари бажармасалар, қилган ҳаракатлари гапирган гапларига муносиб бўлмаса, сўзлаган ёқимли сўзлари ҳеч қачон ижобий натижа бермайди. Қаршисидаги инсонга, яъни фарзандига ҳеч қандай ижобий таъсири бўлмайди.

Бола тарбиясида отанинг қатъияти, сўзидан қайтмаслиги муҳим аҳамиятга эга. У ўзининг бу табиатини фарзандига доимо сездириб туриши зарур. Она ҳам, ўз навбатида, отанинг айнан шу хусусиятини боланинг ёдига солиб турмоғи, шу тарзда фарзандини ёмонликлардан қайтармоғи лозим. Ота-онанинг ўз фарзандини бутун ҳаёти мобайнида маънавий озиқлантириб, унда соғлом дунёқараш шаклланишини таъминлаш учун мураккаб йўллари синаб кўришлари шарт эмас. Бунинг осон йўллари ҳам бор. Ота-она меҳрини ҳис қилиб улғайган боланинг шахсияти, дунёқарашини унинг келажақда ўзига ишонган, мустақил, умидли ва омадли бўлишини таъминлаши ҳаётда ўз тасдиғини топган.

Рухий ҳолат ва тарбия. Рухан соғлом, зиёли оилада бўлган бир воқелик ҳолатини таҳлил қилсак:

Бир одамнинг икки фарзанди бўлиб, улардан бири беш, иккинчиси етти ёшда эди. Кунлардан бир кун у одам етти ёшли ўғлига бензин воситасида ишлайдиган майса ўрувчи машина билан ям-яшил майсаларни қандай текис ўриш кераклигини ўргатаётган эди. Машинадан қандай фойдаланишни кўрсатаётганида, аёлига бир нарсани айтиш эсига тушади ва у уй ичкарасига кириб кетади. Бола эса шу вақт машинани ёқиб юргузади ва бошқаришни эплай олмай, майсазор ўртасидан ўтган гул пуштасига зиён етказади. Гул пушталари бир зумда пайҳон бўлади. Уйдан қайтиб чиқиб, бу манзарани кўрган отанинг фигони фалакка чиқади. Қанча меҳнати синган, кўз

қорачиғидай асраб, парваришлаган, қўни-қўшнилари ҳам ҳавас қиладиган гул пушталари тамоман барбод бўлган эди...

Энди болага бақирмоқчи бўлганида, ташқарига чиққан хотини: «Дадаси, фақат гул эмас, фарзанд ҳам катта қилаётганимизни унутманг!» – дейди. Ота шаштидан қайтади¹. Демак, бола тарбиясида отанинг руҳий вазияти юмшашига онанинг бир оғиз айтган сўзи таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ота учун фарзанд тарбияси муҳим эканини эслатади.

Ота-она фарзандлари оқ-қорани ажратгунча, уларга бир нарсани шарҳлаб, тушунтириб бормоғи лозим. Маърифий асарлар муаллифи, таниқли ёзувчи Жазмит Тоҳир Берктин «Мактабгача таълим-тарбия» номли китобида ўз бошидан кечирган бир воқеани ёзади: «Тўрт ёшли қизим худди очлик эълон қилгандек, бирдан овқат емай қўйди. Ҳамма билан баравар дастурхон атрофида ўтирмас, бир лўкма ҳам овқат емасди. Қанча уринмайлик, бунинг сабабини била олмадик. Кеч тушиб, ётиш вақти бўлганди. Қизимни бағримга босиб, ётоғига олиб бориб ётқиздим ва бошини силаб: «Мен сени жуда яхши кўраман, лекин овқат емаётганингдан жуда безовтаман», – дедим. Қизим йиғлаб, бўйнимдан кучоқлади ва «Дадажон илтимос, сиз ҳам еманг!» – деди. У ўз оғзи билан сабабини тушунтира бошлади. Билсам, турмуш ўртоғим ҳамма оналар каби бола парваришига ҳаддан зиёд эътибор берганлиги боис, бола тарбиясида хатога йўл қўйган экан. Қизим сўради:

- Ойижон, биз нима учун овқат еймиз?
- Катта бўлиш учун.
- Катта бўлсак нима қиламиз?
- Қариймиз.
- Қаригандан кейин нима қиламиз?
- Ҳамма кексалар каби биз ҳам ўлаемиз.

Қизим ўша суҳбатдан сўнг ўзининг болаларча фикрлаши билан ўлимнинг чорасини овқат емасликда деб топибди. Миясида «Овқат емасам, катта бўлмайман. Катта бўлмасам,

¹ Сулаймон Доған. Бахтли оила – бахтли фарзанд. – Тошкент: «Юрист-медиа маркази» нашриёти, 2010.

қаримайман. Қаримасам ўлмайман» деган болаларча содда мантиқ пайдо бўлибди».¹

Ота-она фарзандлари оқ-қорани ажратгунча, уларни қизиқтирган ҳар бир нарсани шарҳлаб, ёшига, руҳий ҳолатини инобатга олган ҳолда, тушунтириб бормоқлари лозим. Болаларда яхши-ёмонни фарқлаш ҳисси шакллана боргани сайин назоратни кучайтирмоқ лозим. Бунинг биринчи белгиси шуки, унда ҳаёнинг илк нишонлари зоҳир бўлади, лекин тортиниб туриш ҳали ҳаё эмас, балки ақл нури ёришиб, баъзи ишларининг бошқасига зид эканлигини кўра билиш ва қинғир ишлардан ўзини тортиши жараёнида унда етуклик хислатлари намоён бўла бошлайди. Ҳаёли болани эътиборсиз ташлаб қўйиш ярамайди. Балки унга ҳаё одобини ўргатиш билан ёрдам бермоқ лозим. Кўпинча болаларда таомга очкўзлик билан ташланиш туйғуси юқори бўлади. Бунда тарбия таом ейиш одобидан таълим бериш билан бошланади. Масалан, таомни ўнг қўл билан ейиш, катталардан олдин товоққа қўл чўзмаслик ва таомни фақат ўзининг олдидан олиш, еяётган кишининг оғзига қарайвермаслик, шошмасдан, яхшилаб чайнаб ейиш, таомни кетма-кет оғизга тикавермаслик, таом юқини кийимига артмаслик, баъзан зиравор ёки ширинликларсиз қуруқ ноннинг ўзини ейишга одатланиш. Шунингдек, кўп таом ейишнинг ёмонлиги, бу ҳайвонларга хос хусусият эканлиги, одобли бола таомни кам ейиши, бориға қаноат қилиши, таом танламаслик ҳақида гапирилса, бу ҳам тарбиядир.

Ҳаёли болада чиройли хулқ, мақтовга арзигулик бир феъл содир бўлса, уни ҳурмат билан шарафламоқ, кўнглини қувонтирадиган нарса билан тақдирламоқ, кўпчилик орасида бу феълни изҳор этмоқ зарур. Баъзи ҳолатларда бир марта бу феълга ҳилоф иш қилиб қўйса, уни кўрмаганга олиш фойдалироқ. Болани тушуниш ва эҳтиёжларини қондиришнинг энг яхши йўли оила даврасидаги суҳбатлардир. Кечқурунги овқатланиш пайти ҳам бола тарбияси учун энг муносиб пайтдир. Чунки бунда ҳамма дастурхон атрофига йиғилган бўлади. Шунда оила даврасида, биргаликда овқатланиш янада

¹ Фарзанд меҳр ила улғаяр. Таржимон ва тўплаб нашрга тайёрловчи Сайёрахон Ҳамидова. – Т.: «Сано-стандарт» нашриёти, 2011. – Б.79.

завқли тус олади ва оила истаклари шу усулда қисман бўлса-да, амалга ошган бўлади. Ота эътиборидан четда қолмаган бола ҳамма нарсани тез ўрганади, унинг ўзига бўлган ишончи ортиб, соғлом шахс эгаси бўлади.

Оилада ўз ўрни, ўз кадр-қимматига эга бўлган, гаплари тингланадиган, саволларига тушунарли тарзда жавоб ола оладиган, фикрлари ҳурмат қилинадиган, шахсий буюмлари ва ўзига тегишли хонаси бўлган боланинг шахсияти яхши шаклланади ва унинг ўзига бўлган ишончи янада ортади. Кўчага чиқиши тақиқланган, ўта қаттиқ назорат остига олиниб, эркинлиги тўрт девор билан чегаралаб қўйилган боланинг улғайиб, жамиятда ўз ўрнини топиш жараёни ниҳоятда қийин кечади. Чунки бундай бола ташқарида ўзини қандай тутиш кераклигини билмайди, қолаверса, ҳаддан зиёд эркалатилган ёки ортиқча босим остида камситилганлигини ҳис қилувчи болалар кам ижтимоийлашув, дўст орттириш ва атрофдаги кишилар билан тил топишиш каби жараёнларда муаммоларга дуч келишлари табиий.

Боланинг руҳий ҳолатини тушунмасдан ва уни тўғри тарбия қилиш усуллари, у билан қандай алоқа ўрнатиш кераклигини билмаслик ота-бола муносабатларига салбий таъсир кўрсатади ҳамда боланинг шахсияти, ақлу заковати ва жисмоний ривожланиши жараёнида муаммолар келтириб чиқаради. Ота-она тарбияси боланинг руҳий ҳолатига таъсир қилади. У ҳаётдаги таълим-тарбияни тўғри олиб бориш билан боғлиқдир. Болани фақат руҳан соғлом бўлган оила муҳитида ҳар томонлама тўғри тарбиялаб, унинг дунёқарашини ривожлантириш, уни меҳрли, шафқатли ва эътиборли қилиб шакллантириш мумкин. Жамиятда фарзандларини намунали инсонлар қилиб улғайтиришга аҳамият берган халқлар илм-фан ва маданиятнинг энг юқори чўққисини забт этганлиги бу ҳақиқатдир.

Инсонларнинг табиий туғма аъзоларидаги камчиликлари, баъзан эса ақлий нуқсонлари ташқаридан қараганда сезиб бўлмас даражада бўлади. Аммо ҳар бир инсоннинг у ёки бу номукаммаллиги, жисмоний ёки ақлий камчилиги тарбиячи

назаридан четда қолмаслиги лозим ва уларнинг тарбиялари ҳам албатта, мана шу нуқсонларини инобатга олган ҳолда ташкил қилиниши шарт. Тўғри, ёшлигида боланинг жисмоний камчиликлари ота-она томонидан дарҳол инобатга олинади. Шунда ҳам агар ота-оналар маълум жиҳатдан маълумотли, тарбияга алоқадор мутахассислар бўлмаса-да, жисмоний ёки руҳий ногирон боланинг тарбиясини ташкил қилишда жиддий камчиликларга йўл қўймаслиги лозим. Ўзида мавжуд бўлган нуқсонларга ногирон бола деярли кўникиб кетади.

Бола асосий тарбияни ўз оиласида олар экан, унинг жисмоний камчиликлари туғилган кунидан эътиборан унинг онгига сингдирилади. Бу албатта, табиий ҳол. Аммо шундай жисмоний камчиликлар бўладикки, бола уни қабул қилолмайди. Боладаги жисмоний ва руҳий, тарбияга бевосита алоқадор камчиликларни шартли равишда учга бўлиш мумкин.

Биринчиси – инсон аъзоларидаги камчиликлар, бирор оёқ ёки қўлнинг қийшиқлиги, бурун, қулоқ ва бошқа бирор аъзонинг нуқсонлари, умуман, ташқи қиёфадаги камчиликлар. Айтайлик, қиз боланинг юзидаги катта қора доғ. Бундай камчиликларга ногирон бола деярли кўникиб кетади. Иккинчи гуруҳдаги ногиронликларга болада учрайдиган жисмоний ва бир қадар руҳга боғлиқ нуқсонларни киритсак, уларнинг шаклий кўринишини белгилаган бўламиз. Булар соқовлик, дудуқлик, далтонизм – ранг фарқламаслик, қисман қулоқ оғирлиги ва шунга ўхшаш ногиронликлардир.

Бола барибир бундай жисмоний камчиликлари билан ҳам жамиятда ўз ўрнини топаверади. Ён-атрофадагилар бу бола бирон нарсани гапиргунча, унинг дудуқлигини сезмайди. Аммо дудуқлик аён бўлгандан бошлаб бола нотаниш мулоқот муҳитида ўзини биринчи бор ўта ҳаяжонда сезади. Айни шу нотаниш муҳит туфайли у ҳаяжонланади ва дудуқлиги анча ошади. Ён атрофдагилар боладаги бу нуқсонни қанчалик табиий қабул қилса, ногирон бола атроф-муҳитга шунчалик силлиқ ва енгил киришади.

Ногиронликларнинг энг оғир, жиддий, ижтимоий ноқулайликлар туғдирадиган гуруҳи учинчи гуруҳ бўлиб, унда учрай-

диган камчиликлар руҳий, онг, ақл заифликлари билан боғлиқ. Айни шулар тўғрисида гап кетганда, она табиатнинг донолигига қойил қолмасдан илож йўқ. Яъни бундайлар ўзларининг бошқалардан «жиддий фарқ» қилишларини кўп ҳолларда билишмайди. Аммо ён-атрофдагиларнинг айни уларга бўлган муомаласидан кўп ҳолларда ушбу жамиятнинг маънавийлик, ҳеч бўлмаганда тарбиялилик даражасини билса бўлади.

Табиатан ногирон болаларга биз соғломларнинг муомала ва мулоқоти қандай бўлиши, уларга нисбатан қўлланиладиган тарбия усулларининг асосини аниқлашда ёрдам беришимиз зарур. Асосий ҳолларда ёнимиздаги ногирон болани ногиронлиги учун камситмаслик, уларда ўз жисмоний, руҳий ва ақлий камчиликларига ортиқ эътибор бермаслик, ўз ногиронлигидан куйинмаслик, руҳан эзилмаслик шаклланиб боради.

Ногирон болаларни ҳаётга тайёрлаш жараёнида уларнинг ногиронлик хусусиятларини инобатга олмаслик мумкин эмаслиги ҳаммамизга маълум. Шундай экан, интеграцион таълим-тарбия, асосан, биринчи ва иккинчи ногиронлик белгилари бор болалар орасида яхши натижа беришини унутмаслик керак. Ногиронлик бола руҳига қанчалик синган ёки ногирон бола ўз ҳолатига қанчалик кўниккан бўлмасин, боланинг алоҳида ўтиш даврлари бўладики, у ўз ногиронлигидан айни шу даврларда чуқур руҳий изтироб чекади. Ногиронларнинг бундай руҳий қийналиш даври 3-4 ёшларда биринчи бор ҳаяжонли ҳис қилиш билан чекланади.

Бола бу даврда ўзининг бошқалардан «мана шу» томони билан фарқ қилишини англаб етади-ю, ёшлик, тажрибасизлик қилиб қаттиқ азият чекмайди. Иккинчи бир руҳий азоб анча чуқурлашиб, ўспиринликка ўтиш пайти намоён бўлади. Бу даврда ногирон бола ўз ногиронлигини қисман бўлса ҳам енгилроқ тушунади, аммо ҳали олдиндаги ҳаётни бутун рангоранглигида тасаввур қилолмайди. Ногиронликни энг оғир ҳис қиладиган давр бола учун балоғат ёшига ўтиш пайтига тўғри келади. Руҳшуносларнинг таҳлилларига қараганда, ҳатто соғлом ёшлар бу пайтда, одатда, ўз жисмларида турли хилдаги камчиликларни, ҳатто йўқ камчиликларни «ихтиро» қилишгача

бориб етишади. Айни шу ҳолда бола жисмида ногиронлик бор экан, бу ҳолат болани анча катта-кичик кечинмаларга олиб келади. Шундай экан, ногирон ёшларнинг атрофидаги тарбиявий муҳит ҳамма вақт ҳам яхши, мўътадил бўлиши билан бир пайтда, айниқса, ўтиш даврида алоҳида эътиборда бўлиб, катталарнинг назаридан четда қолмаслиги керак. Ногирон болалар тарбиясида алоҳида эътибор бериладиган яна бир томон шундаки, бу она табиатнинг сахийлиги билан боғлиқ бўлган ҳол, яъни бундай болаларда бирон камчилик иккинчи бир фазилатнинг, хусусиятнинг кучлироқ намоён бўлишидир. Кўзи заифларда эшитишнинг кучли бўлиши, бирон-бир жисмоний камчилиги бор шахсларда тиришқоқликнинг кучли бўлиши ва бошқалар. Демак, айни шу ҳолатда ногирон болаларни тарбия қилишда улар кўздан қочирилмаса, улардаги жисмоний ва руҳий камчилик ўз ўрнида бошқа томон билан тўлдирилади. Айни шу ҳол уларнинг тарбиясида кенгрок қўлланилса, тарбияда яхши натижаларга эришилади.

Оддий бир мисол келтирайлик. Медицина соҳасида катта ютуқларга эришган, беш-олти тилни биладиган профессор нозик операцияларни жуда юқори даражада бажарар, амалий машғулотларни яхши ўтказар эди. Аммо тилида нуқсони бор бўлиб, ҳаяжонланганида анча дудуқлангани учун маърузаларни унчалик юқори савияда ўта олмасди. Бу мисол билан айтмоқчимизки, ногирон болаларнинг қайси меҳнатга қобилиятлари кучли бўлса, ўша фаолият билан кенгрок шуғулланишига шароит яратиш уларнинг таълим -тарбиясида асосий ўрин тутмоғи керак.

Учинчи гуруҳдаги ногирон болаларнинг тарбия жараёни анча қийин кечади. Ваҳоланки, уларнинг хатти-ҳаракатига адекват, мутаносиб тарбиявий тадбир топиб қўллаш мутахассис бўлмаган тарбиячиларга тарбия жараёнини жиддий машаққатга айлантириб қўйиши мумкин. Масалан, ақлий хусусиятида жиганаклик, чайирлик, хархашага мойиллик, бир сўз билан айтганда, асабий нуқсони бор ногиронга бирор ахлоқ ёки одоб нормаларини сингдириш у ёқда турсин, унга ушбу нормаларни эслатиш, айтишнинг ўзи жиддий жанжалга, хархашага олиб

келиши мумкин. Одатда, бундай хусусиятли болалар ўз қувватидаги хавфсизлик нуқсонини билмаган ҳолда одамларнинг назарида, гуруҳнинг диққат марказида бўлишни яхши кўради. Демак, уларнинг хатти-ҳаракатида чапанилик, мақтанчоқлик, воқеа ва нарсаларни силлиқтириш, бўрттиришга мойиллик кучли бўлади. Айни шу ҳаракатлари билан улар ўз шахсларини биринчи ўринга кўтариб кўрсатишга доим уриниб юришади. Ақлий жиҳатдан бошқалардан устун бўлмаслигига қарамасдан, тенгдошлари устидан ҳукмронлик қилиш, уларга буйруқ беришни ёқтиради. Натижада улар орасида кўпгина жанжаллар, норозиликлар хулқ, ахлоқ ва характерларининг номутаносиблигидан келиб чиқади. Айни шу ҳолатларни инобатга олган ҳолда бундай ногирон болалар тарбияси соғлом болаларга нисбатан интеграцион йўналишда эмас, дифференциаллашган ҳолда, яъни учинчи гуруҳ ногиронлар ва соғлом болалар тарбияси жиддий фарқ қилмоғи керак. Демак, бу жойда биз кўрсатиб ўтган ногиронликнинг ўзини тарбияда уч гуруҳга ажратиш ва 1-2 гуруҳ ногиронларни иложи борича соғлом болалар билан яқинлаштириб, тарбия жараёнини уюштириш жамиятни соғломлаштиради, деган хулосага олиб келади. Бу ўринда ҳозирги инклюзив таълим ва тарбия жараёни айни шу йўналишда бораётганини кўрамиз. Маълумки, бола онгига алоқадор ногиронлик мавжудлиги таълим борасида соғлом болалар билан бир хил қобилиятга эга бўлишга йўл қўймайди. Демак, бундай ҳол соғлом болаларнинг таълимида ногиронлардан ўзиб кетиши ва ногирон боланинг бутун синфни орқага тортишига олиб келиши аниқ. Шунинг учун ҳам аъзоларидаги нуқсони бир-бировига ўхшаш ва яқин бўлган болаларни алоҳида синфлар ташкил қилиб ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизда инклюзив таълимни самарали жорий этиш ва имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришнинг қулай йўллари аниқлаш мақсадида тадқиқотнинг тўртинчи бобида махсус таълим муассасаларида таълим олаётган имконияти чекланган болаларни инклюзив таълимга жалб этишнинг самарадорлигини ошириш орқали болаларни инклюзив таълимга жалб этиш имкониятлари,

шарт-шароитлари ўрганилди. Махсус педагогик-психологик амалиётида заиф эшитувчи, заиф кўрувчи болаларнинг 4-5-синфдан умумтаълим мактабларига ўтказиш тажрибалари кузатилди ва ўзини оқлади. Бунда заиф эшитувчи ва заиф кўрувчи болалар махсус мактабда таълимнинг дастлабки босқичи, яъни савод эгаллаш, мулоқот қилиш кўникмаларини ўзлаштиргандан сўнг оиласининг ихтиёрига кўра соғлом тенгдошлари билан бирга таълим олишга жалб этилган.

Мактабгача таълим муассасаларида инклюзив таълимнинг педагогик-психологик хусусиятлари

Юртимизда кенг дунёқарашга эга баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон болаларнинг соғлом тенгдошлари билан тенг шароитларда ўқишини, улар билан ўзаро дўстона муносабатда бўлишини ҳамда жамиятга ижтимоий мослашувини енгиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Навоий шаҳридаги 26-мактабгача таълим муассасасида олиб борилган тадқиқотлар давомида соғлом болалар билан бирга таянч-ҳаракат аъзоларида ва нутқида нуқсони мавжуд, заиф эшитувчи ва заиф кўрувчи болалар ҳам тарбияланаётганига гувоҳ бўлдик. Айни пайтда фикрлаши ва ўзини тутиши жиҳатидан болалар орасида деярли тафовут сезилмайди. Баъзида жисмоний нуқсони бор болалар ҳам турли машғулот ва ўйинлар жарёнида ўзидаги камчиликни унутиб юборади. Бу уларнинг онгида мослашув ҳисси пайдо бўлаётганини кўрсатади.

Л.С.Виготский бола шахси руҳий дунёси ривожига ва тараққиётида муомаланинг аҳамияти борасида: «Бола шахсий фаоллиги намоён бўлишининг асосий йўли катталар билан муомаласи ҳисобланади. Унинг ташқи оламга муносабати ҳамиша бошқа одам орқали муносабат билдиришдир»¹, – деб таъкидлайди.

Тадқиқот давомида имконияти чекланган болалар соғлом тенгдошлари билан бирга ўйнаб, машғулотларда қатнашмоқда

¹ Виготский Л.С. История развития высших психологических функций. Собр.соч. – М., 1983. – 251с.

ва ўз-ўзига хизмат қилишни ўрганмоқда. Энг асосийси, дефектолог, тарбиячи, шифокор ва психологларнинг доимий назорати, махсус машғулотлар, тиббий муолажалар ёрдамида улар соғлом болалар каби жамоага қўшилиб, ижтимоий мослашуви тезлашмоқда.

Инклюзив таълим тарбияланувчилари дидактик ва ҳаракатли, сюжетли-ролли ўйинларда, оммавий тадбирларда, спорт мусобақаларида топшириқларни соғлом тенгдошларидек бажаришга интилаяптилар. Бу ҳам инклюзив таълимнинг юксак самарасидир. Муассасада бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш учун ота-оналар, маҳалла фаоллари, психологлар ва бошқа мутахассислар иштирокида очик эшиклар куни, давра суҳбатлари, тренинглар ўтказиш мунтазам йўлга қўйилган.

Инклюзив таълимнинг боғчалардан бошлаб йўлга қўйилгани муҳим аҳамиятга эга. Бу умумтаълим мактабларида таҳсил олишда ақлий ва жисмоний нуқсони бор болаларда тенгдошлари қатори дарсларни ўз вақтида ўзлаштириш, топшириқларга масъулият билан ёндашиш кўникмасини шакллантиришга кўмаклашмоқда. Синфдошлари билан дўстона муносабатда вояга етаётган болалар дарсларни ўз вақтида ўзлаштиришга эришмоқдалар. Махсус машқлар ҳамда кўшимча машғулотлар самарасида хотираси ёки эшитиш қобилияти заиф ўқувчиларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Айни вақтда, уйда таълим олувчи ногирон болаларни белгиланган муддатларда умумий дарс машғулотларига жалб қилиш мўлжалланмоқда.

Инклюзив таълим муҳитида нуқсонли болаларнинг заиф жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, қобилиятига қараб машғулотлар олиб борилади. Шунда боланинг жамоада ишлай билиш, ишни ҳамкорликда режалаштириш, фаолият мазмунини бойитиш, маданий-гигиеник кўникмаларни ўзлаштириш каби ижтимоий мослашуви ҳам тезлашади. Ундан яна фикрлаш кўникмаси, катталар ҳамда синфдош ўртоқларини тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳам талаб этилади. Шунинг учун боланинг мактабга қадам қўяётганида нечоғли билимга

эгаллиги эмас, балки унинг янги билимларни эгаллашга тайёргарлиги, атроф-оламга мослашиш кўникмаси, воқеа-ҳодисани мустақил равишда таҳлил этиши ва ҳаракат қилиши муҳимроқ ҳисобланади. Болани бирор нарсага ўргатишгина эмас, унда ўз кучига ишончни орттириш, ўз ғоясини ҳимоя қилиш, мустақил равишда бир қарорга келиш кўникмасини шакллантириш ҳам муҳимдир. Энг муҳими, имконияти чекланган болалар жамиятнинг тенг аъзоси эканликларини ҳис қилиб яшайдилар.

6-7 ёшли боланинг мактаб таълимига тайёргарлигини аниқлашда мактабгача ёшдаги болалар таълим тарбияси билан шуғулланувчилар асосий шарт ҳисобланмиш — боланинг мактабга тайёргарлиги мактабгача ва мактаб давридаги ҳаёт тарзи ҳамда фаолияти учун кўприк вазифасини ўташини, оила ёки боғчадаги таълим-тарбия шароитларидан мактаб таълимига кўнгилдагидек ўтказишни таъминлаш зарурлигини ҳисобга олишлари лозим.

Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига ўтиши ҳамиша унинг ҳаёти, ахлоқи, қизиқиши ва муносабатларида анча жиддий туб ўзгаришларни юзага чиқаради. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болани боғчада ёки уйдаёқ мактаб таълимига тайёрлаш, уни жуда қийин бўлмаган билим, тушунча, кўникма ва малакалар билан таништириш керак бўлади. Бундай таништирув мослашув даврининг жиддий қийинчиликларидан халос бўлишга ёрдам беради.

Етакчи мутахассисларнинг фикрига кўра мактабга тайёргарлик тушунчаси болани мактабга тайёрлашнинг қуйидаги йўналишларини ўз ичига олади: жисмоний, руҳий, ақлий ва махсус тайёргарлик каби.

Жисмоний тайёргарлик боланинг соғломлиги, ҳаракат кўникмалари ва сифати, қўл мушаклари ва кўриш-мотор мувофиқлиги ривожланганлиги билан изоҳланади.

— Ривожланмаганликнинг асосий белгилари ўзига хос жисмоний ривожланишнинг алоҳида жиҳатларида кўринади. Масалан, суяк тузилишида, паст бўйли болаларда ўз ёшига кўра тана, бўй ва оғирликдаги номутоносиблик, танадаги мувозанат бузилишлари, юрак-қон томир тизимидаги физиологик етиш-

мовчиликлар, тез толиқишлар, жисмоний юкламаларни бажаришдаги имкониятларнинг пастлиги шулар жумласига киради.

– Жисмоний тайёргарлигини аниқлаш учун ёшга мос бўлиши лозим бўлган бўй, вазн, бош, кўкрак айланаси меъёрий кўрсаткичлари ҳамда қўл мушаклари ва асосий ҳаракатлари ривожланмаганлигини аниқлаш усуллари берилган. Касалликлар ва уларга мойиллик бўйича ўтказиладиган текширувларга келсак, улар яшаш жойидаги болалар поликлиникаларида тор мутахассис шифокорлар гуруҳи томонидан олиб борилади.

– Руҳий тайёргарлиги, атроф-муҳитга, катталарга, тенгдошларига, ўзига, ўсимликлар ва жониворлар дунёсига, табиий ҳодисаларга, инсонлар яратувчилигига муносабатда юзага келадиган шахсий маданиятнинг шаклланганлигини назарда тутди. Энг муҳими, бола онгида қандай умумий ахлоқий тамойилнинг мустаҳкамланганлиги, у томонидан ижтимоий ахлоқ меъёрлари ва умуминсоний қадриятларнинг тан олинганлиги, «нима ёмону нима яхши»лигини англаганидир. Руҳий тайёргарликда энг муҳим жиҳат «боланинг ички позицияси» шаклланганлигидир ёки «мотивацион тайёргарлик», яъни ўқувчининг катталар ва тенгдошлари билан муомалада бўлишига, топшириқни бажаришига, тенгдошига ёрдам беришига бўлган эҳтиёжи билан боғлиқ сабабларга кўра мактабга бориш истагини уйғотиш лозим. Бола шахсининг ривожланиши кўпинча оиладаги тарбияга боғлиқдир.

– Тортинчоқ, кўрқоқ болалар кўпроқ қатъий назоратда ушлаб туриладиган, бола ташаббуси бўғиладиган оилаларда бўлади ва охир-оқибатда у фақатгина катталар ёки бировнинг рухсати билан ҳаракат қиладиган бўлиб қолади. Болани мақтайдиган, ноўрин сийлайдиган оилаларда улар кўпинча бошқарилмайдиган, ҳаддан ташқари фаол, катталар ва тенгдошлари билан муомала қилишни билмайдиган, аниқ асослар унда бўлмаса-да, буйруқ беришга ва етакчи бўлишга интиладиган бўлишади.

– Бола ўз ҳолига қўйиб қўйилган, назоратсиз, унга нисбатан бефарқлик ҳукмрон бўлган оилада вояга етаётган бўлса, унинг феъл-атворида ҳиссий ожизлик, ғамгинлик, сер-

зардалик, жангарилик, қатъиятсизлик каби салбий аломатлар пайдо бўла бошлайди.

– Ақлий тайёргарлик образли ва мантикий фикрлаш, тасаввурнинг, одамийликнинг, билимга қизиқишнинг, мустақилликнинг, ўз-ўзини назорат қилишга ва бошқаришга имкониятнинг шаклланганлиги ҳамда ўқув фаолиятини кузатиш, эслаб қолиш, умумлаштириш, солиштиришни билиш кабиларни ўз ичига олади.

– Хотира ақлий ривожланишнинг бир кўрсаткичи сифатида яхши эслаб қолса – «эшитиш», қачонки бола эшитган ва кўрганларининг асосий мазмунини айтиб берса – «мазмунини эслаб қолиш» каби турларга бўлинади. Кўриб, эшитиб, эслаб қолиш хотирасини ривожлантириш учун машқ қилдириш бефойда, чунки у ҳар кимга табиатан берилган. Мазмунни эслаб қолиш хотирасини яхшилаш учун эса албатта, машқ қилдириш керак.

Инклюзив таълимда мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожлантириш омиллари

1. Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари.

Ҳаракатнинг асосий турларини ривожлантириш:

– соғлигига қараб юриш ва югуришнинг барча турларини тўғри бажариш, шарт-шароитга мувофиқ улардан фойдаланиш;

– жисмоний машқларни дастлабки ҳолатларга қараганда аниқ, кўрсатилган ритмик, маромда, мусиқага мос, оғзаки айтилганидай бажариш;

– гавдани тўғри тутиш;

– соғлигига қараб спорт ўйинларда (сузиш, волейбол, футбол, хоккей, стол тениси, бадминтон) иштирок эттириш.

Тана қисмидаги мушакчаларни ривожлантириш:

– қўл панжаси ва бармоқлар ҳаракатчанлигини таъминлаш (бармоқларни енгил сиқиш, ёзиш), бармоқларини ўйнатиш (бармоқларда ўйин кўрсатиш, қўл бармоқлари соясида тамоша кўрсатиш ва ҳ.к.);

– ташқи муҳит ўзгаришларига бардошлилик касалликларга тегишли қаршилик кўрсатиш, уларнинг нисбатан енгил ва қисқа муддатда асоратларсиз ўтиши(чиниқиши);

– яхши иштаҳа (айрим овқат турларига салбий муносабатларисиз);

– ўзининг жисмоний қиёфаси ва соғлиги ҳақида тасаввурни шакллантириш, соғлом турмуш тарзига эришиш (маданий – гигиена малакасини ривожлантириш, ҳар кун эрталабки бадантарбия машқларини бажаришга одатлантириш ҳамда бошқа малакалар аҳамиятини тушуниш);

2. Шахсий –психологик ривожланиш кўрсаткичлари.

Теварак-атрофни тушуниш, билиш:

– у қаерда яшашини (мамлакат, шаҳар, қишлоқ, уй манзили, диққатга сазовор жойлар ва бошқалар) билиш;

– замон ва макон ҳақида тасаввурни шакллантириш ва уларни тушуна билиш (бир йил неча ой, ҳафта неча кун, неча соат, чап-ўнг ва ҳоказо);

– ўз оиласининг тарихи тўғрисида (оиласи аввал қаерда яшаган, буваси ва бувиси нима билан шуғулланишган, уларнинг ҳаёти бизникидан нимаси билан фарқ қилади ва ҳоказо), кўчалар. Туман, шаҳарлар, йирик тарихий воқеалар ҳамда даврлар (Амир Темур даври, Буюк Ипак йўлининг аҳамияти ва бошқалар), ўз мамлакатининг рамзлари, байрамлари, ўз халқи урф-одатлари ҳамда анъаналари ва бошқалар ҳақида муайян тасвурга эга бўлиш;

– жонли ва жонсиз табиат ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатли боғланишлари, ўзаро мутаносиблигини билиш (нега қор ёғади, қор нима учун қўлда эрийди, қишда ўсимликлар нега баргсиз бўлади); инсоннинг табиатга таъсири ҳақида тасаввурни шакллантириш, бундай таъсирнинг натижалари (табиатга қизиқиш ва муҳаббатни шакллантириш, табиатнинг ҳолати, унга инсон ҳаётининг манбаи сифатида эҳтиёткор муносабат ва шу каби оддий экологик тушунчалар).

Боланинг ижтимоий жиҳатдан ривожланиш даражаси:

– умуминсоний ахлоқ-одоб қоидаларини ўзлаштириш (Нима яхши-ю, нима ёмон тушунчаларини шакллантириш,

мумкин ва мумкин эмас, хоҳлайман ва бурчлиман тушунчаларни ажрата билиш, вазият тақозосига мувофиқ ахлоқ-одоб доирасидаги муомала ва кайфиятни танлай билиш);

– ўз ташаббуси билан, шунингдек, дўстлари ташаббуси билан таниш ва нотаниш бўлган катта ёшдаги кишилар, ўзидан кичик ёшдагилар билан эркин муомала қила олиш;

– феъл-атворнинг ижобий хусусиятларини қарор топтириш (кенг феъллик, эътибор, ғамхўрлик, ўзаро ёрдам, меҳрибонлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, нарсаларга, инсон меҳнати маҳсулларига эҳтиёткор муносабат, эстетик онг асосларини шакллантириш, гўзалликка, табиат ажойиботларига, адабий, бадий, муסיқий асарларга, амалий санъат намуналарига ва бошқаларга қизиқишни ривожлантириш);

– мустақилликни ривожлантириш (ўз шахсий фаолиятини ташкил этиш учун турли хил воситаларни: ўйин, томоша кўрсатиш, тасвирлаш, қуриш-ясаш, ўйин фаолиятининг турлари жараёнида юзага келадиган мауммоларни мустақил ҳал эта билиш);

– ўзини-ўзи англашни жинсидан келиб чиққан ҳолда (ўғил бола, қиз бола), шакллантириш, ўз имкониятилари, қобилиятини, хатти-ҳаракатини ўзи баҳолай билиш, катта ёшдагилар, тенгдошлари ўзидан ёш жиҳатдан кичиклар даврасида ўз ўрнини англай билиш, бошқа одамни тушуниш, унинг қизиқишларини, эҳтиёжларини, истакларини ҳурмат қилиш, унинг олдидаги муаммоларини кўра билиш ўз хатти-ҳаракатларини бошқа одам ўрнида туриб баҳолай олиш.

Боланинг ўз-ўзини англашидаги муҳим жиҳат унинг ўз кадр-қимматини ҳис этиш, ўзига бўлган муносабатини шакллантириш ҳисобланади. Шу билан бирга мактабгача ёшдаги бола учун ўз шахсига ортиқча баҳо бериш табиий ва қонуний ҳолдир, бу унинг учун ўзига хос шахсий ҳимоя, ўз кечинмаларига қулоқ тутиш, ўзининг ҳаяжонли ҳолатларини «мен хурсандман», «мен хафа бўлдим», «менга яхши», «мен розиман» тушуниш, бошқа бировга нисбатан: «яшавор», «зўр» каби сўзларни ишлатиш ҳисобланади.

3. Интеллектуал (ақлий ривожланиш).

Фикрлашни ривожлантириш(образли, мантиқий, ижодий, абстракт):

- атрофдагилар билан муомала қила билиш, ўзига қарата айтилган гапни тушуниш, сўзлашишга киришиш, аниқ қилиб гапириш, саволларга жавоб қайтариш, бошқаларга савол бериш;

- алоҳида ўйинларни ташкил қилиш, ўйин учун керакли материаллар ва зарур нарсаларни танлаб олиш;

- болаларда «Мен ўзим қиламан» деган муайян қатъият-лилик шакллантириш, (айрим меҳнат малакаси, турмуш ва табиатдаги тартибнинг бузилишини пайқаш, ўйинчоқларни тузатиш, боғлаб- маҳкамлаш, идишларни ювиш, уйда хўжалик ишларига қарашиш, дастурхонни тузаш, ошхона жиҳозларидан фойдалана билиш, ўз уст-бошини тузатиш ва бошқалар);

- бошлаган ишини охирига етказишга одатлантириш (яъни меҳнатнинг самараси ва фойдасини англаб етиш);

- тасвирий фаолиятини ривожлантириш;

- жамоада ишлай билиш, ишни ҳамкорликда режалаштириш, фаолият мазмунини бойитиш;

- мусиқага мос ҳаракатда ўзига нисбатан ишончни ҳис этиш.

Хотирани ривожлантириш:

- механик хотирани (эшитиш) ривожлантириш, эшитишга қаратилган вазифани тинглаш ва ёдда сақлашни уддалаш, кўрганларини сўз орқали ёки амалда ифодалаш, кўрсатиш;

- кўриш хотирасини ривожлантириш, кўрганини ёдда сақлаш ва уни сўз орқали ёки амалда ифодалаш, кўрсатиш;

- фикрлаш хотирасини (мантиқий) ривожлантириш, кўрганини ёки эшитганини сўзма-сўз эмас, балки унинг асосий мазмунини ифодалай беришни уддалаш.

Тасаввурни (абстракт фикрлаш) ривожлантириш:

- фикрлаб, аниқ образларга ёки нарсаларга таянмай, оддий вазиятларни, ҳаракатлар мунтазамлигини ёки турли хил фаолиятларнинг пировард натижаларини ўзида тасаввур эта

билиш, фаолият, ҳаракат оқибатини олдиндан тасаввур этишни уддалаш.

Ижодкорликни ривожлантириш:

– ўзининг индивидуал, такрорланмас образлар яратиш, фаолиятнинг барча турларига ўзининг мазмунини бойитишни билиш, ҳикоялар, эртаклар, топишмоқлар ва ҳоказоларни ўйлаб топиш.

Боланинг мактабда таълим олиши унинг ўз халқи тилини билишига, нутқининг ривожланганига кўпроқ боғлиқ бўлади. Чунки бутун ўқув фаолияти шуларга, яъни нутқий мантиқий ривожи, болани катталарнинг ёрдамисиз мустақил фикрлаши, тил ривожланганлиги ютуқларидан эркин фойдалана олиши, ҳикоя қилиш, мулоҳаза юритиш, ўз тасаввурини изоҳлай олиши, тушунарли қилиб баён этиш каби омиллар асосига қурилади. Шунингдек, боланинг мактабда таълим олиши учун амалий интеллект ривожи, яъни унинг осон ва эркин такрорлай олиши, нақш чизиш, оғзаки баённи бажариши ҳам муҳим саналади.

Ва ниҳоят, махсус тайёргарликлар болани саводхонликка ўргатиш ва унинг 1-синф ўқув материалларни етарли даражада шакллантиришни назарда тутди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозимки, болага ўқишни, унинг устига тез ўқиш ва ёзишни ўргатиш унчалик муҳим эмас. Асосийси боланинг луғат бойлигини ошириш, ундан онгли ва фаол фойдалана олишини, товушни тиниқ эшитишини, аниқ талаффуз қилишини, уларни сўзлардан ажрата билишини таъмин этиш ва «Учинчи минг йилликнинг боласи» дастурига киритилган саводхонлик бўйича оддий билимларни, математик тасаввурларини эгаллашига эришишдир. Агар болада қўл мушакчалари етарли даражада ривожланган бўлса, у мактабда 1-синф таълими жараёнида 2-3 ой давомида ўқиш ва ёзиш техникасини қийинчиликсиз эгаллаб олади. Махсус тайёргарликнинг асосий кўрсаткичлари, бу–фаолиятнинг тушуниб етилиши ва эркинлиги, ижодий тасаввурнинг ривожланганлиги ҳисобланади. Бу сифатлар болада мактабгача ёш даврининг сўнгида саводхонлик, математик, ўзига хос фаолиятининг, яъни ўйин,

конструкциялаш (куриш-яшаш), чизиш кўникма-малакаларини эгаллаш асосида пайдо бўлади. Ижодий имкониятларга эга бўлган бола янги ўқув материални мустақил тушуниб етишга, изланиш фаолиятига, педагоглар ва тенгдошлари билан ўзаро муносабатларни ўрнатишга тайёр бўлади. У билишга қизиқувчан, фаол, ташаббускор бўлиб, нафақат катталар томонидан таклиф этилган топшириқларни бажаришга, балки ўзи ва бошқалар олдига янги вазифаларни қўяди.

Шуни унутмаслик керакки, мактабга тайёргарлик боланинг ҳиссий бой ҳаёти фаолиятини ташкил этишдан иборат. Бу жараённинг қаерда, яъни уйда ё боғчада кечишидан қатъи назар, боланинг ривожига асос бўладиган ушбу ноёб даврни унинг мактабгача болалик палласидаги қизиқиш ва эҳтиёжларини қондирадиган ёрқин, унутилмас воқеа ва ишлар билан бойитиш керак.

Мактабларнинг 1-синф ўқитувчилари мактабгача ёшдаги болани қабул қилишда шуни унутмаслик лозимки, 6, ҳатто 7 ёшли бола 1-синфга киришда унинг оиладами, боғчадами мактабгача таълимни тўлиқ олганлигидан қатъи назар, ўқув фаолиятининг маълум бир кўникмаларига эга бўлса-да, барибир маълум вақт бола мактабгача ёшдаги даврнинг ўзига хос хусусиятларни сақлаб туради. У ҳали ўқув фаолияти учун керакли бўлган сифатлар ва уддабуронликка эга эмас. У бу хислатларни ўқув жараёни давомида эгаллашни давом эттиради. Боланинг мактаб ҳаётига киришиши билан унинг систематик мактаб таълимига тайёргарлик кўриши давом этади. Албатта, бу жараён бола ваколатининг ошиб боришини ҳисобга олган ҳолда, юқорида санаб ўтилган – жисмоний, шахсий, ақлий ва махсус тайёргарлик йўналишлари бўйича олиб борилиши керак. Масалан, боланинг, фаол ҳаракатланувчан эканлигини ҳисобга олсак, унинг бу эҳтиёжини мактабда жисмоний тарбия дарсида, катта танаффусда, шунингдек, синфдан ташқари ишлар жараёнида қондириш зарур. Бунинг учун бошланғич синф болаларига ёшига хос фикрлашини, тасаввурини, изланишини фаоллаштирадиган ва ўқув

фаолиятининг бошқа муҳим кўникмаларини ҳосил этадиган ривожлантирувчи муҳитни яратиш зарур.

Инклюзив таълим ташкил этилган мактабгача таълим муассасаларда, асосан таълимнинг биринчи йилида мактабгача ёшдаги боланинг асосий фаолият тури эканлигини ҳисобга олган ҳолда ўйин усуллари кенгрок қўллаш зарур. Мактабгача ёшдаги болаларни илк ўқитиш босқичида боғчада ҳам, мактабда ҳам уларга ўқишда бирдан қатъий белгиланган талабларни қўйиш мумкин эмас, фақат мактаб-дарс тизимидаги таълимни қўллаш керак. Намуна учун болалар боғчасида ва мактабда таълим шакли мутаносиблиги тақсимотини келтирамиз. Болалар боғчаларининг катта ва тайёрлов гуруҳида –80 фоиз ўйин – 20 фоиз машғулот; Биринчи синфларда (1-ярим йилликда) – 60 фоиз ўйин – 40 фоиз дарс; Биринчи синфларда (2-ярим йилликда) – 30 фоиз ўйин, 70 фоиз дарс; Катта ва тайёрлов гуруҳ тарбиячилари ва 1-синф ўқувчиларининг асосий вазифаси –таълимнинг биринчи босқичида бола ҳаёти ва фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос мактабгача шакл ва методларини таъмин этиш. Ўйин фаолияти болалар учун маълум муддат етакчи бўлиб қолиши ва бундан бирдан воз кечмаслик, балки у секин-аста табиий ҳолда ўз ўрнини бошқа, яъни ўқув фаолиятига бўшатаб беришини назарда тутиш керак.

Оила шароитида, болалар боғчаларида махсус ташкил этилган гуруҳларда, «Марказ»ларда болаларни таълимга тайёрлаш ишида шароитининг, имконият ва аниқ натижаларнинг турлича эканлиги, ушбу иш билан шуғулланувчи барча муассасалар учун болаларнинг мактаб таълимига тайёргарлиги даражасини баҳолашнинг ягона мезонларини аниқлаштириб олиш ҳамда уларга асосланиб, 6-7 ёшли болаларни мактабнинг 1-синфларига қабул қилишни йўлга қўйиш заруриятини туғдирди ва ушбу методик қўлланманинг яратилишига назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот давомида болаларнинг мактаб таълимига тайёрлиги даражасини аниқлаш методлар, халқаро миқёсда синовдан ўтган психологлар Керн Ирасек, Венгернинг классик

тестларидан ҳамда Ўзбекистон, Россиянинг мактабгача таълим бўйича олимлари ва амалиётчилари томонидан тузилган тестлардан танлаб олинди. Ташхис қўйиш бўйича ўтказилган барча методлар мактабгача ёшдаги болалар ёш хусусиятлари, имкониятлари ва ривожланишидаги ўзига хосликлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда тўлиқ ҳолда мактабгача таълим муассасалари турлари учун мажбурий бўлган ҳудудий «Мактабгача ёшдаги болалар таълими ва тарбияси» дастурига киритилган мактабгача таълимга қўйилган давлат талабларга мос келади. Болани 6 ёшдан, албатта, мактабга беришга интилиш керакми, деган саволга жавоб қўйидагича: боланинг мактабга бориш ёши унинг тайёрлиги ҳисобга олинган ҳолда, уйғунлаштирилган тарзда аниқланади, берилаётган тестлардан фойдаланиш бўйича йўриқномаларга қатъий амал қилиш боланинг мактабга тайёргарлик даражаси ҳолис баҳо беришни таъминлайди. Боланинг мактаб таълимини бошлашларига тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблари тизими фақатгина аниқ билимлар, удабуронликлар ва малакалар рўйхатидан иборат эмас, балки у ўз ичига боланинг ҳар томонлама жисмоний, руҳий ривожланганлиги, махсус ўқув ва ўқув фаолияти кўникмалари шаклланганлигини ўз ичига олади. Мазкур методикаларнинг киритилиши тарбиявий-таълим жараёнининг қатъий қолипга бўйсундиришни англатмайди. Аксинча, улар боланинг қаерда мактабга тайёрлов босқичидан ўтганлигидан қатъи назар ҳамма болалар учун тенг бўлган ривожланиш даражасини таъмин этадиган, асосига қўйидагича ягона талаблар қўйилиши лозим бўлган таълим моделлари, технологияларидан тўғри ва ижодкорлик билан фойдаланиш учун кенг имкониятлар очади. Ундан ташқари, бу талаблар аниқ билимлар ва малакалар билан қатъий чегараланмагани боис болаларнинг ривожланиш жараёнининг бир маромда эмаслиги ва мустақил амалга оширилишини ҳисобга олиш имкониятини беради. Мактабгача таълим даражаси хусусиятлари мактабгача ёш даври давомида ташкил топиб, бунда доимий ўзгаришлар бўлиб туради ҳамда ҳар бир ёш босқичида ўзига хос мазмунга эга бўлади.

Таълим муассасаларда соғлом ва ногирон ёшлар ўзаро мулоқотининг ижтимоий перцепцияси

Ушбу параграфда инклюзив таълим ташкил этилган ўқув муассасаларида соғлом ва ногирон болалар мулоқотининг перцептив томонига кўпроқ эътибор қаратилди. Мулоқот жараёнида болаларнинг ўртасида бир-бирини тушуниш, бир-бирига ёрдам бериш, ҳурмат қилиш каби хусусиятлари очиб берилади. Масалан, болалар ўзаро бир-бирини турлича талқин қилиши мумкин: ўзаро таъсирга киришувчи шеригининг мақсади, орзулари ва ҳолатини тушуниши ёки нафақат тушуниши, балки қабул қилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бироқ иккала ҳолда ҳам кишининг киши томонидан идрок этилиши жараёни мулоқотнинг мажбурий таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Идрок этиш. Мулоқотга хос ушбу томоннинг мазмунини очиб беришдан аввал, қўлланилаётган атамаларни аниқлаб олиш лозим. Кўпинча кишининг киши томонидан идрок этилиши «ижтимоий перцепция» сифатида қаралади. «Ижтимоий перцепция» атамаси биринчи марта 1947 йилда Дж.Брунер томонидан идрокка янгича нигоҳ (New Look) сифатида қўлланилган.¹

Ижтимоий перцепция деганда, ижтимоий объектлар — бошқа одамлар, ижтимоий гуруҳлар катта ижтимоий бирлашмаларнинг идрок қилиш жараёни тушунила бошланди. Ижтимоий психологик адабиётларда ушбу атама айнан мана шу мазмунда қўлланилади. Шу туфайли инсоннинг инсон томонидан идрок этилиши ижтимоий перцепция соҳасига тегишли бўлгани билан уни тўла қамраб олмайди.

Ижтимоий перцепция жараёнларини тўла ҳажмда тасаввур қиладиган бўлсак, мураккаб ва кўп тармоқли схема юзага келади. У нафақат объект, балки идрок субъектининг ҳам турли вариантларини ўз ичига олади. Идрок субъекти сифатида индивид тушуниладиган бўлса, унда у ўз гуруҳига тааллуқли бўлган бошқа индивидни, «бегона» гуруҳни идрок этиши

¹ Акрамова Ф.А. Ижтимоий психология (маърузалар матни). — Т., 2004. — 85 б.

мумкин. Г.М.Андреева фикрича, умуман ижтимоий перцепция ҳақида эмас, балки шахслараро перцепция ёки шахслараро идрок ҳақида гапириш мақсадга мувофиқдир.¹ Рус психологи А.А.Бодалёв, ўз тадқиқотларида «бошқа кишини идрок этиш» синоними сифатида «бошқа кишини англаш» ифодасини қўллайди.²

Атамани бундай кенг маънода тушуниш бошқа одамни идрок қилишнинг ўзига хос томонлари билан боғлиқ. Чунки бошқа кишини идрок этиш боланинг жисмоний ҳолатларини эмас, хулқ-атворини ўрганиб уни тавсифлашни билдиради.

Мулоқот жараёнида инсон шахс сифатида намоён бўлганлиги сабабли бошқа инсон, мулоқотдаги шериги томонидан ҳам шахс сифатида идрок этилади. С.Л.Рубинштейннинг таъкидлашича, хулқ-атворнинг ташқи кўриниши асосида биз гўёки бошқа кишини «ўқиймиз», унинг хулқ-атвори мазмунини тушунамиз. Бунда юзага келадиган таассуротлар мулоқот жараёнида бошқарувчилик жараёнини бажаради.

Биринчидан, бошқа кишини билишга ҳаракат қилиш жараёнида шу индивиднинг ўзи шаклланади. Иккинчидан, у билан биргаликда қилинадиган ҳаракатларни ташкил этиш муваффақияти бошқа кишини «ўқиш»нинг аниқлигига боғлиқ бўлади.³ Инсон ҳақидаги тасаввурларнинг ҳосил бўлиши ўз-ўзини англаш даражаси билан узвий боғланган. Бунда икки ёқлама алоқани кўриш мумкин: бир томондан, ўзи ҳақидаги тасаввурларнинг бойлиги бошқа киши ҳақидаги тасаввурларнинг бойлигини белгиласа, иккинчи томондан, бошқа киши ўзини қанчалик намоён қилса, инсоннинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари ҳам шунчалик тўлиқ бўлади.

А.В.Петровский фикрига кўра, мулоқот иштирокчилари ўз онгида бир-бирларининг ички дунёсини қайта тиклашга, ҳис-туйғуларини, хулқ-атворининг сабабларини, аҳамиятга молик

¹ Андреева Г.М. Процессы каузальной атрибуции в межличностном восприятии // Вопросы психологии. – М., 1979. – №6. – С.25-39.

² Курбонова Г.А. Оиладаги шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепцияга таъсири. Диссертация. – Т., 2009. – Б.35-36.

³ Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. Изд. 2-е. – М., 1989.

объектларга нисбатан муносабатларини фаҳмлаб етишга ҳаракат қиладилар.¹

Бошқа кишининг ички дунёсини қайта тиклаш жуда мураккаб жараён бўлиб, субъектга бошқа одамларининг фақат ташқи қиёфаси, уларнинг феъл-атвори ва хатти-ҳаракатлари улар қўллайдиган коммуникатив воситаларгина бевосита намоён этилади ва у ана шу маълумотларга таянган ҳолда субъект ўзи билан мулоқотга киришган одамларнинг кимлигини тушуниб етиш, уларнинг қобилиятлари ўй-фикрлари, ниятлари ва шу кабилар ҳақида хулоса қила олиш учун муайян ишни бажаришга тўғри келади.

С.А.Рубинштейн шундай деб ёзган эди: «Кундалик ҳаётда, одамлар билан муносабатга киришар эканмиз, биз уларнинг хулқ-атвориغا қараб мўлжал оламиз. Негаки, биз уларнинг ташқи маълумотлари моҳиятини гўё «уқиб», яъни «мағзини чақиб» оламиз ва шу йўсинда контекста мужассамлашадиган матннинг ички психологик жиҳати мавжуд бўлган мазмунини аниқлаймиз². Бундай «ўқиш» наридан бери, тез юз беради. Чунки, теварак-атрофдагилар билан мулоқот жараёнида бизда муайян даражада уларнинг феъл-атвориغا нисбатан автоматик тарзда амал қиладиган психологик ички маъно ҳосил бўлади.

Мулоқот жараёнида кам деганда икки киши жалб этилган бўлади ва уларининг ҳар бири фаол субъект ҳисобланади. Шундай экан, ўзини бошқа киши билан таққослаш икки томондан амалга оширилади: шериклардан бири ўзини иккинчисига айнанлаштиради, ўзини унга ўхшатади. Демак, ўзаро таъсир стратегиясини куришда мулоқот иштирокчиларининг ҳар бири нафақат шерикларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олишлари, балки уларни қандай тушунишларини билишлари ҳам муҳимдир. Буларнинг барчаси шундай хулосага олиб келадики, ўзини англаш бошқа киши орқали таҳлил қилиш идентификация ва рефлексияни ўз ичига олади.

¹ Петровский А.В. Психологическая теория коллектива. Под редакцией А.В.Петровского. – М.: Педагогика, 1979. – 240 б.

² Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. -Изд.2-е.-М.,1989-С.

«Идентификация» термини ўзини бошқа кишига ўхшатиш маъносини анлатади. Идентификация – бу кишининг ўзини кишига, гуруҳга, намунага ўхшатишдир. Идентификация бошқа кишиларнинг ҳис-туйғуларини, кечинмаларини тушунишга ёрдам беради. Инсон ўзаро биргаликда ҳаракат вазиятларида бошқа кишини ўзининг ўрнига қўйиб кўришга уринган ҳолда, унинг ички ҳолати, ниятлари, ўй-фикрлари, майллари ва ҳис-туйғулари ҳақида тахмин қилади. Бу ўзаро бир-бирин тушунишга эришишнинг ягона усули бўлмаса-да, реал вазиятларда ўзаро таъсир жараёнида кишилар бу усулдан фойдаланадилар. Бунда идентификация бошқа кишини англаш ва тушунишнинг механизмларидан бири сифатида намоён бўлади. Идентификация жараёни ва унинг мулоқотдаги ролини аниқлашга бағишланган экспериментал тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, бу тадқиқотлар натижасида идентификация билан унинг мазмунига яқин бўлган эмпатия ўртасида узвий алоқа мавжудлиги аниқланган.

Эмпатия ҳам бошқа кишини тушуниш усулларида бири сифатида қаралади. Фақат бу ерда бошқа кишига тегишли бўлган муаммоларни рационал тарзда фикрлаш эмас, кўпроқ унинг муаммоларига эмоционал ҳамдардлик билдириш кўзда тутилади. Демак, эмпатия бошқа кишини чуқур идрок этишдир. Аммо субъектга муносабат бошқа кишини фақат ундан ўзини четлаштирган ҳолда, ташқаридан туриб тушуниш эмас, балки ўзи билан мулоқотга киришган индивиднинг уни қандай қабул қилиши, унинг ўзини қай тарзда идрок этиши ва тушуниши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Субъектнинг у билан муносабатга киришган шериги томонидан қай тарзда идрок этилишини англаб етиши, деган маънони билдиради. Шундай қилиб, кишининг киши томонидан идрок этилишини кўзгудаги қўшалок аксга ўхшатиш мумкин. Киши бошқа бировни ўзига идрок этар экан, ўша киши қиёфасида ўзини ҳам акс эттиради.

Рефлексия идентификацияга ўхшаб, бошқа кишининг ички ҳолатига кира олиш, унинг ниятлари, мотив фикр ҳиссиётларини била олишга имкон берувчи механизм ҳисобланади. Кундалик ҳаётимизда идентификация ва рефлексия онгсизлик

даражасида амалга оширилади. Инсон бошқа кишига ўзининг мотив ва хулқ-атворини кўчириш мумкин. Бу ҳолда хатога йўл қўйиш, яъни бошқа кишини ортиқча баҳолаш ёки етарлича баҳо бермаслик ҳам мумкин. Агар ҳар бир киши ўзи муносабатга эришган одамлар тўғрисида доим тўлиқ, илмий асосланган ахборотга эга бўлганида улар билан бўладиган ўзаро ҳаракат тактикасини бехато ва уни аниқ ахборотга эга бўлавермайди, бу эса уларнинг қилган ишлари ва хатти-ҳаракатларининг сабабларини, ҳис-туйғуларини, ниятларини, ўй-фикрларни ва хулқ-атвор мотивларини бошқа кишига тўнкаш йўли билан тушунтиради. Бу ижтимоий психологияда каузал атрабация деб аталади.

Каузал атрабация кўпинча англанилмаган ҳолда ё бошқа кишига ўхшатиш негизида, яъни субъектнинг ўзи худди шундай вазиятда у пайқаши мумкин, деб ҳисоблайдиган мотивлар ёки ҳис-туйғуларининг бошқа бировга ҳослиги таъкидаланган пайтда, мулоқотга киришган шерикни ўзларига нисбатан баъзи бир қолипдаги тасаввурлар ҳосил бўладиган шахсларнинг муайян тоифасига киритиш йўли билан амалга оширилади. Ўзаро бир-бирини тушуниш механизмларидан яна бири–стереотиплаштириш.

Стереотиплаштириш хулқ-атвор шаклларини таснифлаш ва уларнинг сабабларини аввал маълум бўлган, яъни ижтимоий стереотипга жавоб берувчи ҳолатларга киритиш орқали таҳлил қилишдир. Бу стереотип –инсон тамға (штамп) сифатида фойдаланадиган образ. Стереотиплаштириш шахслараро идрок субъектининг шахсий тажрибасини умумлаштириш натижаси сифатида шаклланиши мумкин. Демак, шахслараро перцепция жараёни мураккаб табиатга эга бўлиб, кишини киши томонидан идрок этишнинг аниқлиги муаммосини синчиклаб тадқиқ қилишини тақозо этади.

Ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларида инклюзив таълим

Мамлакатимизда барча соҳада бўлгани каби ёшлар ва уларнинг таълим-тарбиясида ҳам улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотлар, энг аввало, аجدодларимиздан қолган бой маънавий меросни, бунёдкорлик ғояларини ва эзгу таълимотларни ёшлар онгига сингдириш ва шу билан бирга уларни имон-эътиқодли, ватанга садоқат, олижаноблик руҳида тарбиялашда ўз аксини топмоқда. Фарзандларимизнинг аجدодларимиз каби дунё тамаддунига хизмат қила оладиган бўлиб камол топишини таъминлаш кунимизнинг долзарб вазифасидир.

Умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятида ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш ва касб танлашга йўналтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Касбга йўналтиришдан асосий мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни онгли ва мустақил равишда касб танлашга тайёрлашдан иборат бўлиб, бу жараён шахснинг бўлғуси касбий фаолият субъекти сифатида шаклланишини назарда тутди ҳамда унинг бозор иқтисодиёти муносабатларига мослашиб боришига кўмаклашади. Республикамизда таълим ислохотлари босқичма-босқич амалга ошириб борилаётган ҳозирги даврда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан ва ислохотнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда, касб-хунарга йўналтириш соҳасида мавжуд бўлган илмий хулосалар ва тавсиялар ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш, хусусан касблар олами билан таништириш усуллари янгилаш зарурати юзага келмоқда. Зеро, умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг касб-хунарни онгли равишда ва тўғри танлашига кўмаклашиш масаласи таълим соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Узлуксиз таълим тизими ривожланишининг ҳозирги шароитида ўқувчилар билан олиб бориладиган касб-хунарга йўналтириш ишларини такомиллаштириш, уларни онгли касб танлашга, келгусидаги касбини ўзи белгилашга тайёрлаш умумтаълим мактабларининг муҳим

вазифаларидан саналади. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишлари таълим-тарбия билан узвий кечадиган, унинг барча қирраларини қамраб оладиган узлуксиз жараёндир. Мактабгача, умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, жамоа ташкилотлари ҳамда ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлиги бу жараённинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бундай ҳамкорлик ўсиб келаётган ёш авлодга онгли касб танлаш, ўз касбий истиқболини белгилаш ҳамда жамият равнақига муносиб ҳисса қўшиш имконини яратади. Касбга йўналтиришнинг асосий мақсади – бу умумтаълим мактабларининг ўқувчи ва битирувчиларини онгли ва мустақил равишда касб-ҳунар танлашга тайёрлаш, келгуси таълимнинг йўналишини ва касб-ҳунар эгаллашнинг усуллари аниқлаш. Демак, мактабдаги ҳар бир ходим касб-ҳунарга йўналтириш бўйича қандай ишларни амалга оширишини билиши лозим. Чунки, касб-ҳунарга йўналтириш ишларини амалга оширишда нафақат мактаб касб-ҳунарга йўналтирувчиси ёки амалиётчи психологи, балки бутун мактаб жамоаси масъулдир.


Юртбошиз И.А.Каримов томонидан алоҳида таъкидлаганидек «Иш билан банд бўлган аҳолини таркибий жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшларни фаолиятнинг янги илғор тармоқлари ва соҳаларига жалб қилиш ҳам меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг қудратли захирасидир»¹.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида қисқа муддат ичида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасидаги ўзгаришлар, ёшларни касбий таълимга жалб этиш ва уларга касбий таълим бериш каби вазифаларга самарали эришилиб келинмоқда. Жумладан, бир ярим мингдан ортиқ касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг барпо этилиши, уларда республикамиз учун зарур бўлган барча мутахассислик ва касблар бўйича таълимнинг олиб борилиши диққатга сазовордир.

¹ Ислон Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7- том. Тошкент: «Ўзбекистон», 1999. 381- 382 бетлар.

Аввало, касб тушунчасига таъриф бериб ўтсак, касб— бу инсон ўзи танлаган касбни маълум даражада билимга, тайёргарликка эга бўлиши ва ҳаётининг хотиржамлиги моддий эҳтиёжига фойда келтириши ҳамда ўз ихтиёри билан танлаган бўлиши керак.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришдан мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни онгли равишда касб танлашга тайёрлашдан иборат бўлиб, бу жараён боланинг бўлғуси касбий фаолият субекти сифатида шаклланишини назарда тутати ҳамда унинг бозор иқтисодиёти муносабатларига мослашиб боришига кўмаклашишдан иборат.



2.1-расм. Ўқувчиларнинг касб-ҳунар йўналишларини танлашларига таъсир кўрсатувчи омиллар.


Меҳнат фаолияти кўп жиҳатдан шахснинг касб-ҳунар маҳорати билан боғлиқ бўлиб, бу унинг камолига етиш учун ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Ўзининг меҳнатга қизиқишини тўла намоён этиш учун ёш йигит, қизлар ижтимоий меҳнат тақсимооти тизимида маълум ўрин тутиш, мен кимман

ижтимоий тараққиётга қандай ҳисса қўшишим мумкин, деган саволларга жавоб топиши лозим. Оилада, махсус мактаб-интернат ва умумтаълим мактабларида ўқийдиган имконияти чекланган, ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-ҳунарни танлашида турли таъсир кўрсатувчи омиллар мавжуд (2.1-расм).

Таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда таълим муассасаларидаги психологик хизмат ҳам ўзига хос ўринга эга. Ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим (2.2- расм).

1. Психодиагностик ишлар – ҳар бир ўқувчида намоён бўлиши мумкин бўлган ҳиссий зўриқиш ҳолатларига хос асосий кўринишларни аниқлаш.

2. Психопрофилактик ишлар – ўқув фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш ва бошқариш жараёнида ўқув фаоллиги ва самарадорлигига салбий таъсир этиш мумкин бўлган ҳолатларни олдиндан кўра билиш ва уларни бартараф этиш учун мунтазам равишда тегишли тадбирлар ўтказиш.



2.2- расм. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш тизими.

3. Психокоррекцион ишлар – фанларни ўзлаштирмайдиган ўқувчиларнинг ўзлаштира олмаслик сабабларини аниқлаш ва шу аснода улар билан алоҳида мустақил ишлар олиб бориш,

улардаги имкониятларни кенг миқёсда ўрганиш ҳамда ривожлантириш орқали ўқувчи шахсидаги фаолликни ошириш йўллари излаш.

4. Психологик маслаҳат ишлари ҳар бир ўқувчининг ўзигагина хос иқтидори, қизиқишлари, мақсадлари, ўқиш имкониятлари ҳақида шу ўқувчининг ўзига, синф раҳбарига ва ота-онасига ўз вақтида тегишли маълумотлар бера олиши керак.

5. Умумий фаолият тадбирлари – психологик хизмат Низомига амал қилган ҳолда ҳар бир ўқувчи учун Ташхис дафтари тўлдириш.¹

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг таркибий тузилиши

2.1-жадвал

	Босқичлар	Касб-ҳунарга йўналтиришнинг таркибий тузилиши
I	Касбий маърифат ва ахборот	– Мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳаларида мавжуд бўлган касб-ҳунарлар рўйхати; – ҳудудларда жойлашган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг жойлашув харитаси; – академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги тайёрлов йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар.
II	Касбий ташхис ва маслаҳат	– Ўқувчиларни касб -ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис харитаси; – ўқувчиларнинг касб -ҳунарга бўлган қизиқишлари, мойиллиги ва туғма лаёқатини аниқлаш бўйича психодиагностик методикалар; – касбий маслаҳат касбий ўз-ўзини аниқлашда ўқувчига бериладиган ёрдам.
III	Касбий танлов	– Касбий танлов касб-ҳунарларни эгаллаш учун шахснинг малака талаблари асосида касбий йўналишини танлаш жараёнидир; – касбий танлашда кишида унинг

¹ Баротов Ш.Р. Ўзбекистонда психологик хизмат ташкил этишнинг ижтимоий-психологик ва илмий-амалий асослари. Диссертация. – Т., 1997.

		психофизиологик имкониятларига мос тушадиган касбий фаолиятнинг йўналиши танланади.
IV	Касбий мослашув	– Касбий мослашув касб-ҳунарни эгаллаш жараёнида ҳар бир ўқувчининг ўзига хос тиббий-биологик ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда у билан олиб бориладиган ишлар мажмуасини ўз ичига олади.

Махсус ёрдамга муҳтож ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг таркибий тузилмаси босқичлар тизимида амалга оширилади. Бу жараёнда асосий масъулият касб-ҳунарга йўналтирувчи, амалиётчи-психолог зиммасига тушади, улар эса, ўз навбатида, барча таъсир этувчи омиллар фаолиятини мувофиқлаштириб борадилар. Мактаб раҳбарияти, синф раҳбари, психолог, дефектолог, шифокор (ҳамшира), меҳнат таълими ўқитувчиси, ўқувчилар етакчиси, тўғарак раҳбарлари ва кутубхона мудирлари, оила аъзолари, маҳалла вакиллари доимий ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим. Олиб борилаётган ишлар натижалари психолог билан биргаликда мунтазам таҳлил қилиниб борилади. Ўқувчининг касбий ўзлигини англаши учун зарурий шарт-шароитлар яратиб берилади. Ушбу босқичларда болага келгусида қандай касб-ҳунарни эгаллаши тўғрисидаги маслаҳатлар ва маълумотлар тушунтириб берилади (2.1-жадвал).

Ўқувчини касб-ҳунарга йўналтириш тизимининг босқичларини ва уларда бажарилиши лозим бўлган топшириқ ва вазифалар таҳлилини жадвал кўринишида келтириш мумкин (2.2- жадвал).

Ўспиринлик даврида ўқувчилар учун энг муҳим хусусият уларда маънавий жиҳатдан камолотга интилишнинг кучайишидир. Чунки воқеликка, кишиларга муносабат чуқур ички маънавий интилиш орқали содир бўлади. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш таълим муассасаларига келган кунлариданоқ бошланади.


Ўқувчиларнинг фанлар ва касб-хунар йўналишларини танлаши тўғрисида маълумот

2.2-жадвал

№	Фанлар	Ўқувчи сони	%	КХКваАЛ	Ўқувчи сони	Фои зда
1	Физика	108	4,5	Бухду қошидаги 4-сон АЛ	58	2,9
2	Матема- тика	234	9,8	Иқтисодиёт ва банк	128	6,5
3	Кимё	320	13,4	Нефть ва газ	91	4,6
4	Биоло- гия	137	5,7	Педагогика	250	12,6
5	Геогра- фия	98	4,1	Қурилиш ва миллий ҳунар	205	10,4
6	Инглиз тили	223	9,3	Тибиёт	367	18,6
7	Меҳнат	254	10,6	Туризм	86	4,3
8	Она тили	236	9,9	Автомобиль ва йўллар	194	9,8
9	Адабиёт	167	7	Банк	107	5,4
10	Иқтисод	117	4,9	Маданият	214	10,8
11	Ҳуқуқ	124	5,2	Саноат ва транспорт	84	4,2
12	Тарих	120	5	Ахборот технологиялари	110	5,5
13	Инфор- матика	245	10,2	Юридик ва маиший хизмат	77	3,9
	Жами	2383			1971	

Масалан, касблар ҳақидаги фикрларни улар онгига сингдириб, ота-оналари, яқин кишилари ким бўлиб ишлашлари ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказилади. Махсус ёрдамга мухтож битирувчи синф ўқувчиларининг ўзи қизиққан фани, қандай касбларга мойилликлари мавжудлигини аниқлаш мақсадида, фойдаланиши қулайлиги билан характерланиб келаётган методикалар «Қизиқишлар анкетаси» ва Е.А.Климов томонидан таклиф этилган «Дифференциал диагностик сўровнома» (ДДС) ўтказилди (2.2-жадвал). Тадқиқот давомида

9-синфни битирувчи ўқувчиларнинг ўзи қизиққан соҳаси бўйича амалий ишларга фаол киришишлари, уларнинг қизиқишлари мойилликка айланганлигидан далолат беради. Ўтказилган психодиагностик методикалар натижаси диаграмма ва жадвалларда ўз аксини топган.




2.1-диаграмма. Ўқувчиларни фанларга ўқишга бўлган қизиқишлари.

Жадвалдан кўринадикки, ўқувчилар фанлардан кимё, математика, инглиз тили, меҳнат, она тили, информатикага қизиқишлари ҳамда касб-ҳунар коллежларини танлашда тиббиёт, педагогика, саноат ва транспорт йўналишларида ўқишни давом эттиришга кўп истак билдирганлар. Тадқиқ этилган инклюзив таълимнинг самараси ўқувчиларнинг кимё, инглиз тили, информатика, меҳнат, математика, она тили фанларини ўқишга бўлган қизиқишлари юқори эканлигини кўрсатди (2.1-диаграмма).

Шунингдек, ўқувчиларнинг тўққизинчи синфни битиргандан сўнг қайси касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиришлари ҳақидаги маълумотлар аниқланди. Тиббиёт, педагогика, қурилиш ва миллий ҳунармандчилик йўналишидаги касб-ҳунар коллежларида ўқиш истагини билдирганлар кўпчилиكنи ташкил этади (2.2- диаграмма).

Махсус ёрдамга муҳтож, имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимнинг психологик-педагогик томонларини илмий жиҳатдан асослаб бериш орқали унинг ўқувчилар орасида фанларга бўлган қизиқишни, меҳнатга лаёқатни ривожлантиришда, касб-ҳунар эгаллашга нисбатан бўлган меҳр-муҳаббатни оширишда, инсонпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаси эканлиги асослаб берилди.



2.2-диаграмма. Ўқувчиларнинг касб-ҳунар йўналишларини аниқлаш.

Мустақиллигимиз пойдеворини мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистонни буюк давлатга айлантиришда таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, ёшларни замонавий илм-фан, маданият, техника ва технология ютуқлари билан мунтазам равишда таништириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук, иродаси бақувват, иймони бутун, замонавий фикрлайдиган, муайян касб-ҳунарга эга бўлган юксак салоҳиятли шахслар ҳал этади.

III. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ БОЛА ТАРБИЯСИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Шарқ мутафаккирлари қарашларининг бола таълим- тарбиясидаги ўрни

Ўзбекистон Республикаси Президенти: «Биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз», деганлар¹. Дарҳақиқат, фарзандларимизни табиатдан, борлиқдан баҳра оладиган, жамиятга фойда келтирадиган, халқига хизмат қиладиган диёнатли инсон этиб тарбиялашимиз келажакда унинг комил инсон бўлиб улғайишига замин бўлади. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Уларнинг улғайиб, комил инсон бўлишлари учун давлатимизда барча зарур моддий ва маънавий шароитлар муҳайё қилиняпти, ўқув таълим масканлари, барпо этилган спорт иншоотлари, дам олиш ва истироҳат боғлари ёшлар ихтиёрида.

Юртимизда азал-азалдан одоб-ахлоқ ва таълим-тарбияга катта эътибор берилган. Шарқ алломалари, олиму мутафаккирлар қадимдан адаб илмини чуқур ўрганиб, ривожлантириб келганлар. Айниқса, ҳар тарафлама гўзал одобли, яхши хулқли ва ҳаёли бўлишга, нафси поклашга буюрувчи муқаддас динимиз бу соҳада улкан ўзгаришлар сабабчисидир. Ҳадисларда, улуғларнинг ўғитларида инсон маънавий камолотининг асоси бўлган одоб-ахлоқ ва тарбиянинг барча жиҳатлари ўз ифодасини топган. Фарзанд – ҳаётимизнинг беағи, оиламизнинг қувончу шодлигидир. Фарзанд табиатнинг улуғ неъматидир. Ҳар неъматнинг шукри – унинг гўзал тарбиясида. Ҳадиси шарифда айтилишича: Ҳар бир туғилган чақалоқ то тили дилидагини гапира олгунча, дунё борлиғи билан туғилган бўлади. Ҳар қайси инсон ўз фарзандининг яхши, баркамол насл бўлиб етишишини орзу қиладди. Катта бўлгач, жамиятдан ўзига

¹Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.

муносиб ўрин эгаллаб, Ватанига содиқ, элу халқининг хизматига тайёр, виждонли ва диёнатли бўлишини ният қилади.

Ҳар бир инсоннинг ўзигагина хос имкониятлари мавжудлиги ва унга ҳамиша жиддий эътибор бериш зарурлиги ҳақида буюк шарқ мутафаккирлари Ибн Сино, Форобий, Беруний, Мирзо Улуғбек, Юсуф Хос Ҳожиб ҳам ўз замоналарида фикрларини алоҳида қайд этиб ўтганлар. Масалан: Юсуф Хос Ҳожибнинг «Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар, билим қайда бўлса буюклик бўлар», Мирзо Улуғбекнинг «Ишга яраб қолса илминг бир муддат, яна оширмоққа айлагил шиддат», А.Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир» деган доно ўғитларини мисол келтириш мумкин. Бола шахсини тарбиялаш учун, даставвал, унинг «бетакрор оламига» кира олиш ва шунга мос келувчи тарбиявий тадбирлар режасини тузиш ва қўлламоқ лозим. Жумладан, Абу Наср Форобий педагогика масалаларини ва улар билан боғлиқ бўлган психологик, физиологик муаммоларни ижобий ҳал этишда инсонни ҳар томонлама яхлит ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган қисмлардан иборат, деб айтади. Форобий мавжудотни билишда илмфаннинг ролини ҳал этувчи омил деб билади. Унингча, инсон танаси, мияси, сезги органлари туғилишда мавжуд, лекин ақлий билими, маънавийлиги, руҳи, интеллектуал ва ахлоқий хислатлари, характери, дини, урф-одатлари, маълумоти ташқи муҳит, бошқа инсонлар ва шу қабилар билан мулоқотда вужудга келади. Инсон ўз фаолияти ёрдамида уларни эгаллайди, уларга эришади. Унинг ақли, фикри, руҳий юксалишининг энг етук маҳсули бўлади, деб таъкидлайди.


Дунё яралгандан буён ва инсон унда пайдо бўлгандан бошлаб, табиатга мослашиши, таълим-тарбияси тўғрисида турлича қарашлар юзага келган. Айниқса, бу борада Шарқ алломаларининг қарашлари ва хулосалари алоҳида ўрин туради. Уларни шартли равишда даврларга ажратиш мумкин: (3.1-расм) Асарлари, илмий меросларини йиллар ва даврларга боғлиқлиги 3.2-расмда келтирилган.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби – «Авесто»да оила муқаддас даргоҳ эканлиги, оила барқарорлигида эр ва хотиннинг тенг масъуллиги, фарзанд тарбияси тўғрисидаги фикрлар баён этилган. Оиланинг тинч ва фаровон бўлиши нималарга боғлиқ эканлиги ҳақида эса: «Порсо, инсон уй тиклаб, оловга, оиласига, хотин ва фарзандларига ўрин ажратиб берса, уйида ноз-неъматлари муҳайё бўлиб, хотин ва фарзандлари фаровон яшаса, уйида эътиқод, собит олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, ўша манзил мухтарамдир», – деб ёзилган. Бу китобда кўрсатилишича, оилада ота етакчи бўлгани маъқул. Шунингдек, унда ифодаланган оила ва оилавий муносабатларга ҳамма риоя этиши лозим бўлган. Энг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда эр-хотиннинг ўзаро содиқ, ғамхўр, меҳрибон бўлишлари лозимлиги ва аёлнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўша даврда ҳам қонун даражасига кўтарилганлиги маълумдир. Умуман олганда, Зардуштийлик давриданок оила масалаларига катта эътибор қаратилган бўлиб, бу эса оиланинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш учун азал даврларданок замин яратилганлигини кузатамиз.

Имом Бухорий (810–870) «Ҳадис илмида амир ал-мўминийн» деган шарафли номга сазовор бўлган буюк алломадир. Унинг ривоятлари оилада фарзанд таълим-тарбияси, оила ҳаёти ва жамият манфаати учун муҳим аҳамиятга эга. Тарбия фарзанд дунёга келган кундан бошланади. Кичик ёшдаги ҳар бир бола ўз ҳаётида учрайдиган воқеа ва ҳодисаларни синчковлик билан кузатиб боради. У катталарга тақлид қилиб, ҳар қандай хатти-ҳаракатни ўзи ҳам бир синаб кўришга интилади. Ана шунинг учун ҳам ҳар бир ота-онадан намунали ҳаёт кечириб, фарзандларига ҳар тарафлама ўрнак ва ибрат бўлишлари талаб этилади.

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (824–892). Ўз даврининг етук муҳаддис (ҳадис илми) олими сифатида танилган Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (824–892) қаламига мансуб асарларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Олимнинг «Ал-жомийъ» («Жамловчи») асари асарларининг ичида энг машҳури бўлиб, ҳадислар тўпламидан биридир. Ат-Термизий:

«Бир кишининг ўз фарзандига тарбия бериши ҳар куни садақа беришидан кўра хайрлироқдир», – дейди ва бу ўғити билан оилада бола тарбияси энг савобли иш эканлигини таъкидлайди. Аллома «Ал-жомий» асарида Пайғамбаримиз бола-чақасига қаровчиси бўлмаган инсон жангга бормоқчи бўлганида: «Фарзандларинг олдига қайт, зеро, уларнинг тарбияси бундан да савоблироқдир» деган ҳадислари ўрин олган. Яна бир ҳадисларида: «Бир ота ўз фарзандларига гўзал одобдан аълороқ нарса инъом эта олмайди»¹, – деб таъкидлаганлар.



3.1-расм. Шарқ мутафаккирларининг ривожланиш давлари* .

¹ Алимов У. Оилада фарзанд тарбияси. – Т.: Мовароуннахр, 2011. – Б.78.

* Муаллиф ишланмаси.

Дархақиқат, ота-она нафақат сўзи, балки хатти-ҳаракати билан ҳам фарзандларига ўрнак бўлади, унга устозлик қилади. Бола вақтини ким билан кўпроқ бирга ўтказса, ўша одамдан кўпроқ таъсирланади ва ибрат олади. Ўша одамнинг ахлоқини ўзлаштиради, ундаги онг ва тушунчани ўзи учун ҳаёт шиорига айлантиради. Фарзанд тарбияси ота ва онанинг энг асосий вазифасидир. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, айтган сўзи боланинг тарбиясига таъсир этади. Чунки бола оиласида кўрган ва эшитган ҳар бир воқеа ва ҳодисани ўз онгига муҳрлаб олади. Жумладан, бир ота ва унинг фарзанди орасида ҳаёти давомида қурилган муносабат ҳақида мисол келтириб, уни таҳлил этсак. Оилада фарзанд дунёга келади, лекин фарзанд дунёга келгач, ота қатнашиши шарт бўлган мажлислар ва амалга оширилиши керак бўлган ишлар билан банд бўлади, ишларидан бўшай олмайди. Кунлар ўтиб, биринчи қадам босганда, иш сафари билан бошқа давлатда, тили чиққанида малака ошириш учун ўқишда бўлади. Йиллар ўтиб бироз улғайгач, бола дадасига: «Дадажон, мен сизга ўхшагим келади», – дейди. Баъзан бола отасининг ишхонасига кўнғироқ қилиб: «Дада, уйга қачон қайтасиз?» – деб сўрарди. «Қачон қайтишимни билмайман, ўғлим. Лекин борганимда, албатта, вақтимизни бирга ўтказамиз, менга ишон» деб, отаси болани ишонтирар эди. Йиллар шу зайл ўтаверди. Ўғил 10 ёшга тўлди. Дадаси унга ажойиб копток совға қилди. «Копток учун раҳмат, дадажон! Келинг, бирга ўйнаймиз», – деди ўғил. Дадаси эса унга жавобан: «Шу ҳафта ичида битиришим керак бўлган ишларим бор, ўғлим. Бугун иложим йўқ, лекин бошқа кун албатта ўйнаймиз, хўпми?» – деди. Орадан яна йиллар ўтди. Ўғил аввал бошланғич мактабни, сўнг лицейни, ундан кейин эса университетни битирди. Бошқа оталар каби отанинг ўз ўғлига айтадиган бир неча гаплари бор эди: «Сен билан фахрланаман, ўғлим! Кел буёққа, сенга айтадиган бир-икки оғиз гапим бор», – деди. Ўғил эса бошини қимирлатиб: «Дўстларимга сўз берганман, кетишим керак, дада. Машинангизнинг калитини менга бериб туринг, илтимос. Кейин гаплашамиз, хўпми?» – деди. Ҳаёт шу зайлда давом этаверарди. Ота нафақага чиқди, энди бўш вақти кўп эди.

Ўғли эса бошқа шаҳардан яхши иш топган, ўша ерда яшар эди. Бир куни отаси унга қўнғироқ қилди: «Ўғлим, агар вақтинг бўлса дам олиш кунлари кел, бир гаплашиб олар эдик», – деди. «Яхши бўларди, дада. Кўрамиз, бўш вақт тополсам, бораман. Лекин охирги пайтлар ишларим жуда кўп. Сиз билан кўришишни мен ҳам жуда истардим», – деди ўғил. «Яхши, унда қачон келасан, ўғлим?» Ўғил: «Қачон боришимни билмайман, дада. Лекин ҳозир муҳим учрашувим бор. Сизга кейин қўнғироқ қиламан. Аммо бошқа кун, албатта, вақтимизни бирга ўтказамиз, менга ишонинг», – деди. Ота паришонхотир гўшакни қўйди.

Ота-ўғил орасидаги бундай муносабатдан шундай хулоса келиб чиқадики, ўғил ибрат олган отасига ўхшаган, унинг улғайиб отаси каби бўлиш орзуси рўёбга чиққан эди.

Абу Наср Форобий (873–950) жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган олим. Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб «Ал-Муаллим ас-соний» – «Иккинчи муаллим» (Аристотелдан кейин), «Шарқ Арастуси» деб юритилган. Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларида 160 дан ортиқ асар яратган. У турли билимларнинг назарий томонлари, фалсафий мазмуни билан кўпроқ қизиққанлиги учун асарларини 2 гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) Юнон файласуфлари, табиатшуносларининг илмий меросини изоҳлаш, тарғиб қилиш ва ўрганишга бағишлаган асарлари; 2) фаннинг турли соҳаларига оид мавзулардаги асарлари. Унинг талқинича, математика, табиатшунослик, метафизика фанлари инсон ақлини билимлар билан бойитиш учун хизмат қилса, грамматика, мантик, шеърят каби илмлар фанлардан тўғри фойдаланишни, билимларни бошқаларга тўғри тушунтириш, яъни ақлий тарбия учун хизмат қилган.¹ Сиёсат, ахлоқ, одоб, таълим-тарбияга оид билимлар эса кишиларнинг жамоаларга бирлашувини, ижтимоий ҳаётга тегишли қоидаларни ўргатади. Абу Наср Форобий «Ақл маънолари ҳақида» рисоласида ақл масаласини чуқур талқин қилган. У ақл бир томондан, рухий жараён,

¹ Маънавият юлдузлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. – Б.61-70.


иккинчи томондан, ташқи таъсир – таълим-тарбиянинг натижаси эканлигини уқтиради.

Абу Райҳон Беруний (973–1048). Ўрта асрларнинг буюк арбоби, олим-энциклопедист Абу Райҳон Берунийнинг таълим-тарбия мақсади, вазифалари ва мавқеи, инсон, ёш авлоднинг ривожланиши ҳақидаги фикрлари чин маънода инсонпарварлик ва инсоншунослик замирида яратилган. Билим ва тарбиянинг табиатга уйғунлик тамойилларини мутафаккирнинг барча асарларида кузатиш мумкин. У инсонни табиатнинг бир қисми деб таъкидлайди. Беруний таълим жараёнининг табиатига чуқур кириб бориб, болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш асосида қурилган ўқитиш табиатга уйғунлигини уқтиради. Беруний педагогик ижодида инсон ва унинг бахт-саодати, таълим-тарбияси, камолоти бош масала бўлган. Унинг кўпгина асарларида инсон одоби ва ахлоқи хусусидаги ноёб фикрлар ўз ифодасини топган. Мутафаккир ўзининг «Минерология», «Геодезия», «Ҳиндистон», «Ўтган авлодлар обидалари» номли асарларида инсон шахси, унинг камолоти, ақл-идроқи, ҳаловат ва лаззати, сабр-тоқат ва камтарлик, гўзаллик ва дид, поклик ва худбинлик каби тушунчаларга инсон руҳиятининг билимдони сифатида таъриф берган. У бундай ёзади: «Инсон жамиятда ўз қариндош-уруғлари билан бирлашиб олишга мажбурдир. Бундан мақсад бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар бир кишининг ҳам ўзини, ҳам бошқаларни таъминлаш учун ишларини бажаришидир».¹ Боланинг ижтимоийлашуви, унинг ўзига бўлган ишончи, заковатининг шаклланиши, жамиятда бошқа кишилар билан муносабатда бўлар экан у қўллайдиган тил, маданияти, оилада ота-онанинг фарзандлари билан бўлган муомаласи, қариндошлари билан бўлган муносабати, асосида юз беради.

Абу Али ибн Сино (980–1037). Ўрта асрда яшаб ижод этган донишманд, табобат илмининг доҳийси Абу Али ибн Синонинг инсон руҳияти, тана ва қалбнинг бирлиги, инсон организмнинг тузилиши, ундаги нерв фаолияти ва уларнинг тармоқланиши, ҳолатлари ҳақидаги қимматли маълумотлари

¹ Абу Райҳон Беруний. Минерология, 1996, 10-бет.

ҳозирга қадар тиббиётнинг муҳим негизини ташкил этади. У ёш авлод тарбиясининг ибтидоси қандай ва нималар билан бўлиши ҳақида қуйидагиларни айтган эди: «Ёш бола бошланғич таълим ва тилга доир қоидаларни ёд олгандан кейин у машғул бўлиши мумкин бўлган касб-ҳунар ва санъатга мойиллигига қараб, уни шунга йўллаймиз. Агар у котибликни хоҳласа тил, хат ёзиш, нутқ сўзлаш ва одамлар билан муомала қилиш кабиларга тавсия қиламиз. Албатта, бу ўринда, боланинг майли ҳам аҳамиятга эга».¹ Шунингдек, қуйидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқдир: «Ёш бола таълим-тарбия оладиган жойда одоб-ахлоқли, туриш-турмуши намунали болалар бўлиши лозим. Зеро, ёш бола ҳар бир нарсани уларга тақлид қилиб ўрганади ва улар билан дўст бўлади».²



3.2-расм. Яратилган манбаларни йиллар ва даврларда.

Дарҳақиқат, тарбия фарзанд дунёга келган кундан бошланади. Бола мактабга боргунича унга подшоҳона муносабатда бўладилар, яъни рисоладаги барча илтимослари сўзсиз бажарилади, шўхлик ва эркаликларидан қайтарилмайди. Шундан сўнг аста-секин унга тушунтириш, катталарнинг ўзи

¹ Ахлоқ-одобга оид Ҳадис намуналари. Таҳрирчилар А.Асқаров ва бошқ. – Т.: «Фан», 1990. – 124 б.

² Муҳаммад Атия . Ислокий тарбия ва унинг фалсафаси, 197- бет.

ибрат бўлиши орқали тарбия берилади. Бу тарбия бир неча томондан олиб борилади. Ақлий тарбиясини ўнглаш учун унга турли китоблар ўқиб берилади, ривоят ва ибратли ҳикоятлар сўзланади ёки ақл-заковатини ўстирадиган ўйинлар, машғулотларга жалб қилинади ва ҳаётга бўлган қизиқишини ривожлантириб бориш лозим бўлади. Руҳий тарбиясини яхшилаш учун ҳаёт ва ўлим, яхшилик ва ёмонлик, ахлоқ ва одоб каби боқий мавзуларда содда, бола руҳиятига мос суҳбат ва тушунтиришлар олиб бориш лозим. Жисмоний тарбия бериш учун эса бирор-бир фойдали меҳнатга жалб қилиш, анъанавий спорт ўйинлари билан шуғулланиш, сузиш, мерганлик, чавандозлик каби машғулотларни ўргатиш мумкин. Ўсмирлик давригача қаттиқ интизом билан берилган топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, хулоса чиқариш, бажарилмаган вазифалари ва ноқобил амаллари учун зарурат бўлганда чора-тадбир белгилаш зарур бўлади. Ўспиринлик даврида эса боласини ота-она ўз дўсти каби тутиб, ҳар бир қилиниши лозим бўлган амал учун маслаҳатлашиб, берилган топшириқнинг оқибатини назорат қилиб бориши тарбияда яхши ютуқларга олиб келади.

Фарзанднинг отаси ҳақидаги фикрлари турли ёшда ҳар хил бўларкан: беш ёшда: «Отам ҳамма нарсани биладилар». Ўн ёшда: «Отам кўп нарсани биладилар». Ўн беш ёшда: «Мен ҳам отамчалик биламан». Йигирма ёшда: «Тўғриси айтсам, отам ҳеч нарсани билмайдилар». Ўттиз ёшда : «Ҳар ҳолда отам анча-мунча нарсани биладилар». Олтмиш ёшда: «Қанийди, отам тирик бўлганларида, улар билан маслаҳатлашган бўлар эдим». Болалар билан муроса ва муносабатларда уларнинг бу кайфиятини ҳам инобатга олиш керак бўлади.¹ Фарзандларимизнинг илмий савиялари, касб-ҳунарлари билан бир қаторда ахлоқий фазилатлари ҳам кўпайиб бориши зарур. Ёш авлоднинг таълим ва тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиш фақат ҳукуматимизнинг ёки мактабларнинг эмас, балки ҳар бир ота-онанинг ҳам муқаддас бурчи ҳисобланади. Лекин ҳамма ота-онанинг ҳам ўз фарзандларига меҳр-оқибати ва тарбиявий

¹ Алимов У. Оилада фарзанд тарбияси. – Т.: «Мовароуннахр», 2011. – 122 б.

муносабати бир хил бўлавермас экан. Айримлар бола тарбияси хусусида жуда бепарволик қилишади. Улар учун бу дунёда фақат ўз шахсий юмушлари, моддий маблағ тўплаш йўлидаги ташвишлари биринчи ўриндаги вазифа, оила аъзоларининг ахлоқий тарбияси билан шуғулланиш эса иккинчи даражали иш кўринади. Кейинги вақтда, афсуски, болаларда ҳасад, кўролмаслик ва бировга нисбатан душманлик ҳиссини туйиш каби ёмон туйғулар шаклланыпти. Бунда эса катта айбдор ота-оналар ҳисобланади. Ота-оналар фарзандлари билан муомала қилишда адолатли бўлмасликлари, бирини бошқасидан, ўғилларни қизлардан ёки аксинча, ажратмасликлари керак. Совға беришда, меҳрибончилик кўрсатишда, эркалаш ва илтимосларини бажаришда барча фарзандларни тенг кўриш лозим. Чунки улар орасида совға-саломда тенглик йўқолса ёки бирини қойиб, иккинчисини мақтаб эркалатса, ака-ука ёки опа-сингиллар орасида бир-бирига ҳасад қилиш ва кўролмаслик келиб чиқади. Тарбия беришда шошқалоқлик ярамайди. Масалан, ёш ниҳолни парваришлаб, ҳосилга кириштиш учун бир неча йил кутиш керак бўлганидай, битта болани комил инсон сифатида тарбиялаш учун кўп йиллар керак бўлади. Таълим-тарбия ота -онадан ва мураббий устозлардан узоқ вақт чидам, бардош, сабр ва фидоийлик билан иш олиб боришни талаб этади.

Абу Али ибн Сино ўз асарларида соғлом болалар билан бир қаторда, алоҳида ёрдамга муҳтож болалар тарбиясига оид тавсиялар ҳам беради. Ногирон бола тенгқурлари қатори ўқишга, таълим-тарбия олишга ҳақли эканини айтиб, уларда касб-ҳунар ўрганишга, илм олишга қизиқиш бошқаларга нисбатан кучлилигини таъкидлайди. Ибн Синонинг фикрлари ҳозирги махсус таълим амалиёти ва назариясига ҳар томонлама мос келади.

Оилада бирор нуқсони бор фарзанд дунёга келса, бутун оиланинг ҳаёти, психик ҳолати, ташқи муҳит билан алоқаси ўзгаради. Ота-она бола ҳаётидаги илк тарбиячилардир. Оилавий тарбия ижтимоий тарбиянинг бир қисми бўлиб, боланинг ижтимоий, эмоционал, хулқий ва бошқа

сифатларининг шаклланишига биринчи пойдевордир. Шахснинг ахлоқий, маънавий ва ижтимоий ривожланишига таъсир этувчи омиллар орасида оиланинг ролини ҳеч бир ижтимоий фаолият билан таққослаб бўлмайди. Демак, ота-оналар ҳар томонлама маънавий етук инсон бўлиши лозим. Оиладаги бир кишида юз берган жисмоний ёки руҳий ўзгариш бошқаларга ҳам таъсир ўтказади. Шунини таъкидлаш лозимки, психологик жиҳатдан хотиржам оилада тарбияланаётган алоҳида ёрдамга муҳтож боланинг жамоага мослашиб кетиши осон бўлади.

Юсуф Хос Ҳожиб. XI асрнинг буюк мутафаккири ва шоири Юсуф Хос Ҳожиб ижодининг бош масалаларидан бири – комил инсонни тарбиялашдир. Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» – «Саодатга элтувчи билим» асарида ўзининг этика ва ҳаётга оид қарашларини баён этган. Шоирнинг фикрича, фарзанд кўриш ва унга тарбия бериш ҳар бир инсон учун буюк бахтдир. Уларсиз ҳаётнинг маъноси йўқ. Лекин бу нарса ота-онага жуда катта масъулият юклайдики, унинг уддасидан чиқмоқ, ҳар бир ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Шунинг учун ҳам оилавий таълим-тарбияни Юсуф Хос Ҳожиб бола ахлоқий тараққиётининг асоси, деб ҳисоблаган: «Агар боланинг хулқи ёмон бўлса, бунда боланинг айби йўқ, ҳамма айб отасида». Яна унингча: «Яхши ахлоқий фазилатларга эга киши – ҳар қандай қимматбаҳо дурлардан ҳам қимматлидир».¹ Адиб энг комил, жамиятнинг ўша даврдаги талабларига жавоб бера оладиган инсонни қандай тасаввур қилган бўлса, шу асосда у ўз тамойилларини изчил баён этади. «Қутадғу билиг» асари таълим ва тарбия, маънавий камолотнинг йўл-йўриқларини, усулларини, чора-тадбирларини ўзида мужассамлаштирган, ахлоқ ва одобга доир қимматли маънавий манбадир.²

Имом Ғаззолий (1058–1111). Таълим-тарбия борасида Имом Ғаззолий, асосан, ёшларнинг таълим-тарбияси ҳақида тўхталар экан: «Ёшлар тилла тақинчоқ ва турли зебу зийнат тақмасликлари лозим. Улар ўтириш, туриш, салом бериш одобларига риоя этишлари, ўзларидан катталар ҳузурида

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: «Юлдузча», 1990. – 192 б.

² Маънавият юлдузлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ ижодиёти нашриёти, 1999. – Б.54-57.

оёқларини чалиштириб ўтирмасликлари, сергап ва сўкувчи бўлмасликлари, беҳаё сўзларни айтмасликлари, хусусан, ёмон хулқли тенгдошларига аралашишдан эҳтиёт бўлишлари керак», – дейди.¹ Унинг яна «Ихёу улумуд-дин» китобида бундай дейилади: «Бола ота-она қўлида бир омонатдир. Қалби турли нақш ва расмлардан пок, нима нақш солинса, қабул қилади, нимага мойил қилинса, мойил бўлаверади. Агар яхшиликка ундалса ва ўргатилса, унинг устида ўсаверади, дунё ва охиратда саодатли бўлади, ота-онаси ҳамда одоб, таълим-тарбия берганлар барчаси савобига шерик бўлишади. Агар ёмонликка ундалса ва ҳайвон каби бўш қўйилса, ёмонликка учрайди, ҳалок бўлади ва унга қараб турган киши зиммасига гуноҳкорлик тушади».² Бола, энг аввало, ота-онасининг биргаликда тинч-тотув яшашларини, бир-бирига бақриб жанжал қилмасдан, фарзандларини севиб ардоқлашишларини хоҳлайди. Жанжаллашаётган ота-онасини кўрган бола бир бурчакка бориб йиғлайди, руҳан эзилади. Бундай ҳолат бориб-бориб болада айбдорлик ҳиссини ҳосил қилиб, руҳий ҳолатнинг бузилишига сабаб бўлади. Ота-онасидан калтак еган, хўрлик кўрган ёки оиласида шафқатсизлик муҳити ҳукм сурган болаларнинг мактаб ёки ижтимоий ҳаётларига назар ташлаганимизда, муаммоларни жанжал йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилаётганларига ва ҳар қандай шароитда арзимас ҳодисани ҳам жанжалга айлантирганликларига гувоҳ бўлдик. Яъни жанжалкаш болаларнинг оилавий ҳаётларига назар ташланса, оилаларда нотинчлик ҳукм сураётганлиги маълум бўлади. Иш фаолиятимда бир ўқувчи ҳаддан зиёд жанжалкаш бўлганлиги, дарсларда тинч ўтира олмаслиги, танаффус бўлди дегунча, бирор-бир синфдошини уриб йиғлатарди. Бола билан суҳбатлашганимда, агар у болаларни урмаса, уни уришлари мумкинлигини айтиб қолди. Ота-онаси билан муносабати ҳақида гапирганда эса, отасининг ўз болаларини тез-тез калтаклаб туриши, арзимас шўхликлари учун дакки ейишини айтди. Муаммоси бўлган болаларнинг оилаларидаги шарт-шароитлар ўрганилганида, кўпчилик

¹ Алимов У. Оилада фарзанд тарбияси. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2011. – Б. 86.

² Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий. Ихёу улумуд –дин. 3-жуз, 70- бет.

оилаларда ота-оналар орасидаги муносабатларда муаммолар борлиги аниқланди. Физиологик камчилик ҳисобланмаган, лекин психологик муаммо сифатида баҳоланиши керак бўлган ҳолатлар оиласида муаммо бўлган болалар ёки ўсмирларда кўпроқ кузатилади. Ёлғон гапиришдан ўғриликкача, нутқий нуқсонлардан тагини ҳўл қилишгача, мактабдаги муваффақият-сизликдан уйдан қочишгача бўлган нохуш ҳолатларни келтириб чиқарган болаларга эътибор қаратганимизда, уларнинг оилаларида муаммо ёки оила аъзолари билан муносабатларида бузилишлар мавжудлиги кўринди. Оилада жанжал-тўполонли вазият юзага келганда, болалар бунинг гувоҳи бўладилар, бундай руҳий жароҳат туфайли катталарга нисбатан кўпроқ қайғурадилар. Жанжалларнинг оқибатларини узоқ вақт хаёлларидан чиқара олмайдилар, ҳатто бутун умр бунинг таъсирини сезиб турадилар.

Баҳовуддин Нақшбанд (1318–1389). Табаррук юртдошимиз Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд томонидан асосланган Нақшбандия таълимоти Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида жуда катта ўрин эгаллади. Унинг «Дил ба ёру даст ба кор», яъни «Доимо кўнглинг яратганда бўлсин, қўлинг эса ишда» ақидаси поклик, тўғрилиқ, меҳр-шавқат, адлу инсоф, имондорлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби илғор умумбашарий фикрлар қатори давримизга ҳамоҳанг бўлиб, келажак учун хизмат қилиб келмоқда.

Абдурахмон Жомий (1414–1492). Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», «Хирандномаи Искандар», «Тухфатул афкор» ва бошқа асарларида илм-маърифат, таълим-тарбия, касб-хунар ўрганиш, инсон ижобий фазилатлари ҳақидаги фикрлар ифодаланган. Ислом таълимотида ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб улғайишига жиддий аҳамият берилган. Бу ҳақда ҳадисларда: «Фарзандларингизга сузиш ва камон отишни, қизларга касб-хунарни ўргатинглар»,¹ — дейилган.

¹ Алимов У. Оилада фарзанд тарбияси. 2-том. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2012. – Б-86.

Алишер Навоий (1441–1501). Ҳазрати Алишер Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний», «Маҳбуб ул-қулуб» ва бошқа шу сингари асарларида етук, баркамол инсоннинг ахлоқи, маънавияти, ўзгаларга муносабати, истеъдоди ва қобилияти тўғрисида қимматли мулоҳазалар юритилган. Ана шу психологик мезонлар ижтимоий адолатнинг қарор топиши учун муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланган. Шунингдек, Алишер Навоий асарларида ёш авлоднинг баркамол инсон сифатида шаклланишида ота-онанинг роли, аёлларнинг иффатлилиги, кишиларнинг камтарлиги ҳақидаги фикр- мулоҳазалар алоҳида ўрин эгаллайди. Алишер Навоий «Ҳамса»сининг ҳар бир достонида букилмас ирода, қатъиятлилиқ, итоат, инсонпарварлик туйғулари, ижодий ҳаёлот, инсоннинг мураккаб ички кечинмалари моҳирона ёритилган. Алишер Навоий бу дунёда илм-ҳунарсиз, одоб ва тарбия олмасдан ўтишни қуйидаги мисралар воситасида таърифлайди:

*Камол эт касбким, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотаом ўтмак биайниҳ –
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

Ота-оналар ўз фарзандларини тарбиялаётганларида эътибор беришлари керак бўлган яна бир муҳим масала ота-онанинг бирдамлигидир. Таълим ва тарбияда муваффақиятга эришиш ана шу хусусиятларга эътибор берилиши натижасида амалга ошади. Ота-она бирдамлигидан ташқари, фарзандларни ўз ҳаёт тажрибаларига таянган ҳолда тушунишлари ва шунга кўра муносабатда ўрнатилган бўлишлари муҳим.

Аҳмад Дониш (1827–1897). XIX асрнинг ўрталарида яшаб ижод этган, доно фикрлари билан ном қозонган мутафаккир, маърифатпарвар шоир Аҳмад Дониш фалсафа, тарих, фалакиёт, риёзиёт, адабиёт, хаттотлик масалаларига бағишланган асарлар ёзган. Олим «Наводир ул-вақое» китобида ўзининг турли масалаларга муносабатини ифодалаган. Аҳмад Дониш ўз асарида бундай деб ёзган: «Биз бу дунёни гуллаб-

яшнатишимиз, денгизларни ўрганиш, ер ости бойликларини топиш, унинг ҳамма қитъалари, ҳайвонот дунёси ва давлатлар аҳолисини билиш учун туғилганмиз».¹ Худди шу асарда қуйидаги фикрлар ёритилган: «Агар киши таваккалчи бўлмаса, меҳнат қилмаса ва қийинчиликда, камбағаллик билан ҳаёт кечириш ёки мўл-кўлликда яшаш қисматда бор экан, деб тан олмаса, у хато қилади. Демак, у ақлли эмас»², – дейди.

Абдулла Авлонийнинг (1878–1934) ҳам оила педагогикаси ва психологик фикрлари диққатга сазовордир. Абдулла Авлоний: «Тарбия–«Педагогия», яъни бола тарбиясининг фани», – деб таъкидлайди. Шоир болани тарбия қилувчилар табиб кабидир, табиб касалнинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклик деган давони устидан бериб, катта қилмоқ лозим дейди. Боланинг мукаммал тарбияси нафақат оилага, балки мактаб ва жамоат ташкилотларига ҳам боғлиқлигини эътироф этиб, тарбия масаласини умуминсоний вазифалар даражасида талқин этган. Унинг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар ғоят катта таъсир кучига эга. Боланинг шахс сифатларига тўхталиб, унда оиланинг ролини кўрсатар экан: «Қуш уясида кўрганини қиладур», – дейди.


Инсон жавҳари қобилдир, агар яхши тарбия топиб, бузук хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатланиб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул бахтиёр бир инсон бўлуб чиқар...» Демак, олим бола тарбиясида оиланинг ролини бирламчи қилиб қўяди: «... тарбияни туғилган кундан бошламоқ лозим экан. Тарбияни ким қилур? Қайда қилинур? деган савол туғилади. Бу саволга биринчи уй тарбияси – бу она вазифасидир. Иккинчи мактаб ва мадраса тарбияси бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидир»,³ – дейилган.

¹ Мўминов И.М. Ўзбекистонда XIX аср охирида XX аср бошларида ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан. Танланган асарлар. Биринчи том. – Т., 1969.

² Маънавият юлдузлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ ижодиёти нашриёти, 1999. – Б.324.

³ Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ (инсон одобидан мумтоз намуналар). – Т.: «Ўқитувчи», 1992. – 160 б.

Аваз Ўтар (1884–1919) мумтоз адабиётимизда ғазал, мухаммас, мустазод, мусамман, мураббаъ, муламмаъ, таржеъбанд, соқийнома, рубоий, китъа, фард каби жанрларда ижод этган шоирдир. У ўзининг қисқа умри давомида шеърларини бир жойга тўплаб девон тартиб қилди ва уларни «Саодат ул-иқбол» (Бахтли иқбол) деб номлади. Унинг мактаб ва тил ўрганиш ҳақидаги шеърлари жуда машҳурдир.



3.3-расм. Яратилган манбалар динамикаси*¹

1-ҳар бир даврга мос келиши.

2-умумий кўриниш.

Илмсиз инсонни меvasиз дарахтга ўхшатиш мумкин. Чунки илмсиз кишиларнинг ота-онасига, қариндошларига, дўстларига, жамиятга, юртига нафи тегмайди. Таълим-тарбия кўриб, илм олган олим, комил инсонлар ҳар ерда азиз ва ҳурматлидирлар ҳамда жамиятнинг маданиятига, маърифат дунёсига, маънавиятнинг юксалишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

*¹Муаллиф ишланмаси

Алломаларнинг таълим-тарбия ҳақида яратган илмий асарлари

Азал-азалдан Шарқ (Ўрта Осиё, Туркистон) маданияти қатор иқтидорли олимларни тарбиялаб етиштирди. Улар эса жаҳон халқларининг умумий маданий ривожланишига жуда катта ижобий таъсир кўрсатдилар. Шарқда яшаб ўтган олим, мутафаккир, алломалар томонидан яратилган ва мерос қилиб қолдирилган ноёб асарлар ҳамда ўғитлардан фойдаланиб, таълим-тарбиянинг янги босқич ва даврларда ривожланишини қиёсий таҳлил қилиш мумкин (3.1-жадвал). Уларнинг йиллар ва даврлар кесимидаги боғлиқлиги (3.3-расм) диаграммасини кўрсатиш мумкин.

Шарқ мутафаккир ва алломаларининг таълим-тарбия ҳақида яратган асарлари ^{*1}

3.1- жадвал

№	Давр-лар	Шарқ мута-фак-кир-лари	Ижод ва фао-лият йил-лари	Таълим-тарбия ҳақидаги манбалар
1	I Давр	Авесто	800 йилга ча	Зардуштийларнинг муқаддас китоби – «Авесто». «Авесто» сўзи қатъий қонунлар маъносини билдиради. Бу китобда кўрсатилишича, оилада ота етакчи бўлгани маъқул. Шунингдек, унда ифодаланган оила ва оилавий муносабатларга ҳамма риоя этиши лозим бўлган. Энг аҳамиятли жихати шундаки, унда эр-хотиннинг ўзаро содиқ, ғамхўр, меҳрибон бўлишлари лозимлиги ва аёлнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўша даврда ҳам қонун даражасига кўтарилганлиги маълумдир. Умуман олганда, зардуштийлик давриданок оила масалаларига катта эътибор қаратилган бўлиб, бу эса оиланинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш учун азал даврларданок замин яратилганлигини кўрсатади.

^{*1}Муаллиф ишланмаси

	II Давр	Имом ал- Бухо- рий	(810- 870)й	«Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», «Ал-адаб ал-муфрад», «Ат-таърих ас-сағий», «Ат-тарих ал-авсот», «Ат-тарих ал-кабир», «Китоб ал-куна», «Барр ул-волидайн» каби 20дан ортиқ китоблари мавжуд. 4000 ҳадисдан иборат, 20га яқин асарлари бор.
		Муҳамм ад ат- Терми- зий	(824- 892)й	«Ал-жомиъ», «Аш-шамоил ан-насавийя», «Ал-илал фи-л ҳадийс», «Рисолаи фи-л хилоф ва-л жадал», «Ат тарих», «Китоб аз-зуҳд», «Китоб-ул асмо ва-л куна» «Жомиъ ат-Термизий», «Сунан ат-Термизий».
		Абу Наср Форо- бий	(873- 950)й	160 дан ортиқ асар яратган. «Ақл маънолари ҳақида», «Калом фи-л жавҳар», «Уюн ул-масоил», «Китоб фи-л наво-мис», «Китоби фи-л ҳаракат ал-фалака доиматун», «Рисола фи моҳият ан-нафс», «Китоб фи ашъ аллати яхтожу анталлама кабл ал-фалсафа» «Китоб ул фи ихсо ил иқо».
		Абу Рай- хон Беру- ний	(973- 1048) й	«Минерология», «Геодезия», «Ҳиндистон», «Хоразмнинг машҳур кишилари», «Таҳдид ниҳоёт ал-амония ли тасдиҳи масофат ал-масокин», «Таҳқиҳ мо лил Ҳинд мин маъқуда мақбула фи-л ақл ав марзула». Берунийнинг охирги асари «Доривор ўсимликлар ҳақидаги китоб. 150дан ортиқ асар яратган.
		Абу Али ибн Сино	(980- 1037) й	«Китоб ал қонун фит тиб», «Китоб ун-нажот», «Китоб ул-инсоф», «Ҳайй ибн Яқзон», «Китоб лисон ул-араб», «Китоб уш-шифо», «Китоб ун-набз», «Фуж ул тиббийя жориа фи мажлисиҳ», «Тадбир ул-манзил», «Фил ҳиндубо», «Рисола фи дастур ит-тиббий». Асарларининг сони 450дан ошади. Бизгача 160 га яқин асари етиб келган.
		Юсуф Хос Ҳо- жиб	(тах.1 016)й	«Қутадғу билиг»нинг бадиийлиги жуда юқори. Ундаги ҳар бир қирра, воқеалардаги ҳаётийлик ва шоир хаёли ўзаро ниҳоятда ширали, мазмунга бой.
		Но- сир Хис- рав	(1004- 1088) й	«Жомеъ ул-ҳикматайн», «Саодатнома», Зод ул-мусофирин», «Хон ул-ихвон», «Дин важҳи», «Бўстон ул-уқул», «Рушноинома», «Зод ул-мусофирин»,
3	III Давр	Муҳам мад	(1058 - 1111)	«Иҳёу улумуд-дин», «Кунуз ул-ҳикмат», «Сирж ул-сойирин», «Мифтоҳ ун-нажот», «Бурхон ал ҳақиқат», «Футуҳ ал руҳ», «Эътиқоднома», «Ал

	Ғаззо- лий	й	зухдиёт», «Чахор пари», «Сабзпари ва Зардпари».
	Аҳмад Ясса- вий	(1041 - 1167) й.	Яссавия тариқатининг барча ақидалари Аҳмад Яссавийнинг асосий асари бўлмиш «Ҳикмат»ида муфассал баён этилган. XII аср туркийзабон шеърятининг ажойиб намунаси бўлган, кейинги даврлардаги туркий адабиёт ривожига катта таъсир кўрсатган «Ҳикмат» асарида «Яссавия» таълимотидаги поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, ўз қўл кучи, пешона тери ва ҳалол меҳнати билан кун кечириш, Аллоҳ таоло висолига етишиш йўлида Инсонни ботинан ва зоҳиран ҳар томонлама такомиллаштириш каби илғор умуминсоний кадриятлар ифода этилган.
	Абду- ҳолик Ғиж- дуво- ний	(1103 - 1179) й.	«Одоб тарикат», «Рисолаи соҳибия», «Аз гуфтори Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний», «Рисолаи шайх уш-шуюх Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний».
	Наж- мид- дин Кубро	(1145 - 1221) й.	«Рисолатун одоб ул-зокирин», «Рисолат ул ҳоиф ул ҳоим ан лавмат иллоим», «Тафсир», «Шарҳ ус-сунна вас масолик», «Ал усул ал-ашара», «Фавойих ул жамол ва фатових ул жалол».
	Саъ- дий Шеро- зий	(1203 - 1291) й.	«Бўстон», «Гулистон» асарлари мадрасаларда асосий дарсликлар сифатида ўқитилиб келинган. Саъдий Шерозийнинг Эронда Муҳаммадали Фурруғий томонидан тартиб берилган куллиёти 18 қисмдан иборат: 1.Гулистон. 2.Бўстон. 3.Ғазалиёт. 4.Таржеёт. 5.Қитъаот. 6.Рубоиёт. 7.Мулҳақот. 8.Муфрадод. 9.Мавоиз. 10.Маро-сий. 11.Қасоиди арабий. 12.Ғазаллиёт. 13.Мусалласот. 14.Қитъаот. 15.Рубоиёт дар ахлоқу мавъиза. 16.Маснавиёт. 17.Муфрадот. 18.Расойили наср.
	Жало- лиддин Румий	(1207 - 1273) й.	«Маснавийи маънавий», «Девони Кабир», «Куллиёти Шамс Табризий», «Фиҳи мо фиҳи», «Мактубот», «Мажолиси сабъа».
	Баҳо- вуд- дин	(1318 -1389) й.	«Далойил ул ошиқин», «Арбоби урвон», «Аврод». Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд томонидан асосланган Нақшбандия таълимоти Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ

		Накш-банд		халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида жуда катта ўрин эгаллади. Бу таълимот бошқалар меҳнати билан кун кечиришни ёклайди. Текинхўрлик, ижтимоий зулм ва истибдодга қаршилик қилади. Фақат ўз қўл кучи, пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришга чақиради.
4	IV Давр	Амир Темур	(1336 -1405) й.	«Темур тузуклари», «Темурнома». Бу манбаларда соҳибқирон Амир Темур ёрқин хислатларга эга эканлиги, хотираси ўткир, шижоатли ва қатъиятли, бир сўзли, зўр, руҳий кудрат эгаси, салобатли инсон сифатида таърифланади. Шунингдек, илм фан, маънавият аҳлига эътибор, меҳр кўрсатиб, улардан жамият маданий ҳаётини ривожлантиришда фойдаланишга интилан.
		Мирзо Улуғбек	1394-1449) й.	Мирзо Улуғбек каламига мансублиги маълум бўлган илмий асарлар сони жиҳатидан кўп эмас. Булар: «Тарихи арбаъ улус», «Зиҳ», «Рисолаи Улуғбек», «Зиҳи Улуғбек», «Зиҳи жадиди Қўрагоний» ва унинг математик асари «Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола» асарларидир.
		Абдурахмон Жомий	(1414 - 1492) й.	«Баҳористон», «Хиранномаи Искандари», «Тухфатул афкор», «Нафоат ул унс», Ҳафт авранг, «Рисолаи аруз», «Рисолаи муаммои кабир», «Рисолаи муаммои сағир», «Шарҳи байти Маснавий», «Шарҳи байти Хусрав», «Шарҳи Руббиёт», «Рисолаи қофия».
		Алишер Навоий	(1441 - 1501) й.	«Ҳазойин-ул маоний», «Маҳбуб-ул қулуб», «Бадойи ул-бидоя», «Хамса», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий», «Наводир ун-нихоя», «Мажолус ун-нафоис», «Насоим ул-муҳаббат», «Мезон ул-авзон», «Чор девон», «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадойеъ ул-васат», «Фавоид ул-кибар», «Лисон ут-тайр», «Муҳокамат ул-луғатайн» ва ҳ.к.
		Заҳриддин	(1483 - 1530) й.	«Мубаййин», «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши», «Бобурнома», «Мухтасар». Бобур ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан тарихнавис адиб, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимига ўз ҳиссасини қўшган олим сифатида

		Му-хам-мад Бобур		халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.
5	V Давр	Ога-хий	(1809 - 1874) й.	«Баёзи мутафаррикаи форсий», «Риёз уд-давла», «Жомеъ ул-воқеоти Султоний», «Зубдат ут-таворих», «Гулшани давлат», «Шаҳиди иқбол», «Қасидаи насиҳат».
		Ах-мад До-ниш	(1827-1897) й.	«Наводир ул-вақое», «Рисолат дар илми курра», «Изтиғрожи бул ва арзи балат», «Рисолаи мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони манғития», «Рисола».
		Абдул-ла Авло-ний	(1878-1934) й.	«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» I, II, III, IV жузлар, «Мактаб гулистони» асарлари, «Адвокатлик осонми», «Пинак» комедиялари, «Биз ва Сиз», «Абдулла Авлоний» танланган асарлар 2жилдлик. (Пандлар, ибратлар, ҳикоятлар, набийлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари).
		Аваз Ўтар	(1884 1919) й.	«Саодат ул-иқбол» девони, «Ойна», «Вақт», «Мулло Насриддин», «Хуррият», «Сипо-хийларга», «Халқ», «Топар экан қачон», «Фидойи халқим», «Улламоларга», «Тил» асарлари.
6	VI Давр			«Баркамол авлод орзуси», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». «Биздан озод ва обод ватан қолсин», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». Юксак маънавият – енгилмас куч». Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида». «Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш», «Баркамол авлод – келажак пойде-вори», «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда», «Оилада фарзанд тарбияси», «Фарзанд меҳр ила улғаяр».

Шарқ мутафаккирларининг барчасини гоёвий жихатдан бирлаштирган асос шу бўлганки, улар шахс тарбияси ва камолотида оилани, оилавий тарбияни юқори қўйишган, айниқса, шахснинг ақлий ва ахлоқий камолотида тарбиянинг ўрнига, ота-она ва яқин кишиларнинг йўналтирувчи ва тарбияловчи вазифаларига алоҳида эътибор беришган. Улар

фақат оилавий тарбиядагина ривожланиши мумкин бўлган сифатлар: ҳалоллик, поклик, мардлик, сўзамоллик, меҳрибонлик, ҳақгўйлик каби қатор фазилатларни барча сифатлардан юқори қўйишлари билан бирга, кишидаги инсоний муносабатларда намоён бўладиган юксак фазилатлар, аввало, ота-онадан болага ўтиши ва уларнинг жамият тараққиётига ижобий таъсир этиши каби қимматли фикрларини, бу борадаги амалий кўрсатмаларини ўз фалсафий – этик, социологик ва психологик қарашларида ифодалаб берганлар.

Инклюзив таълим-тарбияга таъсир этувчи кўрсаткичлар

Республикамизда ўн саккиз мингга яқин имконияти чекланган ўқувчи ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, ўн мингтаси уй шароитида таълим олаётган бўлса, ўттиз мингга яқини умумтаълим мактабларига қатнайди. Демак, инклюзив таълимга зарурат бор. Жумладан, Хива шаҳридаги 9-мактабда таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун инклюзив синфлар мавжуд. Яна Андижон вилояти Избоскан туманидаги 12-мактабда эса имконияти чекланган болалар соғлом тенгдошлари билан битта синфда ўқиш имкониятига эга. Бундай ўқувчиларга ҳамма қатори таълим олиб, дарсларни ўзлаштириши учун махсус портатив компьютерлар берилган. Мазкур компьютер техникасидан Тошкент, Андижон ва Қарши шаҳарларидаги кўзи ожиз болалар мактаб-интернати ўқувчилари ҳам фойдаланишмоқда.¹

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 88 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар мавжуд бўлиб, улар 8 турга бўлинади: кар (эшитмайдиган) болалар; заиф эшитувчи болалар; тайянч аппаратида нуқсони (сколиоз) бўлган болалар; психик ривожланиши суст; ақли заиф болалар, кўзи ожиз болалар; нутқида оғир нуқсони бор болалар. Бу турдаги ихтисослаштирилган таълим муассасалари нафақат таълим-тарбия бериш, балки коррекциялаш, даволаш-соғломлаштириш ва ҳатто ўқувчиларни умумтаълим муассасаларида инклюзив

¹ . www.turkiston.uz . – «Turkiston» gazetasi, 2012-yil, 7-yanvar, 1-son.

таълим шароитида тайёрлаш функцияларини бажаришга мукамал татбиқ этилмаган. Ёрдамга мухтож ногирон ёшларнинг атрофидаги тарбиявий муҳит ҳамма вақт ҳам яхши, мўътадил бўлиши билан бир вақтда, бола онгига жамоада қўлга киритилган муваффақият ҳам, мағлубият ҳам гуруҳнинг ҳар бир аъзосига боғлиқ эканлиги ҳақидаги ғоя сингдириб борилади. Бу эса болада жамоа ишида ўз ўрнини аниқ билиш ва шунга яраша масъулиятни ҳис қилиш, жамоа муаммоларини ўз шахсий муаммолари сифатида қабул қилиш туйғусини шакллантиради. Мактаб ўқувчилари онгига «фақат тиришқоқлик, ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилсанггина муваффақиятга эришасан, ўз устингда тинимсиз ишласанг, ҳеч кимдан кам бўлмайсан» қабилидаги ғоялар сингдириб борилади. Ана шундай ғоялар таъсирида улғайиб бораётган бола бутун имкониятини ишга солган ҳолда ўқишга, меҳнат қилишга интилиши эътиборда бўлиб, катталарнинг назаридан четда қолмаслиги керак.

Борлиқдаги ҳар қандай ҳодиса сингари инсон тарбияси ҳам жисмоний-психологик жиҳатдан оддий босқичдан юқори босқичга ўтиш асосида шаклланади. Инсоннинг руҳий ривожланишида ёш билан боғлиқ ўзгаришлар ҳам қонуний жараён сифатида юз беради. Бу эса инсоннинг ўз фаолиятини такомиллаштириш усуллари, шаклланиш динамикасини акс эттиради. Ана шу мақсад билан болалик даврида юз берадиган ўзгаришларни психология асосларига таянган ҳолда таҳлил қилишга тўғри келади. Руҳшуносликда шахсиятнинг ёшга кўра шаклланиши, биринчи навбатда, ижтимоий-тарихий шароитлар алоқадорлигида ва шу шароитлар ўзгариши билан ёшга кўра босқичлар ҳам бошқача бўлади. Масалан, инсонни меҳнат фаолиятига, ижтимоий ҳаётга тайёрлайдиган таълим-тарбия бериш тарихи бир хил бўлмаган. Боланинг фаолиятида, ўсмирлик даврида нима ўзгаради, нима сақланади? Шунини ўрганиб олиш биз учун жуда муҳимдир. Шу мақсадда болалик даврининг дастлабки психологик шарт-шароитини кўриб чиқиш лозим. Қайд этиб ўтиш керакки, ёшга кўра даврларнинг чегаралари ҳар хил ижтимоий- тарихий шароитларда турлича

белгиланади. Хусусан, бу тарбиянинг бошланғич босқичлари учун хосдир.

Руҳий шаклланиш даврида пайдо бўладиган силжишлар инсон ҳаётидаги кескин ўзгаришлар юз берган пайтларда намоён бўлади. Ушбу ўзгаришлар психология фанида «Кризисли» (мураккаб) атамаси воситасида юритилади. Шу даврда руҳий фаолиятнинг ҳар бир янги поғонаси ҳаётнинг аввалги шароитларига қаршилиқ кўрсатади. Шахснинг турмуш тарзи ҳамда янги имкониятлари ўзаро боғлиқ бўлган зиддиятлар бўлиб, янги руҳий поғонага ўтиш йўли билан бартараф этилади. Шу мураккаб ўсмирлик даврини Л.С.Виготский эскининг емирилиш жараёни сифатида таҳлил қилган эди. Олимнинг фикрича, юқорида қайд этилган кризисли пайтлар шахс ривожланишида ижобий ўзгаришлар учун асос бўлади. Пайдо бўлган зиддиятлар натижасида ушбу кризислар муқаррар ҳодиса сифатида таҳлил қилинади. Шу билан кризислар психик шаклланишига таъсир қилмаслиги ҳам мумкин. Кризислар эмас, балки юз берадиган бурилишлар, силжишлар муқаррардир. Кризислар умуман бўлмаслиги мумкин, чунки боланинг психологик шаклланиши тарбия билан бошқариладиган жараёндир. Болаларнинг психик шаклланиши ҳақидаги Л.С.Виготский ва П.И.Зинченко каби олимларнинг тадқиқотларига таянган ҳолда Д.Б.Елконин болаларнинг ривожланиши даври схемасини янада такомиллаштирди. У болалик даврининг учта асосий босқичи – гўдаклик, болалик ва ўспиринлик даврларини белгилайди. Бу босқичлар яна иккита ўзаро боғланган даврга ажратилади. Биринчи босқичда фаолият эҳтиёжларининг шаклланиши жараёни намоён бўлади. Иккинчиси эса интеллектуал ақлий фаолиятни акс эттиради. Иккинчи босқич – бу болалик даври бўлиб, ўз навбатида, яна икки даврга бўлинади. Айнан шу вақтда кескин бурилишлар рўёбга чиқади. Болалик даврининг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш жараёни психология ва педагогика фанларида ҳали айнан аниқ ёритилган эмас. Д.Б.Элконин томонидан тавсия этилган тамойиллардан болалар боғчалари ва бошланғич мактабда таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш мумкин.

Бундай ёндашиш боланинг психик шаклланишида юзага келадиган зиддиятларни бартараф этишга имкон беради. Бунда болаларга мактабгача таълим-тарбия беришнинг ижобий томонлари инобатга олинган. Болаларга мактабгача саводхонлик ва санаш қоидаларига ўргатиш тажрибаси натижаларига кўра, Америка мактаблари қуйидаги хулосага келишади: 7-8 ёшли болаларга қараганда 5-6 ёшли болаларга илк таълим бериш жараёни осон кечар экан. Бундан ташқари, москвалик олимларнинг фикрича, 9 ёшли болаларни ўқитиш жуда кўп қийинчиликларни туғдиради. Бунинг сабаби шундаки, 7 ёшдан 9 ёшгача бўлган боланинг маълум функциялари ўз фаолиятини тугатади. Шунинг учун мактабдан олдинги ёшда бўлган болалар муаммоси пайдо бўлади. Долзарб шаклланишининг асосий кўрсаткичларидан бири, бу боланинг билим ва кўникмалари тизимидир. Шу тизим таянчида бола мустақил равишда ўзининг олдида турган турли хил вазифаларни ўзи бажаради. Боланинг кейинги даври яқин шаклланиш соҳасидир. Ушбу соҳанинг кўрсаткичлари: билим ва кўникмалар катталар ёрдамида ҳосил бўлади. Бироқ махсус ташкил этилган шароитларда педагогик мақсад таъсирида боланинг ички потенциали тезроқ (интенсив ҳолда) ривожланади. Бундан хулоса шуки, боланинг долзарб ва яқин шаклланиш соҳалари таълим-тарбия жараёнларининг асосий занжирларидан биридир. Демак, таълим жараёни долзарб соҳадан олдин келса, боланинг яқин соҳадаги ички потенциали қисқа муддат ичида шаклланади. Фақат шундагина у таълим жараёнида яқин соҳада бўлган шаклланиш жараёнларини рўёбга чиқариши мумкин. Болаликни даврларга ажратиш ақлий фаолият ҳақидаги бугунги далиллар, мактабдан олдин ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларга одоб-ахлоқ, тарбия бериш жараёнини ўрганиш учун хизмат қиладиган асосдир. Психологларнинг далилларига кўра, мактабдан олдин ва бошланғич мактаб ёшидаги болалар эшитиш, тушунтириш, қоидаларни ёдлаш каби жараёнларда тез чарчайдилар. Фаол ижодий ҳаракатлари эса толиқиш даражаси анча пасайган ҳолатда бўлади. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшлилар-

нинг ўзаро фарқли томонлари шундан иборатки, фаолият ўйин деган жараёнда намоён бўлади. Уларда психик ўзгаришлар, ижодий фаолият турлича шаклланади. Улар ўйин ҳамда амалий машғулотлар натижасида ҳосил бўлган ўз ҳаракатларини бошқаришни катталардан олинган маълумотларни ўрганиш қобилияти орқали ўзлаштирадилар. Чунки бу даврда болалар берилган маълум билим ва кўникмаларни бемалол ўзлаштира олади. Бола фаолиятида таълим жараёни етакчи жараёнлардан бири сифатида намоён бўлади. Мактабгача ёшдаги болаларга бевосита рақсга тушиш, шеър ўқиш жуда ёқади. Натижада ўқишга, ахлоқий фаолиятга ва унинг оқибатига нисбатан эҳтиёж ҳосил бўлади. Уларда ижодий фаолият муҳити шаклланади. Эҳтиёжлар ўсиб бориши билан одоб-ахлоқ жиҳатидан ўзига баҳо бериш натижаларини яхшилаш истаги даражаси ҳам ўсиб боради. Аммо бунини амалга ошириш учун болада керак бўлган тажриба ҳамда кўникмалар етарли даражада бўлмайди. Ана шу қарама-қаршиликлардан келиб чиққан ҳолда болаликнинг иккинчи даврига – кичик мактаб ёшига ўтилади. Юқорида қайд этилган болалик хусусиятлари ҳақидаги назарий қарашлар ушбу икки босқичнинг ахлоқий узвийлигини, болалар фаолиятининг ҳар хил турларини аниқлашда дастлабки қоидалар сифатида эътироф этилганлигини айтиш мумкин.

IV. ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК МЕТОДЛАРИ

Узлуксиз таълим тизимида инклюзив таълимнинг педагогик- психологик босқичлари

Кўпгина мамлакатларда ногирон болалар таъминоти ва улар учун стратегияларни ривожлантиришда 4 та босқич ёки йўналишни кўриш мумкин (4.1-расм).

1. Ажратиш босқичи.
2. Улар билан шуғулланиш босқичи.

3.Реабилитация босқичи.

4.Интеграция босқичи.

1. Ажратиш босқичи. Ногирон одамларнинг ҳаёти, асосан, яккалаб қўйишлар билан боғлиқ. Кўплаб жамиятларда ногирон одамларга қўрқув ва паст назар билан қараб, улардан воз кечиб келинмоқда. Ногирон одамлар ҳаддан ташқари оғир камбағалликдан қийналишади. Агар уларга бирор иш берилса, бу иш энг ёмон ишлардан бири бўлади. Уларнинг қалбида шайтон ўрнашиб олган ёки улар ёвузлик ва жодугарлик қурбонлари, деб қабул қилинганлиги сабабли, баъзи ҳолларда атайлаб уларни ўлдиришади. Ривожланишнинг бу босқичида ногирон одамларга аҳамият бермаслик, уларни қабул қилмаслик, азоблаш ва улардан фойдаланиш оқибатида уларни жамиятнинг чиқиндилари дейишган.

2. Шуғулланиш босқичи. Ногирон одамларга диний ва инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёрдам берилади ва улар ҳақида қайғурилади. Кўп ҳолларда бундай муносабатлар ноодатий уюшмалар томонидан амалга оширилади. Ногирон одамлар, асосан, ёрдам бериш объектидир. Улар ўзларига кўрсатилаётган ёрдамларнинг сифатини баҳолай олишмайди. Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда бу каби ишлар таълим тизимида ногирон болалар учун Махсус таълимнинг пайдо бўлиши билан амалга оширилади. Жамоавий моделнинг умумий қисми сифатида махсус таълим кўнгилли, асосан, миссионерлар (Христиан динини тарғиб қилувчилар), уюшмалар томонидан амалга оширилади. Улар ҳукумат номи билан иш кўришади. Лекин улар фаолиятига ҳукумат аралашмайди. Улар ўз-ўзини бошқарувчи бир қанча махсус муассасаларни ташкил этишган. Бундай муассасаларга жалб қилинган болалар яхши таълим-тарбия олишади, лекин ота-оналари ва қариндош-уруғлари билан кам алоқада бўлишади. Шу сабабли, уларнинг кўпчилиги иккинчи ногиронликни орттириб олишади. Бу уларнинг сеграция (ажралган ҳолда бўлиш) даражасини янада ёмонлаштиради. Болаларнинг баъзилари бутун умрларини ушбу мактабларда ўтказишади.



4.1- расм. Инклюзив таълимни ривожлантиришнинг 4 асосий босқичлари.

3. Реабилитация босқичи. Бу босқичда инсонларнинг ногиронлиги туфайли бажара олмайдиган фаолиятларни бажариш қобилиятлари ва уларнинг имкониятлари даражасини кенгайтириш ҳақида фикр юритилади. Шу сабабли, бу босқичда ногирон одамлар учун нафақат таълим-тарбия, балки уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятларини оширувчи тренинглар ҳам олиб борилади. Улар объект эмас, балки субъект вазифасини ўтайдилар. Натижада уларнинг нима қила олмаслиги эмас, балки улар нималар қилишга қодир эканлиги диққат марказида туради. Лекин бундай реабилитация уюшмалар доирасида ва асосан, беғараз ёрдамлар асосида амалга оширилади. Бу билан бир вақтда мажбурий таълимни жорий этиш орқали оддий мактабларда махсус синфлар очилмоқда. Бундай фикр ҳамма ҳолатларда ҳам ногиронларга бўлган ачинишдан келиб чиқавермайди. Балки бундай болаларнинг синфда мавжудлиги бунга асосий сабабдир. Бу босқичда саралаш куроли сифатида аклий тестлар жуда муҳим роль ўйнайди. Мактабларда эса, асосан, болаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун белгиланган қатъий

имтиҳонлар тизимига асосланган ҳолда қайта танланади. «Бу каби ажратишлар тез-тез учраб туради ва таълим муассасаларида таълим олишни хоҳлаган болаларнинг учдан бир қисмини ёки ҳатто ярмини ушбу жойдан чиқариб юборишга хизмат қилади.

4. Интеграция (аралашув, қўшилув) босқичи. Жамият ривожининг ногирон одамларга бутунлай мослашаётганлиги ушбу янги пайдо бўлган босқичнинг далилидир. Ногиронлик шахсни ўраб турган атроф-муҳит ўртасидаги алоқанинг натижаси сифатида кўрилади. Жамият ўзининг ҳар бир аъзосига мослашишга ҳаракат қилади. Бу шуни билдирадики, биз барча кучимизни одамларни жамиятга эмас, балки жамиятни одамларга мослаштиришга сарфлашимиз керак. Ногирон одамларни реабилитация қилиш тўлиқ қатнашиш ва тенглик мақсадига эришиш учун етарли эмас. Жамиятнинг бошқа аъзоларига мавжуд имкониятларни ногиронлардан тортиб олиш ҳам уларни ногирон қилишдир. Ривожланиш, асосан, ўз ҳаётларини бошқаришнинг уддасидан чиқа оладиган одамларга боғлиқ ҳақиқатдир. Беғараз ёрдам эса бошқалар ёрдамига муҳтож бўлиб қолган одамлар ҳақидадир.

Ногирон болаларни ҳаётга тайёрлаш жараёнида уларнинг ногиронлик хусусиятларини инобатга олмаслик мумкин эмаслиги ҳаммамизга маълум. Шундай экан, интеграцион таълим-тарбия, асосан, биринчи ва иккинчи ногиронлик белгилари бор болалар орасида яхши натижа беришини унутмаслик керак. Ногиронлик бола руҳига қанчалик ўрнашган ёки ногирон бола ўз ҳолатига қанчалик кўниккан бўлмасин, боланинг алоҳида ўтиш давлари бўладики, у ўз ногиронлигидан айни шу даврларда чуқур руҳий изтироб чекади. Ногиронларнинг бундай руҳий қийналиш даври 3-4 ёшларда биринчи бор ҳаяжонли ҳис қилиш билан чекланади.

Бола бу даврда ўзининг бошқалардан «мана шу» томони билан фарқ қилишини англаб етади-ю, ёшлик, тажрибасизлик қилиб қаттиқ азият чекмайди.




4.2- расм. Махсус мактаблардаги таълим тизими.

Иккинчи бир руҳий азоб анча чуқурлашиб, ўспиринликка ўтиш пайти намоён бўлади. Бу даврда ногирон бола ўз ногиронлигини қисман бўлса ҳам енгилроқ тушунади, аммо ҳали олдиндаги ҳаётни бутун ранго-ранглигида тасаввур қилолмайди. Ногиронликни энг оғир ҳис қиладиган давр бола учун балоғат ёшига ўтиш пайтига тўғри келади. Руҳшуносларнинг таҳлилларига қараганда, ҳатто соғлом ёшлар бу пайтда, одатда, ўз жисмларида турли хилдаги камчиликларни, ҳатто йўқ камчиликларни «`ихтиро»` қилишгача бориб етишади. Айни шу ҳолда бола жисмида ногиронлик бор экан, бу ҳолат болани анча катта-кичик кечинмаларга олиб келади. Шундай экан, ногирон ёшларнинг атрофидаги тарбиявий муҳит ҳамма вақт ҳам яхши, мўътадил бўлиши билан бир вақтда, айниқса, ўтиш даврида алоҳида эътиборда бўлиб, катталарнинг назаридан четда қолмаслиги керак. Ногирон болалар тарбиясига алоҳида эътибор бериладиган ҳолатни яна бир томон шундаки, бу она табиатнинг сахийлиги билан боғлиқ бўлган ҳол, яъни бундай болаларда бирон камчилик иккинчи

бир фазилатнинг, хусусиятнинг кучлироқ намоён бўлишидир. Кўзи заифларда эшитишнинг кучли бўлиши, бирон-бир жисмоний камчилиги бор шахсларда тиришқоқликнинг кучли бўлиши ва бошқалар (4.2-расм). Демак, айти шу ҳолат ногирон болаларни тарбия қилишда кўздан қочирилмаса, улардаги жисмоний ва руҳий камчилик ўз ўрнида бошқа томон билан тўлдирилади. Айти шу ҳол уларнинг тарбиясида кенгрок қўлланилса, тарбияда яхши натижаларга эришилади. Ногирон болаларнинг қайси меҳнатга қобилиятлари кучли бўлса, ўша фаолият билан кенгрок шуғулланишига шароит яратиш уларнинг таълим-тарбиясида асосий ўрин тутмоғи керак.

Учинчи гуруҳдаги ногирон болаларнинг тарбия жараёни анча қийин кечади. Ваҳоланки, уларнинг хатти-ҳаракатига адекват, мутаносиб тарбиявий тадбир топиб қўллаш мутахассис бўлмаган тарбиячиларга тарбия жараёнини жиддий машаққатга айлантириб қўйиши мумкин. Масалан, ақлий хусусиятида жижғанаклик, чайирлик, хархаша, бир сўз билан айтганда, асабий нуқсонли ногиронга бирор ахлоқ ёки одоб нормаларини сингдириш у ёқда турсин, унга ушбу нормаларни эслатиш, айтишнинг ўзи жиддий жанжалга, хархашага олиб келиши мумкин. Одатда, бундай хусусиятли болалар ўз қувватидаги хавфсизлик нуқсонини билмаган ҳолда одамларнинг назарида, гуруҳнинг диққат марказида бўлишни яхши кўради. Демак, уларнинг хатти-ҳаракатида чапанилик, мақтанчоқлик, воқеа ва нарсаларни силлиқлаштириш, бўрттиришга мойиллик кучли бўлади. Айти шу ҳаракатлари билан улар ўз шахсларини биринчи ўринга кўтариб кўрсатишга доим уриниб юришади. Ақлий жиҳатдан бошқалардан устун бўлмаслигига қарамасдан, тенгдошлари устидан ҳукмронлик қилиш, уларга буйруқ беришни ёқтиради. Натижада улар орасида кўпгина жанжаллар, норозиликлар хулқ, ахлоқ ва характерларининг номутаносиб-лигидан келиб чиқади. Айти шу ҳолларни инобатга олган ҳолда бундай ногирон болалар тарбияси соғлом болаларга нисбатан интеграцион йўналишда эмас, дифференциаллашган ҳолда, яъни учинчи гуруҳ ногиронлар ва соғлом болалар тарбияси жиддий фарқ қилмоғи керак. Ҳозирги вақтда инклюзив

таълим-тарбияда ижтимоий-психологик жиҳатлар ногиронликнинг турларига боғлиқ ҳолда бўлади. Ногиронлик даражаларининг ёки гуруҳларининг ортиб бориши тарбиянинг психологик хусусиятларини яхшилайти (4.3- расм).



4.3-расм. Инклюзив таълимнинг ногиронлик турларига боғлиқлиги.

Демак, бу жойда биз кўрсатиб ўтган ногиронликнинг ўзини тарбияда уч гуруҳга ажратиш ва 1-2 гуруҳ ногиронларини иложи борида соғлом болалар билан яқинлаштириб, тарбия жараёнини уюштириш жамиятни соғломлаштиради, деган хулосага олиб келади. Бу ўринда ҳозирги тарбия жараёни

айни шу йўналишда бораётганини кўрамиз. Маълумки, бола онгига алоқадор ногиронлик мавжудлиги таълим борасида соғлом болалар билан бир хил қобилиятга эга бўлишга йўл қўймайди. Бундай ҳол соғлом болаларнинг таълимида ногиронлардан ўзиб кетиши ва ногирон боланинг бутун синфни орқага тортишига олиб келиши аниқ. Шунинг учун ҳам аъзоларида нуқсони бир-бировига ўхшаш ва яқин бўлган болаларнинг алоҳида синфларини ташкил қилиб ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳаётда инсоннинг табиат томонидан яратилиши мўъжизадир, жамият томонидан унинг қалбига йўл топилиши ва айниқса, нуқсони бор болаларнинг жамиятдан четда қолмаслиги муҳим эътиборга лойиқ. Ва айниқса, жамият ўз орасидан ҳеч бир ногиронни сиқиб чиқармаслиги керак. Уларнинг тарбиясини тўғри ташкил қилиш ва айнан шуларга бўлган муомалага қараб ҳар қандай жамиятнинг соғломлигини баҳоласа бўлади.

Инклюзив таълим самарадорлигини оширишнинг усуллари

Бола дунёга келар экан, унинг ривожланиши, психологик ҳолатини шаклланиши тафаккури, онги, руҳий ҳолатларини ўсиши, уни ўраб турган оламни ташкил қилган борлиққа мослашишига олиб келади. Унинг қандай ўсиши, ички руҳий ҳолатининг ўзгариши, жисмонан яхши шаклланиши ёки табиатан туғма аъзоларида камчиликлари ва нуқсонлари билан туғилишига боғлиқ бўлади. Дастлаб болани таълим -тарбияси, унинг ҳаётга тарбиялаш, ота-онаси томонидан фаол амалга оширилади. Агар болани бирор тана аъзоларида нуқсони билан туғилса ёки яшаш давомида бирон ходиса туфайли бирор аъзоси ишламай ногирон бўлиб қолса, бундай ёрдамга муҳтож болаларни махсус таълим-тарбия бериш методлари асосида амалга оширилади.

Тана аъзоларида нуқсони бор болаларни оилада мактаб-гача таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларда, ўрта-

махсус, касб-ҳунар коллежларида, олий таълим ва ундан кейинги таълимда махсус дастурлар, таълим- тарбия шакллари, материаллари махсус хизматлар ва фаолият турлари асосида амалга оширилади. Инклюзив таълимнинг махсус методика асосида ташкил қилинса, уни самарадорлиги юқори даражада бўлади. Ушбу таълим турида сўровномалар ўтказилади, тест саволлари тузилади, уларнинг натижалари таҳлил қилинади ва тавсиялар тайёрланади.

Таълим-тарбия беришнинг коррекция усулларида фойдаланилади, болаларни руҳий ҳолат, кечинмалари таҳлил қилинади. Уларни шаклланишига инсон типлари ва ҳолатлари баҳоланади. Масалан: ўқувчи диққати кўламини аниқлаш усули (1-илова), ўқувчининг фаолият йўналишлари ва касбий қизиқишларини ўрганиш бўйича ўтказилган анкета саволлари (2-илова). Шахс характеристик хусусиятларининг экспресс диагностикаси (3 -илова) Айзенка тести. Характери намоён бўлиши ёки коррекция усуллари ёрдамида шахсни 32 типини (4- илова) аниқлаш мумкин.

Шахсни ёки болани қандай типдаги инсон бўлиб шаклланишини билиш мақсадида (3 -илова) тип №4 (Э:0-4 ;Н:20-24) шу типли шахсни характерининг намоён бўлишини шарҳлаймиз. Ўзига ишонмаган, ҳушёр; нотинч (шахс) киши. Таянч излайди. Одамови, шу сабабдан атрофдагилар ва унинг ўз- ўзини қадрламайди. Гап кўтаролмайди. Адаптация жараёни қийин кечганлиги сабабли характери суст. Фаол турмуш тарзини ёқтирмайди. Четдан кузатувчан. Тез-тез характери ўзгаради вазиятни осон чалкаштириб юборади. Бундай типдаги кишиларга коррекция усулида қуйидаги изоҳни бериш лозим бўлади:

Бундай шахсларни қўллаб-қувватлаш керак. Устидан кулишларига йўл қўймаслик лозим. Унинг ижобий ихтирочи фаолиятига мойиллик хислатлари борлигини кўрсатиш. Фаол мулоқот ва қатъий ўрнатилган қонунларга риоя қилиш мажбурияти бўлмаган, шунингдек, субардинациянинг шиддатли қонунларига номувофиқ ишларни танлаш. Атрофдагиларга нисбатан қизиқишни уйғотиш. Секин ҳаракатчан, хайрихоҳ,

меҳрибон кишилар билан дўстлашишни ташкиллаштириш лозим бўлади.

Шунингдек, тип № 15 (Э:8-16;Н: 20-24) шу типли шахснинг характери намоён бўлишини изоҳлаймиз: Ҳамма вақт нимадандир норози, мижғов. Инжиқликка мойил, майдакаш талабчан. Заҳархандаликка мойил эмас. Арзимаган нарсаларга ҳам дарров хафа бўлади. Кўпинча қовоғи солиқ, асабийлашган. Ҳасадгўй. Иш масаласида ўзига ишонмайди. Муносабатларда бўйсунувчан. Қийинчиликлар олдида гангиб қолади. Гуруҳда четда туради. Кинахон. Дўстлари йўқ. Ўзидан кичкиналарга буйруқ беради. Овози паст ва секин. Бундай типдаги инсонларга коррекция усулида қуйидаги изоҳни бериш лозим бўлади: Бу типдаги инсонлар билан озгина бўлса ҳам, ўзаро муносабат ўрнатиш. Бу ишни унинг инжиқлигини инобатга олган ҳолда бажариш осон. Ишончли суҳбатларда унинг аҳволини, ишларини сўраш кифоя. Қандайдир умумий топшириқ сифатида, ўзаро муносабатларда таянч бўла оладиган, концеляр ишларни топшириш(унинг расмийчилиги ушбу аъло даражада бажариш имконини беради). Тенгдошлари билан муносабатини яхшилаш мақсадида, унинг тиришқоқлигини гуруҳдошлари олдида айтиб мақташ лозим. Бундай типдагилар ўзларига юқори эътиборни ва индивидуал муносабатларни талаб қиладилар.

Энди тип № 28 (Э:8- 12;Н; 16- 20) кўриб чиқсак: Бу типдаги шахслар меланхолик ҳисобланади. Иззатталаб, қайсар, жиддий. Баъзан ғамгин безовта кайфиятга берилади. Жуда кам сонли кишилар билан дўстлашади. Жиззаки эмас, аммо баъзан бадгумон бўлади. Принципиал масалаларига боғлиқ бўлган ишларни мустақил ҳал эта олади, лекин эмоционал ҳаётда яқинларининг маслаҳатига муҳтож. Бундай инсонларга ўзига бўлган баҳосини оширишга қаратилган вазифани бажариш, шунингдек, ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш лозим бўлади.

Ушбу методикалардан жамоада, гуруҳларда, синфларда ёки индивидуал ҳолатларда, ўқитувчи, ёш болалар, мураббий гуруҳ раҳбари, махсус тарбиячи ўқитувчиларни танишувида,

ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш жараёнида, спорт мусобақалари коррекцион мақсадида ўтказилган педагогик амалиётда фойдаланиш мумкин ва интеллектуал шахсни шакллантиришда юқори самарадорликка эришиш мумкин бўлади. Тренинглар ўтказиш ҳар хил ўйинлар ташкил қилиш орқали (5-илова) турмушда, ҳаётда хулқ-атвори аниқлаш ва ҳоказо 20га яқин фаолиятга хос бўлган ўйинлар ўтказиш билан ҳаётга тайёрлашда самарали ишлар амалга оширилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Тадқиқот давомида Республикада имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимнинг педагогик - психологик хусусиятларини илмий жиҳатдан асослаб берувчи зарурат мавжуд эканлиги аниқланди.

2. Инклюзив таълимда имкониятлари чекланган болаларни умумий таълимга жалб қилиш лозим бўлган муаммолар бўйича халқаро тажриба ва Ўзбекистон Республикасида бажариладиган ишлар ўрганилди.

3. Инклюзив таълимни ташкил этишнинг педагогик-психологик хусусиятларини, ўзига хос имкониятлари дастлаб ўрганилди, у билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, самарадорлик жиҳатларини асослаб бериш долзарб илмий муаммо эканлиги аниқланди.

4. Инклюзив таълим усули барча болаларнинг руҳий-жисмоний ҳолатидан қатъи назар таълим жараёнида тўлақонли иштирок этишини таъминлашга қулай имконият яратишлиги аниқланди.

5. Инклюзив таълим-тарбияга Шарқ мутафаккирларининг бола тарбияси ва унинг муаммолари ҳақидаги қарашлари муҳим педагогик -психологик манба эканлиги таҳлил қилинди ва уларнинг хусусиятлари очиб берилди.

6. Инклюзив таълимни ташкил этишда ногирон болаларнинг педагогик-психологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, дарс беришнинг методик таъминоти, жумладан, ўқув дастурлари такомиллаштирилади. Унга доир методик тавсияномалар, дарс ишланмалари, ўқув қўлланмалари яратилди.

7. Ривожланишида нуқсони бор ёшларнинг таълим- тарбия фаолияти учун инклюзив таълим тизими таъминоти, методлари яратилди.

8. Таълим узлуксизлиги учун, инклюзив таълимнинг хусусиятлари, босқичлари, омиллари аниқланди, педагогик-психологик тавсиялар ишлаб чиқилди ва самарали тизим яратилди.

9. Инклюзив таълимнинг самарали ривожланишини амалга ошириш бўйича илмий асосланган методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

10. Республикамизда узлуксиз таълим тизимида инклюзив таълим самарадорлигини оширишнинг усуллари ишлаб чиқилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни: «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». – Т.: «Шарқ», 1997.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». – Т.: «Шарқ», 1997.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

2.1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.

2.2. Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». – Т.: «Ўзбекистон», 1996.

2.3. Каримов И.А. «Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби». – Т.: «Ўзбекистон», 1997.

2.4. Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». – Т.: «Ўзбекистон», 1998.

2.5. Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». – Т.: «Маънавият», 2008.

2.6. Каримов И.А. «Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш». – Т.: «Ўзбекистон», 2009.

2.7. И.А.Каримов «Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин». – «Таффақкур». – Т.: – 1998. – 2-сон.

2.8. Каримов И.А. «Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз». 7- том. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – Б.381- 382.

III. Адабиётлар, монографиялар, диссертациялар

3.1. Андреев О.А. Тренируем свое внимание / Серия: «психологический практикум». – Ростов н/Д: «Феникс», 2004. – 232 стр.

3.2. Андреев О.А. Тренируем свою память / Серия «психологический практикум». – Ростов н/Д: «Феникс», 2004. – 224 стр.

3.3. Бернштейн Н.А. Физиология движений и активность. – М., 1990.

3.4. Василюк Ф. Е. Психология переживания. – М., 1984.

3.5. Вилюнас В. К. Психологические механизмы мотивации человека. – М., 1990.

3.6. Выготский С.Л. Собрание сочинений в 6-ти томах. – М., 1984.

3.7. Усманова Э.З. Ўқувчиларнинг мустақил тафаккурини қандай шакллантириш мумкин? – «Педагогика ва ёш психология» илмий-оммабоп серия. – 2000. – №1.

3.8. Гозиев Э.Г. Управление учебной деятельностью школьников. – Т., 2001.

3.9. Гозиев Э.Г. Ўқувчиларда умумлаштириш усулларини шакллантириш ва уларнинг ақлий тараққиёти. – Т., 2001.

3.10. Гозиев Э.Г. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш. – Т., 2002.

3.11. Гозиев Э.Г. Хотира психологияси. – ТошДУ, 1994.

3.12. Лурия А. Р. Нейропсихология памяти. (Нарушения памяти при локальных поражениях мозга). – М.: «Педагогика», 1998.

3.13. Ляудис В. Я. Память в процессе развития. – М., 1995.

3.14. Мартин Д. Психологические эксперименты. Секреты механизмов психики. – Спб.: прайм-ЕВРОЗНАК. – С.2004-480.

3.15. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ (инсон одобидан мумтоз намуналар). – Т.: «Ўқитувчи», 1992. – 160 б.

3.16. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: «Юлдузча», 1990. – 192 б.

3.17. Ильин Е. Психология индивидуальных различий. – М., 2003.

3.18. Клонингер С. Теория личности: познание человека. – СПб.: Питер., 2003. – 720 стр.

3.19. Алимходжаева С.Н., Хайдаров Ф.И. Психологик тренинглари ишланмаси. 1-қисм. – Т., 2008.

3.20. Баротов Ш.Р. Ўзбекистонда психологик хизмат ташкил этишнинг ижтимоий-психологик ва илмий-амалий асослари. Диссертация. – Т., 1997.

3.21. Введение в психологию. Под общей ред. А.В.Петровского. – М., 1997.

3.22. Петровский А.В. Развитие личности. Возрастная периодизация. Психология, развивающейся личности. Под ред. А.В.Петровского. – М.: Педагогика, 1987.

3.23. Психология. Учебник. Под редакцией А.А.Крылова. – М.: ПБОЮЛ МЛ.Захарова, 2001. – 584 с.

3.24. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – М., 1989.

3.25. Суннатова Р.И., Каримова В.М., Таджибаева Р.Н. Мустақил фикрлаш. – Т., 2000.

3.26. Суннатова Р.И. Структура мыслительной деятельности. – Т.: «Фан», 1996.

3.27. Тинберген Н. Поведение животных. – М., 1985.

3.28. Узнадзе Д. Н. Психологические мотивации поведения человека. – М., 1969.

3.29. Усманова Э.З. Ўқувчиларнинг мустақил тафаккурини қандай шакллантириш мумкин? – «Педагогика ва ёш психология» илмий-оммабоп серия. – 2000. – №1.

3.30. Усманова Э.З. Мотивационно-эмоциональная регуляция мышления в условиях интеллектуального конфликта. – Т.: «Ўқитувчи», 1993.

3.31. Сулаймон Доған. Бахтли оила – бахтли фарзанд. – Т.: «Юрист-медиа маркази» нашриёти, 2010.

3.32. Файзуллаев А.А. Мотивационная саморегуляция личности. – Т., 1987.

3.33. Фромм Э. Психология человеческой деструктивности. – М., 2000.

3.34. Хрестоматия по вниманию / Под ред. А.Н.Леонтьева, А.А.Пузырея, В.Я. Романова. – М.: Питер, 2004.

3.35. Хрестоматия по общей психологии. Психология памяти. Под. ред. Ю.Б.Гиппенрейтер, В.Я.Романова. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2001.

3.36. Юнг К.Г. Очерки по аналитической психологии. – Мн.: ООО «Харвест», 2003. – 528 с.

3.37. Юнг К.Г. Воспоминания, сноведения, размышления. – Мн.: ООО «Харвест», 2003. – 496 с.

3.38. Юнг К.Г. Психологические типы. – Мн.: ООО «Харвест», 2003. – 528 с.

3.39. Ярошевский М.Г. Психология в XX столетии. – М., 1990.

3.40. Давлетшин М.Г. Умумий психология. – Т., 2000.

3.41. Немов Р.С. Психология. Т.1. – М., 1998.

3.42. Гамезо А. Атлас по психологии. – М., 2001.

3.43. Каримова В. М. Психология. – Т.: «Шарк», 2002.

3.44. Ғозиев Э. Ғ. Умумий психология. – Т., 2002.

3.45. Петровский И.В. Умумий психология. – Т.: Ўқитувчи, 1992.

3.46. Баротов Ш., Олимов Л., Улуғова Ш. Экспериментал психология. – Т.: «Фан», 2008.

3.47. Баротов Ш., Улуғова Ш., Собирова Д. Психологиядан изохли луғат. – Т.: «Фан», 2008.

3.48. Ганзен В.А., Балин В.Д. Теория и методология психологического исследования: Практическое руководство. – СПб.: СПбГУ, 2000.

3.49. Готтсданкер Р. Основы психологического эксперимента. – М.: МГУ, 2001.

3.50. Дружинин В.Н. Экспериментальная психология. – СПб: Питер, 2002.

3.51. Забродин Ю.М. Психологический эксперимент: специфика, проблемы, перспективы развития, история становления и развития экспериментальной психологии в России. – М.: Наука, 2002.

- 3.52. С.Н.Алимходжаева, Хайдаров Ф.И. Психологик тренинглари ишланмаси 1-қисм. – Т., 2008.
- 3.53. Гальперин П.Я. Введение в психологию. – М., 1976.
- 3.54. Дормашев Ю. Б., Романов В. Я. Психология внимания. – М., 1995.
- 3.55. Ж.Годфруа. Что такое психология? Том 2. – М., 1999.
- 3.56. Зейгарник Б.В. Теории личности в зарубежной психологии. – М., 1990.
- 3.57. Зинченко Т. П. Память в экспериментальной и когнитивной психологии. – СПб, 2002.
- 3.58. Иванников В. А. Психологические механизмы волевой регуляции. – М., 1991
- 3.59. Изард К. Эмоции человека. – М., 2001
- 3.60. Ильин Е.П. Мотивация и мотивы. – СПб, 2000.
- 3.61. Ильин Е.П. Психология воли. – СПб, 2002.
- 3.62. Ильин Е.П. Психология индивидуальных различий. – М., 2003.
- 3.63. Клонингер С. Теория личности: познание человека. – СПб.: Питер, 2003. –720 с.
- 3.64. Асеев В. Г. Мотивация поведения и формирование личности. – М., 1976.
- 3.65. Аткинсон Р. Человеческая память и процесс обучения. – М., 1980.
- 3.66. Васильев И.А., Магомед-Эминов М.Ш. Мотивация и контроль за действием. – М., 1991.
- 3.67. Гальперин П.Я., Кабыльницкая С.Л. Экспериментальное формирование внимания. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1999.
- 3.68. Гибсон Дж. Экологический подход к зрительному восприятию. – М.: Прогресс, 1988. – 462 с.
- 3.69. Ғозиев Э.Ғ. Психология. – Т.: ЎзМУ, 2004.
- 3.70. Кон И.С. Ребенок и общество. – М., 1998.
- 3.71. Крылов А.А., Маничева С.А. Практикум по общей, экспериментальной и прикладной психологии. – СПб.: Питер, 2005. –550 с.

- 3.72. Леонтьев А. Н. Деятельность. Сознание. Личность. – М.: Изд-во полит. литературы, 2005. – 304 с.
- 3.73. Абрамова Г.С. Возрастная психология: Учебное пособие для студентов вузов. – М., 2000. – 621 с.
- 3.74. Крыско В.Г. Психология и педагогика. – М.: Харвест–АСТ, 2000.
- 3.75. Сапогова Е.Е. Психология развития человека. – М., 2001.
- 3.76. Зимняя И.А. Педагогическая психология: Учебник для вузов. – М., 2002. – 384 с.
- 3.77. Давлетшин М.Г. ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. – Т.: ТДПУ, 2004.
- 3.78. Реан А.А., Бордовская Н., Розум С. Психология и педагогика. – СПб.: Питер, 2007.
- 3.79. Нишонова З.Т., Алимова Г.Қ. Болалар психологияси ва ўқитиш методикаси. – Т., 2006.
- 3.80. Ғозиев Э. Онтогенез психологияси. – Т., 2010.
- 3.81. Детская практическая психология. Под ред. Т.Д. Марцинковской. – М., 2000. – 255 с.
- 3.82. Петерс В.А. Педагогическая психология (в вопросах и ответах). – М.: 2000.
- 3.83. Хрестоматия «Психология зрелости». – М.: Самара, 2003.
- 3.84. Ибрагимова Х.И. Педагогик психология. – Т., 2009.
- 3.85. Маслоу А. Мотивация и личность. – М., 1998.
- 3.86. Мерлин В.С. Лекции по психологии мотивов человека. – Пермь, 1971.
- 3.87. Обуховский К. Психология влечений человека. – М., 1971.
- 3.88. Олпорт Г. Личность: проблема науки или искусства? // Психология личности: тексту. – М., 1982.
- 3.89. Петровский А.В., Ярошевский М. Г. Основы теоретической психологии. – М., 1998.
- 3.90. Файзуллаев А.А. Мотивационная саморегуляция личности. – Т., 1987.

3.91. Фромм Э. Психология человеческой деструктивности. – М., 2000.

3.92. Суннатов Р.И., Каримова В.М., Таджибаева Р.Н. Мустақил фикрлаш. – Т., 2000.

IV. Қўлланмалар

4.1. UNESCO- UNISEF ҳамкорлигидаги дастур: Дастлабки уч йил: Болага эрта ёшдан таълим бериш ва у билан муносабатда бўлиш тўғрисидаги қўлланма.

4.2. UNESCO: Жамиятга ва махсус таълимга муҳтожларга қаратилган Дастур. – 1994.

4.3. UNESCO: Жисмонан ногирон одамлар томонидан тузилган. Муассаса биноларига осонликча кириш бўйича кўрсатмалар чизмаси асосидаги қўлланма. Муассаса бинолари ва жиҳозлари. – 1992.

4.4. Девид Байн: Ривожланаётган Мамлакатларда ногирон болалар: баҳолаш, дастур ва кўрсатмалар. – Канада: Альберт университетининг Педагогика факультети, 1991.

4.5. WHO(БЖССЕ): Жамиятдаги ногирон одамларни ўқитиш. Мактаб ўқитувчиларига қўлланма. – 1991.

4.6. Шарма ва Н.К.Жангира: Эшитиши шикастланганлар. Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш. – NCERT, New Delhi, 1987.

4.7. Мукхопадхияй, Н.К.Жангира, МНГ Мани, М.Райчоувхари. Кўриши шикастланганлар. Ўқитувчиларининг малакасини ошириш. – NCERT, New Delhi, 1987.

4.8. Bigge, J. Curriculum – based instruction for students in special education. – 1988.

4.9. Fish, J. What is Special Education? – London. Open University Press.

4.10. Mittler, P. International Trends in Special Education in Persons with intellectual disabilities, Paper at Rehabilitational World Congress. – Tokyo, 1988. Hegarty? 1990

4.11. The education of children and young people with Disabilities Parish. Principles for the review of practice. – Unesco, 1992.


V. Интернет маълумотлари қуйидаги сайтлардан олинди:

- 5.1. <http://textshare.tsx.org>
- 5.2. <http://www.mgimo.ru/filesserver/>
- 5.3. <http://www.ssu.runnet.ru/...>
- 5.4. http://www.philol.msu.ru/~rlc2001/ru/sch_14.htm
- 5.5. <http://www.voppsy.ru>
- 5.6. <http://flogiston.ru/arch>
- 5.7. <http://psychol.ras.ru>
- 5.8. <http://psyberia.ru>
- 5.9. [http://textshare.](http://textshare.tsx.org)
- 5.10. [tsx.orgwww.bilimdon.uz](http://www.bilimdon.uz)
- 5.11. www.de.uz
- 5.12. www.tatu.uz
- 5.13. www.pedagog.uz

И Л О В А Л А Р

ЎҚУВЧИ ДИҚҚАТИ КЎЛАМИНИ АНИҚЛАШ МЕТОДИКАСИ

Ушбу методика ёрдамида ўқувчининг диққат кўлами аниқланади. Бунинг учун 8 та бир хил жадвалда турлича ҳажмдаги нуқталар акс эттирилган тасвирлардан моддий кўргазма сифатида фойдаланилади. Ҳар бир жадваллардаги нуқталар сони уларнинг сонига мос тарзда кўпайиб боради. Тажрибадан олдин ўқувчига қуйидагича кўрсатма берилади: «Ҳозир сиз билан диққатнинг ҳажмини ўрганиш методикаси устида ишлаймиз. Сизга нуқталар чизилган карточкалар кетма-кет кўрсатилади. Ушбу нуқталарни бўш катакларга чизасиз». Сўнгра ўқувчига саккизта карточка 1-2 сония оралиғида кетма-кет кўрсатилади. Навбатдаги карточкани кўрсатишдан олдин, ўқувчига эсда сақлаб қолган нуқталарини қайта эсга тушириши ва бўш карточкага белгилаб қўйиши учун 15 сония вақт берилади. Натижаларни баҳолаш «Нуқталарни эсда сақлаб қол ва ўз ўрнига қўй» топшириғи учун стимул материали «Нуқталарни эсда сақлаб қол ва ўз ўрнига қўй» топшириғи матрицаси:



Ўқувчи диққатининг кўлами у тўғри акс эттирган нуқталарнинг ҳажми билан белгиланади. Бунинг учун энг кўп нуқтали, тўғри тўлдирилган карточка олинади:

10 балл – агар ўқувчи 6 ва ундан кўп нуқталарни тўғри акс эттирган бўлса. 8-9 балл – ўқувчи карточкадаги 4 дан 5 тагача нуқтани хатосиз акс эттирган бўлса. 6-7 балл – ўқувчи карточкадаги 3 дан 4 тагача нуқтани хотирасида тўғри тиклаган бўлса. 4-5 балл – ўқувчи карточкадаги 2 дан 3 тагача нуқтани тўғри эсга олиб қолганда. 0-3 балл – ўқувчи битта карточкада биттадан ортиқ нуқтани тўғри акс эттира олмаган бўлса. Ривожланганлик даражаси 10 балл – жуда юқори, 8-9 балл – юқори, 6-7 балл – ўртача.

4-5 баллар – паст, 0-3 баллар – жуда паст.

ЎҚУВЧИНИНГ ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА КАСБИЙ ҚИЗИҚИШЛАРИНИ ЎРГАНИШ АНКЕТА

Ф.И _____ ёш _____
Сана _____ 2014 й.

№	Саволлар	Жавоблар
1.	Сизга ёқадиган ўқув фанларини айтинг?	
2.	Сизга ёқмайдиган ўқув фанларини айтинг?	
3.	Синфнинг ёки мактабнинг қайси фаолиятига қатнашгансиз?	
4.	Сизга ёқадиган касбларни айтинг?	
5.	Сизга ёқмайдиган касбларни айтинг?	
6.	Қандай тўғараклар ва факультатив машғулотларга қатнайсиз ёки қатнашгансиз?	
7.	Бўш вақтингизда нима билан шуғулланишни ёқтирасиз?	
8.	Сиз кирмоқчи бўлган олий ўқув юртининг номини айтинг?	
9.	Танлаган касбингизнинг тўғрилигига бўлган ишончингизни 10 баллик шкалада баҳоланг. Берган баҳонгизга тўғри келадиган рақамни айланага олинг.	1234567 8910
10.	Айтингчи, шахсан сиз танлаган касбга бўлган ишончингизга, ким ёки нима халақит (тўсқинлик) бераяпти деб ўйлайсиз?	

11.	Қуйида келтирилган қайси фаолият ёки илм-фан турлари сизни кўпроқ қизиқтиради ? а) Табiiй фанлар (кимё, биология, тиббиёт, геология, қишлоқ хўжалиги). б) Аниқ фанлар (математика, физика) в) Ижтимоий фанлар (тарих, фалсафа, иқтисод, ҳуқуқ). г) Гуманитар фанлар (адабиёт, журналистика, тилшунослик, педагогика, психология) д) Санъат (мусиқавий, театрал, тасвирий) Ёки аниқ бир қизиқишингиз йўқми?	
12.	Касб танлашингизга ким ёки нима таъсир кўрсатганининг тагига чизинг?	Қариндош-уруғ, ота-она, дўстлар, ўқитувчи, интернет, кино, оммавий ахборот воситалари, санъат асари, шахсий ёки бошқалар

Шахс характеристик хусусиятларининг экспресс-диагностикаси

Ушбу методни ишлаб чиқиш асосида турли авторлик таснифларида умумпсихологик турларнинг ўхшаш тўпламлари такрорланиши далили ётади (Кэттел, Леонгард, Айзенк, Личко ва бошқалар).¹

Тавсия этилаётган методика Айзенка саволномасини ўз ичига олган бўлиб, унда нейротизм шкаласи ва интроверсия шкаласи натижаларининг ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, ҳар бир тип хусусиятларининг вербал таърифи келтирилган.

Ишнинг босқичлари:

1. Айзенка тестини ўтказиш.
2. Натижалар ҳисоби.

¹Реан А.А. Ўсмир психологияси, 89-бет.

3. Типларни жадвал бўйича жойлаштириш.
 4. Шкала бўйича 5дан юқори балларни йиғиш.
- Маълумотларни жамлаш.

Қўлланма (психолог учун): «Тавсия этилаётган саволларга синалаётган киши «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бериши керак».

Айзенка саволномаси:

1. Атрофингизда содир бўлаётган шовқин суронни ёқтирасизми?
2. Сизни қўллаши мумкин бўлган дўстларингизга тез-тез эҳтиёж сезасизми?
3. Сиздан ниманидир сўрашганда, дарров жавоб бера оласизми?
4. Жаҳлингиз тез чиқиб турадими?
5. Кайфиятингиз тез ўзгариб турадими?
6. Дўстлар даврасидан кўра китоб ўқишни афзал кўрасизми?
7. Тез-тез турли хаёллар таъсиридан ухлай олмайсизми?
8. Ҳар доим сизга буюрилган ишни айтилганидай бажарасизми?
9. Кимгадир ҳазил қилишни ёқтирасизми?
10. Бирон марта ўзингизни, бунга асос бўлмаса ҳам, бахтсиз сезганмисиз?
11. Ўзингизни қувноқ ва ҳаракатчан деб ҳисоблайсизми?
12. Олийгоҳдаги тартиб-қоидаани бирон марта бузганмисиз?
13. Нимадандир хафа бўлиб юрасизми?
14. Ҳамма ишни шиддат билан бажаришни ёқтирасизми? (Агар аксинча бўлса, сиз секин ишлашни ёқтирсангиз «йўқ» деб жавоб беринг).
15. Содир бўлиши мумкин бўлган, аммо яхшилик билан тугаган кўнгилсиз воқеа-ҳодисалар сизни хавотирга соладими?
16. Сизга ҳар қандай сирни ишониб бўладими?
17. Ортиқча ҳаракатларсиз тенгдошларингиз орасидаги зерикарли вазиятга қувноқлик кирита оласизми?
18. Ҳеч қандай сабабларсиз (жисмоний зўриқиш) юрагингиз тез уриб турадими?

19. Ким биландир танишиш учун биринчи қадамни сиз қўясизми?

20. Сиз бирон марта нотўғри гапирганмисиз?

21. Сиз ва сизнинг ишингиздан норози бўлишганда тез хафа бўласизми?

22. Тез-тез ўз дўстларингизга ҳазил қилиб, ҳангомалар айтиб турасизми?

23. Тез-тез ўзингизни ҳорғин ҳис қиласизми?

24. Ҳамма вақт ҳам энг аввал дарсингизни, кейин эса бошқа ишларни қиласизми?

25. Сиз одатда қувноқ ва ҳамма нарсадан кўнглингиз тўлиб юрадими?

26. Жиззакимисиз?

27. Бошқалар билан мулоқотга киришишни ёқтирасизми?

28. Яқинларингиз буюрган хўжалик юмушларини ҳамма вақт бажарасизми?

29. Сизда бош айланиши бўлиб турадими?

30. Сизнинг ҳаракат ва қилмишларингиз бошқаларни ноқулай вазиятларга солган вақтлари бўлганми?

31. Сизда нимадир жонингизга теккан вақт бўлганми?

32. Баъзан мақтанишни ёқтирасизми?

33. Бегона кишилар орасига тушиб қолганда, жим ўтирасизми?

34. Баъзан ўз ўрнингизни топа олмаганингиздан хавотирга тушасизми?

35. Одатда қарорларни тез қабул қиласизми?

36. Ҳатто ўқитувчи бўлмаганда ҳам синфда шовқин солмасдан жим ўтирасизми?

37. Тез-тез кўрқинчли тушлар кўриб турасизми?

38. Ҳиссиётларингизга эрк бериб, дўстларингиз давра-сида хурсандчилик қила оласизми?

39. Сизни хафа қилиш осонми?

40. Кимдир ҳақида ёмон гап айтган вақтингиз бўлганми?

41. Сиз қарор қабул қилгач, уни муҳокама қилмасдан туриб бажаришга киришасизми?

42. Аҳмоқона вазиятга тушиб қолганингизни узоқ вақт ҳазм қилолмайсизми?

43. Шовқинли ва қувноқ ўйинларни жуда ёқтирасизми?

44. Сизга қандай овқатни таклиф қилишса, еб кетаверасизми?

45. Сиздан ниманидир сўрашса, «йўқ» дея олмайсизми?

46. Меҳмондорчиликка тез-тез бориб туришни ёқтирасизми?

47. Сизнинг яшашингиз келмаган лаҳзалар бўлиб турадими?

48. Ота-онангизга қўполлик қилган вақтингиз бўлганми?

49. Дўстларингиз сизни қувноқ ва жонли деб ҳисоблашадими?

50. Дарс қилаётиб чалғийсизми?

51. Жамоавий хурсандчиликларда фаол қатнашиш ўрнига четда туриб кузатасизми?

52. Турли фикрлар таъсиридан ухлай олмайсизми?

53. Бажаришингиз лозим бўлган ишни уддалай олишингизга бутунлай ишонган вақтларингиз бўлганми?

54. Ўзингизни ёлғиз ҳис қилган вақтларингиз бўлганми?

55. Янги кишилар билан мулоқотда бўлганда биринчи бўлиб гаплашишга уяласизми?

56. Кеч бўлса ҳам хатоингизни ўз вақтида пайқаб, уни тузатишга киришасизми?

57. Гуруҳдошларингиздан бири сизга бақирса, сиз ҳам унга жавобан бақирасизми?

58. Ҳеч қандай сабабларсиз ўзингизни қувноқ ёки ғамгин ҳис қилган пайтингиз бўлганми?

59. Тенгдошларингиз даврасида етарлича вақтичоғлик қилиш қийин деб ҳисоблайсизми?

60. Бирон бир нарсани ўйламасдан амалга оширган-лигингиз учун қайғурасизми?

Калит

Экстраверсия (Э):

«**Ҳа**»: 1, 3, 9, 11, 14, 17, 19, 22, 25, 27, 30, 35, 38, 41, 43, 46, 49, 53, 57.

«Йўқ»: 6, 33, 51, 55, 59.

Нейротизм (Н):

«Ха»: 2, 5, 7, 10, 13, 15, 18, 21, 23, 26, 29, 31, 34, 37, 39, 42, 45, 47, 50, 52, 54, 56, 58, 60.

«Ёлғон»:

«Ха»: 8, 16, 24, 28, 36, 44, .

«Йўқ»: 4, 12, 20, 32, 40, 48.

Ўсмир учун норматив экстроверсия (Э) – 11-14 балл,
«ёлғон» – 4-5-балл, нейротизм (Н) – 10-15 балл.

Типлар учун жадвал

№	Айзенка тести бўйича маълумотлар	
	Э балларда	Н балларда
1	0-4	0-4
2	20-24	0-4
3	20-24	20-24
4	0-4	20-24
5	0-4	4-8
6	0-4	16-20
7	0-4	8-16
8	4-8	0-4
9	8-16	0-4
10	16-20	0-4
11	20-24	4-8
12	20-24	8-16
13	20-24	16-24
14	16-20	20-24
15	8-16	20-24
16	4-8	20-24
17	16-20	4-8
18	4-8	16-20
19	4-8	4-8
20	16-20	16-20
21	12-16	8-12
22	8-12	8-12

23	16-20	8-12
24	12-16	4-8
25	8-12	4-8
26	4-8	8-12
27	4-8	12-16
28	8-12	16-20
29	12-16	16-20
30	16-20	12-16
31	8-12	12-16
32	12-16	12-16

Характернинг намоён бўлиши	Коррекция усуллари
----------------------------	--------------------

Тип № 1

Э: 0-4; Н: 0-4

Хотиржам, тинч, вазмин. Гуруҳда камтар. Дўстликка мажбур қилмайди, аммо таклиф қилишганда рад қилмайди. Ўзининг ҳақлигини билса, қайсарликка мойиллиги бор. Кулағон эмас. Нутқи равон. Сабрли. Совуққон.	Ўқитувчиларни безовта қилмайди, демак, бу киши педогог, мураббий ва бошлиқларнинг эътиборсизлигидан азият чекади. Асосийси муомала – гуруҳ эътиборини бу типга қаратиш орқали унинг ўзига бўлган ишончини кўтариш. Индивидда иш босимини тўғри танлаш имконияти бўлгани маъқул. Камтарлик ва совуққонлик каби хусусиятларнинг аҳамиятини таъкидлаш.
---	--

Тип № 2

Э: 20-24; Н: 0-4

Қувноқ, дилкаш, сергап. Эл назарида бўлишни ёқтиради. Оптимист, омадга ишонади. Юзаки. Хафагарчиликни тез унутади, низоларни ҳазилга айлантиради. Таъсирчан, янгиликни яхши кўради. Ҳамманинг меҳрини қозона олади. Аммо юзаки, парвосиз. Инжиқ, артистик хусусияти мавжуд. Қизиқишлари тез сўнади.	Меҳнаткашлигини рағбатлантириш, унинг янгиликни яхши кўриши ва туғма артистик қобилиятдан фойдаланиш. Унга сездирмасдан тартибга, қаноатга ўргатиш (масалан, қизиқарли топшириқлар бериб). Вақтини тўғри ташкил этишга ёрдамлашиш тавсия этилади (дарслардан ташқари ўтказиладиган танловлар, экскурсияларда қатнашишини таъминлаш).
--	---

Тип № 3

Э: 20-24; Н: 20-24

Фаол. Яхши шаклланган кураш санъатига эга. Ҳамма билан «тенг» муносабатда бўлишга интилади. Кулишни яхши кўради. Жуда иззатталаб. Ўзгалар билан юзага келиши мумкин тушунмовчиликларни куч орқали ҳал этади. Ўзига нисбатан эътиборсизликка тоқат қила олмайди.	Асосий тактика – урғу берилган ҳурмат. Муносабатларни мулоқотнинг хайрихоҳлик ва осуда оҳангида олиб бориш тавсия этилади. Аффектив хулқини киноя реакцияси орқали енгиш мумкин. Низо вақтида у билан музокара олиб бориш керак эмас. Яхшиси муаммони кейинроқ тинч ҳолатда муҳокама қилиш даркор. Бунда яхшиси диққатни фақат муаммога қаратиш ва уни ортиқча эмоционал тарангликни юзага келтирмасдан ҳал этиш лозим.
--	--

	Ушбу типга мойил ўсмирларга ташкилотчилик қобилиятини шакллантириш, шунингдек, қувватини маълум йўналишларга буриш (спорт ва бошқ.).
--	--

Тип № 4

Э: 0-4; Н: 20-24.

Ўзига ишонмаган, хушёр, нотинч киши. Таянч излайди. Одамови, шу сабабдан атрофдагилар ва унинг ўзи ўзини кадрламайди. Гап кўтармайди. Адаптация жараёни қийин кечганлиги сабабли ҳаракатлари суст. Фаол турмуш тарзини ёқтирмайди. Четдан кузатувчи. Тез-тез фалсафага оғади. Вазиятни осон драмалаштириб юборади.	Уни қўллаб туриш керак. Устидан кулишларига йўл қўймаслик. Унинг ижобий хислатларини кўрсатиш (ихтирочи, бир хил фаолиятга мойиллиги). Фаол мулоқот ва қатъий ўрнатилган қонунларга риоя қилиш мажбурияти бўлмаган, шунингдек, субординациянинг шиддатли қонунларига номувофиқ юмуш танлашиш. Атрофдагиларга нисбатан қизиқишини уйғотиш. Аста-секин ҳаракатчан, хайрихоҳ кишилар билан дўстлашишини ташкиллаштириш.
--	--

Тип № 5

Э: 0-4; Н: 4-8.

Кузатувчи. Тинч. Ҳақиқий ҳаётга бўлган қизиқиши паст, демак, эришилган ютуқлар даражаси ҳам паст. Ўқиган ёки тўқиган ички коллизияларга йўналган. Итоаткор, лоқайд.	Унинг қадрини юқори баҳолаш, лоқайдлигини пасайтиради ва талаб даражасини кучайтириш билан бирга, унинг ўқишга бўлган қизиқишини орттиради. Нима биландир банд қилиш мақсадида,
---	---

	унинг кучли томонларини излаб топиш керак.
--	---

Тип № 6

Э: 0-4; Н: 16-20.

Босиқ, тортинчоқ, таъсирчан, нотаниш вазиятда уялади. Ўзига ишончсиз, хаёлпараст. Фалсафа тўқишни яхши кўради, гавжум одамларни ёқтирмайди. Шубҳа қилишга мойил. Ўз кучига унчалик ишонмайди. Вазмин. Вазиятни драмалаштирмайди ва саросимага тушмайди. Ташвишли. Тез-тез журъатсизлигини намоён қилади. Фантазия қилишга мойил.	Қўллашга, ғамхўрлик қилишга ҳаракат қилиш, гуруҳ олдида ижобий сифатларини айтиш (жиддийлик, тарбиялик, сезгирлик). Қандайдир ғояга жалб қилиш (масалан, нисбатан заифроқ кишиларга ёрдам бериши). Бу унинг ўзига бўлган ишончини оширишга, ҳаётни оптимистик ҳис қилишига ёрдам беради.
--	--

Тип №7

Э: 0-4; Н: 8-16.

Камтар, ишга йўналган, фаол киши. Адолатли, содиқ дўст. Жуда яхши, моҳир ёрдамчи, аммо ёмон ташкилотчи. Уялчанг. Четда қолишни афзал кўради. Жамоавий йиғинларга қатнашмайди. Фақат битта дўсти бор. Ўзаро муносабатларга катта аҳамият беради. Баъзан зерикарли насихатгўй бўлиб қолади.	Фаолиятида эркин тартибни таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Рағбатлантириб туриш унинг ташаббускорлигини оширади. Мустақил фаолият қилиши учун айрим мажбуриятлардан озод қилиш керак. Омма олдида танқид қилишдан йироқлашишга интилиш. Ўз ҳуқуқ ва кучига бўлган ишончини оширишга ҳаракат қилиш. Кимнингдир авторитетига кўр-кўрона ишонишига йўл қўймаслик.
---	--

Тип №8

Э: 4-8; Н:0-4

Осуда, хотиржам, жамоада мулоқотга тайёр киши. Эстетик томондан қобилиятли. Фаолият қилишдан кўра четдан кузатишни ёқтиради. Вазмин. Омадга лоқайд муносабатда, «ҳамма қатори» яшашни афзал кўради. Ўзаро муносабатларда тенг, аммо чуқур ҳамдардлик билдириш кўлидан келмайди. Низолардан осон қутула олади.	Асосий масала – ҳаракатга бўлган эҳтиёжини фаоллаштириш. Уни қизиқтирадиган кучлироқ машғулоти топиш (масалан, бадий кўринишлар билан боғлиқ бўлган бирор нима). Омадларини рағбатлантириш. Ушбу шахс билан ижтимоий интеллектининг ошишига эътиборни қаратган ҳолда, муносабат ўрнатиш даркор.
--	--

Тип №9

Э: 8-16; Н: 0-4

Фаол. Қувноқ. Киришимли. Мулоқот қилиш учун одам танламайди. Тартибсизлик натижасида келиб чиқадиган асоциал гуруҳларга осон жалб этилади. Янгиликка ўч. Қизиқувчан. Ижтимоий интеллект заиф. Ўзгаларга ва ўзига адекват баҳо бера олмайди. Қатъий принципиал кўникмаларга эга эмас. Серғайрат. Ишонувчан.	Нисбатан қаттиққўл, мобил тартиб жорий этилиши лозим. Ўзаро ишончга асосланган ижобий муносабатлар ўрнатиш даркор, аммо ўсмир назорат остида эканлигини ҳис этиб турсин. Ғайратини фойдали ишга йўналтириш мақсадга мувофиқ. Бироқ бу ҳолатда келгуси ишларни биргаликда режалаштириш, иш кўлами ва бажарилиш вақтини қайд этиш ҳамда назорат қилиш. Ижобий кўникмаларга ва кучли сардорга эга бирон-бир гуруҳга биркитиш.
---	---

Тип №10

Э: 16-20; Н:0-4

Артистик. Ўйин кулгини ва томоша кўрсатишни яхши кўради. Етарлича қатъиятли эмас. Киришимли. Унчалик ҳам ақлли эмас. Босиқ.	Қизиқарли мақсадларга йўналган ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш (ўзида бирон-бир машқни ёки мақсадни танлаш ташаббускорлиги етарли, аммо қатъийлик етишмайди). Артистиклигини рағбатлантириш, аммо масхарабозлик даражасигача етишишига йўл қўймаслик.
--	---

Тип №11

Э: 20-24; Н: 4-8

Фаол. Киришимли. Бағрикенг. Иззатталаб. Хатарли кўнгилхушликларга тез рози бўлади. Дўст танлашда ва мақсадга эришиш йўлини танлашда инжиқ эмас. Тез-тез эгоист бўлиб туради. Ташкилотчиликка мойил. Жозибадор.	Ташкилотчилик қобилиятини рағбатлантириш ва шакллантириш. Балки ундан лидер чиқар, аммо назорат остида бўлиши керак. Манманликдан тўхтатмоқ. Жамоада лидерлик жиҳатлари бебошлик ва дангасаликни осон енгади. «Юқорида» туришни яхши кўради. Агар лозим бўлса, жамоа олдида танқид қилиши мумкин.
---	--

Тип № 12

Э: 20-24; Н 8-16

Тартибга осон кўнади. Ўз қадр қийматини билади. Ташкилотчи. Санъатга, спортга мойил. Фаол. Севгичи. Воқеалар ва одамлар диққатини осон тортади.	Эмоционал қандай бўлса, ишбилармонликда ҳам шундай, табиатан лидер. Лидерлик хусусиятларини қўллаб-қувватлаш ва шахсий йўналтириш.
--	---

Тип №13

Э: 20-24; Н: 16-20.

Мураккаб тип. Шухрат-параст. Серғайрат. Қувноқ. Юқори маънавий интилишга эга эмас. Тириклик хурсандчиликларига муккасидан кетган. Ҳаётнинг энг асосий мезонига моддий бойликларни киритади. Ҳамма кучларини мақсадига, фойда олишга, омадга сафарбар этади. Омадсизлардан нафратланади. Киришимли. Намойишкор. Ўз талабларини шавқатсизларча илгари суради.	Ўсмир манманликка, ўзгаларни бўйсундиришга мойиллиги сабабли уни «рамка»да сақлаш. Яхшиси, сиёсатни қатъий ва тинч олиб бориш. Бошқа ижобий хислатларига урғу бериш. Ташкилотчининг ролини таклиф қилиш мумкин. Шунингдек, маълум мажбуриятларни бажаришни талаб қилиш. Эстетик тарбия қилган маъқул.
--	--

Тип № 14

Э: 16-20; Н: 20-24

Ҳукмбардор. Бадгумон. Сершубҳа. Синчков. Ҳамма вақт биринчиликка интилади. Майдакаш. Ҳар қандай устунлиги билан фахрланади. Заҳарханда. Нисбатан ожизларнинг устидан кулишга мойил. Қасоскор. Калондимоғ. Золим. Инжиқликлари билан ҳолдан тойдиради.	Унга бефарқ муносабатда бўлиш мумкин эмас. Дўстона муносабатда бўлиш, киноя қилиб туриш мумкин. Лидерлик ҳолатини эгаллашга имкон бериш, бироқ бу билан бирга, кўпроқ одамлар билан ишлашдан кўра ҳужжатлар билан ишлашини таъминлаш. Шунингдек, талабанинг ўзида атрофдагиларга нисбатан ижобий эмоционал тарбиялаш хусусиятларини ва ижобий установкаларини шакллантириш.
--	--

Тип № 15

Э: 8-16; Н: 20-24

Ҳамма вақт нимадандир норози, мижғов. Инжиқликка мойил. Майдакаш-талабчан. Заҳархандаликка мойил эмас. Арзимаган нарсаларга ҳам дарров хафа бўлади. Кўпинча қовоғи солиқ, асабийлашган. Ҳасадгўй. Иш масаласида ўзига ишонмайди. Муносабатларда бўйсунувчан. Қийинчиликлар олдида гангиб қолади. Гуруҳда четда туради. Кинахон. Дўстлари йўқ. Ўзидан кичкиналарга буйруқ беради. Овози паст ва кескин.	У билан озгина бўлса ҳам ўзаро муносабат ўрнатиш. Бу ишни унинг инжиқлигини инобатга олган ҳолда қилиш осон. Ишончли суҳбатларда унинг аҳволини, ишларини сўраш кифоя. Қандайдир умумий топшириқ сифатида ўзаро муносабатларда таянч бўла оладиган, концеляр ишларни топшириш (унинг расмийчилиги ушбу ишларни аъло даражада бажариш имконини беради). Тенгдошлари билан муносабатини яхшилаш мақсадида унинг тиришқоқлигини гуруҳдошлари олдида айтиб мақташ. Бундай типдагилар ўзларига юқори эътиборни ва индивидуал муносабатларни талаб қиладилар.
---	--

Тип № 16

Э: 4-8; Н: 20-24.

Ўта таъсирчан тип. Ҳеч кимга ишонмайди. Яширин – эҳтиросли, индамас. Одамови, салга хафа бўлади. Ўзини яхши кўради. Мустақил. Танқидчи. Пессимист. Ҳамма қатори ўйлашга мойил. Ўзига унча ишонмайди.	Ҳимояловчи муносабатда бўлиш. Гуруҳдошлари олдида рағбатлантириб туриш. Ҳурмат ва бағрикенглик билан мулоқот ўрнатиш. Адолатли танқидий мулоҳазаларини қўллаш, лекин ўта насихатгўй танқидчи бўлиб кетишига йўл қўймаслик.
---	---

Тип № 17

Э: 16-20; Н: 20-24

Ўта эмоционал. Эҳтиёткор. Қувноқ. Киришимли. Севгичи. Муносабатларда одам танламайди. Ҳамма билан дўст киришиб кетаверади. Ўзгарувчан, содда, болалиги бутунлай ўтиб кетмаган. Мулойим, атрофдагилар уни ёқтиришади. Фантазиячи. Интим дўстона муносабатларни афзал кўриб, лидерликка интилмайд.	Ижобий кайфиятини қўллаш. Эстетик мойиллигини шакллантириш ва қизиқишларини қўллаш (рағбатлантириш, қизиқиш, гуруҳ олдида нутқ сўзлашни таклиф қилиш). Ирода кучларини ишлаб чиқишга эътиборини қаратиш лозим (қатъиятлилиқ, талаб даражасида).
--	---

Тип № 18

Э: 4-8; Н: 16-20

Эмпатик. Ниҳоятда раҳмдил. Ожизларни қўллашга мойил бўлиб, интим дўстона муносабатларни афзал кўради. Кайфияти кўпинча тинч ва тушкун. Камтар. Уялчанг. Ўзига ишонмаган. Кузатувчи. Ноқулай ҳолатларда дарров зийрак ва сершубҳа бўлиб қолади.	Уни аёвчи ва шакллантирувчи муносабатни қўллаш тавсия этилади. Четдан яширинча назорат қилиш ва осойишта ижобий муносабат ўрнатиш. Қийин вазиятларда ёрдам бериш. Унинг учун ушбу ҳолатда қийин вазиятлар мақсадга эришиш, фаол позицияни шакллантириш, тенгдошлари ва катталар билан муносабатини яхшилаш. Агар негатив натижалар бўлиши кутилса, омма олдида муҳокама қилишни истисно қилиш.
--	--

Тип №19

Э: 4-8; Н: 4-8

Хотиржам тип. Индамас, фаросатли, секин ҳаракатланади. Ниҳоятда изчил,	Ушбу типдагиларга нисбатан ўзига бўлган баҳони кўтаришга ҳаракат қилиш,
--	---

мустақил, синчков. Холис, беғараз, камтар, паст эмоционал, баъзан реал-ликдан йироқ бўлади.	талаблар системасини шакл-лантириш, қобилият ва мойилликларини очиш. Юқо-ри масъулият талаб қиладиган иш буюриш орқали бирон нарсага қизиқтириш (тип фаолиятига кўра, у одамлар-дан кўра ҳужжатлар билан ишлаши самарали кечади). Ушбу типдагилар турли маса-лалар бўйича маслаҳатга муҳтож бўлишади, фақат маслаҳат одоб юзасидан берилса бўлгани.
---	---

Тип № 20

Э: 16-20 Н: 16-20

Ниҳоятда намоишкор, ҳам-дардлик билдириш кўлидан келмайди. Эмоционал қаш-шоқ. Ўзини жамоага қарши қўйишни яхши кўради. Ўзи учун аҳамиятли бўлган мақсадга эришиш йўлида жуда ўжар. Обрўли. Кўпинча сохта. Ишбилармон.	Негатив сифатларини юзага келтирмаслик учун у билан мулоим, босиқ, сабрли муно-сабатда бўлиш. Талаба энерге-тикасини ижобий томонга йў-налтириш мақсадида уни спорт ва техник машғулотларга жалб қилиш ҳамда унинг биринчи-ликка бўлган интилишини маъ-кулроқ даражага етиштириш. Эстетик тарбиялаш. Шунинг-дек, нуфузли лидери мавжуд, ижобий ижтимоий гуруҳларга бирлаштириш.
---	---

Тип №21

Э: 12-16; Н: 8-12

Жуда серғайрат. Қувноқ. «жамоа эркатои». Ушбу	Ижобий-қаттиққўл муносабатни талаб қиладилар. Жамоада
---	---

типдаги талабалар омадли деб ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, ушбу тип соҳиблари жуда қобилиятли, осон ўзлаштирадилар, артистик, кам толиқишади. Бироқ ушбу сифатларнинг мавжудлиги баъзан негатив натижалар беради. Ўсмирлар (ёш йигит-қизлар) ёшлигиданок барча нарса улар учун муҳайё бўлишига кўникканлар. Натижада мақсадга эришиш йўлида жиддий шуғулланишни ўрганмайдилар. Барчасидан осон воз кечадилар. Кўпинча дўстлик риштасини узадилар. Юзаки. Анчайин паст ижтимоий интеллектга эга.	лидер сифатида танлаш тавсия этилмайди. (Яхшиси, ташкилотчилик типининг бир марталик юмушини буюрган маъқул). Буюрилган иш натижасини қаттиққўллик билан талаб қилиш. Ушбу тип билан бирга аҳамиятли мақсадни биргаликда танлаш (масалан, хорижий тилни ўрганиш). Бажарилиш муддатини белгилаш, ишларни маълум жадвал асосида тақсимлаш ва натижасини жиддий назорат қилиш. Бу бир томондан, талабанинг шахсий интеллектуал сифатларининг ўсишига ёрдам берса, иккинчи томондан, уни тартиб билан ишлашга ўргатади.
--	--

Тип № 22

Э: 8-12; Н: 8-12

Жуда пассив, бепарво. Ўзига ишонган. Атрофдагилар билан муносабатда шавқатсиз-талабчан. Гиначи. Кўпинча пассив қайсарлигини намоён этади. Жуда расмиятчи. Майдакаш. Ҳисобли, совуққон. Бошқа бировнинг фикрига бефарқ. Турмушнинг одатдаги юмушларини ва бир маромдаги ҳаётий ҳодиса-	Талабада унинг ўқитувчи учун қизиқарли эканлиги ҳақида тасаввур уйғотиш. У билан боғлиқ ҳар қандай икир-чикир аҳволи билан қизиқиш. Жамоавий ишлар орасидан унга орасталикни талаб қилувчи иш буюриш (журнал ёки табель юритиш, ниманингдир ҳисобини олиб бориш). Унинг ишчанлигини мактаб туриш. Машғулот танлашга кўмаклашиш (гуруҳга
--	--

ларни афзал кўради. Нутқ оҳанги кам ифодали. Эстетик эмас.	доир машқлар, спорт ва бошқаларга нисбатан унинг ўзи билан боғлиқ индивидуал машқлар назарда тутилади).
--	---

Тип № 23

Э: 16-20; Н: 8-12

Киришимли, фаол. Ташаббускор, ишқивоз киши. Шунингдек, ўзини бошқара билади. Ўз олдига қўйган мақсадига эриша олади. Иззатталаб. Лидерлик қилишни яхши кўради, ташкилотчилик қила олади. Атрофдагиларнинг ишончини қозонган ва уларнинг ҳурматига сазовор. Характери хушфеъл, эстетик, ҳаракатчан.	Лидерлик қилишига имкон яратиш. Гуруҳга доир ва индивидуал муаммоларни, масалаларни ечишга ёрдам бериш. Унга юклатилган юмушнинг ҳаддан ташқари оғир бўлмаслигини инобатга олиш (ўқув, ишлаб чиқариш, жамоавий).
--	--

Тип № 24

Э: 12-16; Н: 4-8

Вазмин тип. Ҳаракатчан, ўртача киришимли. Унча кўп бўлмаган дўстларига боғланган. Тартибли. Ўз олдига мақсад қўйишни ва унга эришишни билади. Рақобатчиликка мойил эмас. Баъзан жиззаки.	Атрофдагилар билан хотиржам дўстона муносабатда бўлишни ёқтирганлиги сабабли, аниқ мақсадга йўналган мулоқот тизимини ўрнатиш.
--	--

Тип № 25

Э: 8-12; Н: 4-8

Фаол. Баъзан портловчи, баъзан лоқайд ва қувноқ.	Хотиржам ишбилармон алоқалар ўрнатган маъқул. Унинг
--	---

Кўпинча хотиржам ва эътиборсиз. Ташаббускорликни умуман намоён қилмайди, белгиланган кўрсатма асосида ҳаракат қилади. Ижтимоий муносабатларда пассив. Чуқур эмоционал ҳис-туйғуларга қодир эмас. Бир маромдаги сердиққат ишларга мойил.	учун индивидуал машқлар топиш ва тавсия этиш. Административ ишларни қойилмақом бажарганлиги боис унга шу хилдаги юмушларни юклаш.
--	--

Тип № 26

Э: 4-8; Н: 8-12

Хотиржам, сабрли, босиқ, синчков. Иззатталаб. Собитқадам. Қатъий принципларга риоя қилади. Кўпинча тезда хафа бўлишга мойил.	Ўзаро ишончли муносабатларни, ишнинг секин босимини яхши кўради. Улфатчиликка мойил эмас. Унинг орасталигини, тиришқоқлигини гуруҳ олдида рағбатлантириш. Унинг ўзига бўлган ишончини ошириш учун ҳаракат қилиш.
---	---

Тип №27

Э: 4-8; Н: 12-16;

Босиқ – меланхолик. Нозик таъсирчан. Бир кишига тез боғланиб қолади. Ўзаро ишончга асосланган дўстона муносабатларни қадрлайди. Хотиржам. Ҳазилни қадрлайди. Баъзан оптимист. Баъзан ваҳимага тушади. Баъзан депрессияга тушади. Аммо кўпинча тинч-хаёлчан.	Фаол-тинч фаолият талаб қиладиган вазиятни юзага келтириш. Шафқатсиз бўйсундиришдан йироқлашиш. Эстетик ва адабий машғулотларни тавсия қилиш.
--	--

Тип № 28

Э: 8-12; Н: 16-20

Меланхолик. Иззатталаб. Қайсар, жиддий. Баъзан ғамгин, безовта кайфиятга берилади. Жуда кам сонли кишилар билан дўстлашади. Жиззаки эмас, аммо баъзан бадгумон бўлади. Принципиал масалаларга боғлиқ бўлган ишларни мустақил ҳал эта олади, лекин эмоционал ҳаётда яқинларининг маслаҳатига муҳтож.	Унинг ўзига бўлган баҳосини оширишга қаратилган вазифани бажариш, шунингдек, ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш.
---	--

Тип № 29

Э: 12-16; Н: 16-20

Атрофдагиларга нисбатан қатъий талабчан. Ўзар, мағрур. Ўта иззатталаб, ҳаракатчан, киришимли. Кайфияти кўпинча жангари. Омадсизликларини яширади. Ўзтиборда бўлишни ёқтиради. Совуққон.	Ўзаро муносабатларни ҳурмат асосида юқори талабчанлик билан қуриш. Агар талаба манман ва такаббурлик қилса, унинг камчиликларини айтиб, изза қилса бўлади.
---	--

Тип № 30

Э: 16-20; Н: 12-16

Мағрур. Биринчиликка интилади. Кинахон. Барча ишда лидерликни қўлга киритишни хоҳлайди. Серғайрат, қайсар. Хотиржам, эҳтиёткор. Таваккал қилишни ёқтиради. Муваффақиятга эришиш йўлида	Манманлик қилишига йўл қўймаслик. Ижобий уринишларини қўллаб-қувватлаш. Лидерлик қилишига қўйиб бериш, аммо муносабатларининг буйруқбозлик усулида олиб борилишига йўл қўймаслик.
--	---

матонатли. Илтифотсиз бўлса ҳам баъзан артистик маҳоратдан холи эмас.	
---	--

Тип № 31

Э: 8-12; Н:12-16

Тортинчоқ. Ҳасадгўй эмас. Мустақилликка интилади. Бағрикенг, кишига тез боғланиб қолади. Яқин одамлари билан кузатувчилигини, юмор ҳиссини намоён қилади. Чуқур ишончга асосланган муносабатларга мойил. Таваккал қилиш, хатарли вазиятлардан қочади. Кимгадир боғланиб қолишни хоҳламайди. Баъзан қарорларни тез қабул қилишга мойил. Кўпинча ўз қилмишидан пушаймон бўлади. Омадсизлигида фақат ўзини айблайди.	Осуда, ижобий шароитни таъминлаш. Айрим масалаларни фаол муҳокама қилишга чорлаш. Ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш. Қандайдир тадбирларда қатнашишини таъминлаш (масалан, конференция, тренинглар ва ҳ.к.).
---	---

Тип № 32

Э: 12-16; Н: 12-16

Иззатталаб, омадсизликлар ўзига бўлган ишончини пасайтира олмайди. Такаббур. Гиначи. Ўжар. Ҳаракатчан. Қатъий. Низога мойил. Ноҳақ бўлган тақдирда ҳам паст келмайди. Муносабатларда ҳамдардлик қилишга қодир эмас. Одамлар билан ахборотлардан воқиф бўлиш учунгина дўстлашади. Эмоционал чекланган тип.	Низоли вазиятларда қўллагмаслик. Иззатталаблиги орқали таъсир ўтказиш. Муносабатларни ўртача олиб бориб, ўзига билинтирмай, ижтимоий интеллектини ривожлантириш.
---	--

Ушбу методика қуйидаги ҳолатларда қўлланилиши мумкин:

Жамоада гуруҳлар шаклланганда.

Ўқитувчи ёки гуруҳ раҳбарнинг гуруҳ аъзолари билан танишувида.

«Аҳоли бандлиги»ни таъминлаш бўйича масъул кишилар фаолиятида.

Ёшларни турли касблар бўйича йўналтириш жараёнида (асосан, инсон-инсон йўналишида).

Ишлаб чиқариш гуруҳларининг мутахассисликлар асосида танловининг оптимал ва ижтимоий ҳамкорлигининг муваффақиятли кечишида.

Спорт амалиётида ва командалар танловида.

«Талаба-ўқитувчи», «талаба-гуруҳ» тузилмалар ўзаро муносабатининг коррекцион мақсадида ўтказиладиган педогогик амалиётда.

Ўқувчи руҳиятини аниқлаш

Изланишнинг мақсади:

Темпераментнинг типини, экстраверсия даражасини, ҳиссий мустаҳкамликни аниқлайди.

Ишнинг босқичлари:

1. Тестнинг тадқиқот мақсадини маълум қилиш.
 2. Тестни бажариш йўриқномасини ўқиб бериш.
 3. 1дан 60гача (12 та саволдан иборат 5та устун) бўлган саволларнинг тартиб рақами кўрсатилган жавоблар варақасини тайёрлаш.

4. Айзбек тестини ўтказиш.

5. Калит ёрдамида натижаларини текшириш. Агарда синалувчида 4-5 балл ҳосил бўлган бўлса, унда тест натижаларига ишониш мумкин. Агарда 5 баллдан юқори бўлса, унда натижалар ҳақиқий эмас.

7. Типлар жадвали бўйича натижалар. Натижаларнинг яққол кўриниши учун график шаклда акс эттириш мумкин.

Йўриқнома: Сизга хулқингизнинг алоҳидалиги ҳақидаги бир қатор саволлар тақдим этилади. Агарда Сиз саволга ишончли жавоб берсангиз «+», агарда ишончсиз жавоб берсангиз «—» белгисини сўров варақасидаги тегишли рақам остига ёзиб қўясиз. Саволларга тезда миянгизга келган биринчи жавоб билан, ўйлаб ўтирмай жавоб берасиз.

1. Сенга атрофингдаги жонланиш ва завқ-шавқ ёқадими?
2. Сени тез-тез қўллаб-қувватлайдиган дўстларга эҳтиёж сезасанми?
3. Сендан бирор нима сўрашганда, ҳар доим тез жавоб топа оласанми?
4. Баъзан сен аразлаган, жаҳли чиққан, жоҳил ҳолатда бўласанми?
5. Тез-тез кайфиятинг ўзгариб турадими?
6. Сенга болалар билан бўлгандан кўра, бир ўзинг бўлганинг осон ва ёқимлироқ эканлиги тўғрими?

7. Сенинг ухлашингга ҳар хил хаёллар тез-тез халал бериб турадими?

8. Сен ҳар доим айтилган вазифани қандай айтишган бўлса шундай бажарасанми?

9. Сен бировнинг устидан кулишни ёқтирасанми?

10. Сен қачонлардир ўзингни бахтсиз деб ҳис этганмисан, гарчанд бунга ҳеч қандай сабаб бўлмаса ҳам?

11. Ўзинг ҳақингда қувноқ, завқли инсонман деб айта оласанми?

12. Сен мактабда қачонлардир тартиб-қоидаларни бузганмисан?

13. Сенинг тез-тез нимадандир жаҳлинг чиқиб туриши тўғрими?

14. Сенга ҳамма ишни тез-тез бажариш ёқадими?

15. Сен содир бўлиши мумкин бўлган ҳар хил қўрқинчли воқеалар, лекин содир бўлмасдан яхшилик билан тугаган ҳолатларга безовталанасанми?

16. Сенга ҳар қандай сирни ишониш мумкинми?

17. Сен ҳеч бир қийинчиликсиз тенгдошларингнинг зерикарли даврасини ҳам жонлантира оласанми?

18. Сенда ҳеч қандай сабабсиз (жисмоний зўриқишларсиз) ҳам юрагинг тез-тез урадими?

19. Дўстлашиш учун одатда сен биринчи бўлиб қадам ташлайсанми?

20. Қачонлардир ёлғон гапирганмисан?

21. Сени ва ишингни танқид қилишганда тезда хафа бўласанми?

22. Сен кўпинча дўстларинг билан ҳазиллашиб, уларга қизиқарли ҳикоялардан айтиб берганмисан?

23. Сен кўпинча ўзингни чарчаган ҳис этасанми?

24. Сен ҳар доим аввал дарсларингни, кейин эса қолган ишларингни бажарасанми?

25. Сен одатда қувноқ ва ҳаммадан хурсандмисан?

26. Сен аразчимисан?

27. Бошқа болалар билан бўлишни жуда ёқтирасанми?

28. Сен ҳар доим ҳам қариндошларингнинг уй юмушларига ёрдам бериш ҳақидаги илтимосларини бажараверасанми?

29. Сенда бош айланиш бўлиб турадими?

30. Сенинг ҳаракат ва қилиқларинг бошқа инсонларни ноқулай аҳволга солиб қўйган пайтлар бўлганми?

31. Ниманингдир жонингга текканини сен кўпинча ҳис этасанми?

32. Баъзида мақтанишни ҳам ёқтирасанми?

33. Нотаниш одамларнинг жамоасига тушиб қолганингда, сен кўпинча гапирмай жим ўтирасанми?

34. Баъзан ҳаяжонланганингда сен жойингда ҳам ўтира олмай қоласанми?

35. Сен одатда тез қарор қабул қиласанми?

36. Сен синфда ҳатто ўқитувчи йўқ бўлганида ҳам, ҳеч қачон шовқин қилмайсанми?

37. Сен кўпинча қўрқинчли тушлар кўрасанми?

38. Сен ҳиссиётларингга эрк бериб, дўстларинг даврасида хурсандчилик қилиб ўтира оласанми?

39. Сени хафа қилиш осонми?

40. Ким тўғрисидадир ёмон гапирган пайтларинг бўлганми?

41. Одатда сен ўйлаб ҳам ўтирмай тез гапириб, тез ҳаракат қилишинг тўғрими?

42. Сен ноқулай ҳолатга тушиб қолганингдан кейин анча пайтгача азобланиб юрасанми?

43. Сенга сершовқин ва қувноқ ўйинлар жуда ёқадими?

44. Сен ҳар доим ҳам берган таомларини еяверасанми?

45. Сендан нима ҳақдадир сўраганларида, йўқ деб жавоб қайтариш қийинми?

46. Сен тез-тез меҳмонга боришни ёқтирасанми?

47. Сенинг бир нарса жонингга теккан пайтлар ҳам бўладими?

48. Сен она-оталаринг билан қўпол муомалада бўлганмисан?

49. Болалар сени қувноқ ва завқли одам деб ҳисоблайдиларми?

50. Сен дарс қилаётганингда кўпинча бошқа нарсага чалғиб кетасанми?

51. Сен жамоавий хурсандчиликларда кўпинча ўтириб томоша қиласанми ёки фаол иштирок этасанми?

52. Одатда, сенга ҳар хил хаёллардан ухлаш қийин бўладими?

53. Бажаришинг лозим бўлган ишни қила олишингдан бутунлай хотиржам бўла оласанми?

54. Сен ўзингни ёлғиз ҳис қилган пайтлар бўладими?

55. Янги танишган одамлар олдида биринчи бўлиб гапиришдан уяласанми?

56. Нотўғри ишни қилиб, кейин бошингни чангаллаб қолиш ҳолатлари тез-тез бўлиб турадими?

57. Болалардан бирортаси сенга бақирса, сен ҳам бақириб жавоб қайтарасанми?

58. Баъзан ҳеч қандай сабабсиз ҳам ўзингни қувноқ ёки ғамгин ҳис этган ҳолатлар ҳам бўлиб турадими?

59. Тенгдошларингнинг завқли тўдасидан ҳақиқий лаззатланиш қийин деб ҳисоблайсанми?

60. Бирор нарсани ўйламасдан қилиб қўйиб, кейин ҳаяжонланишга тўғри келган ҳолатларинг тез-тез бўлганми?

Синалувчилар томонидан жавоблар варағини тўлдириб бўлгандан сўнг, тест калитидан фойдаланиб, экстраверсия, невротизм, ёлғон кўрсаткичлари бўйича баллар ҳисоблаб чиқилади.

Тестнинг калити

Экстраверсия				Невротизм				Ёлғон	
1	+	33	—	2	+	34	+	4	—
3	+	35	+	5	+	37	+	8	+
6	—	38	+	7	+	39	+	12	—
9	+	41	+	10	+	42	+	16	+
11	+	43	+	13	+	45	+	20	—
14	+	46	+	15	+	47	+	24	+
17	+	49	+	18	+	50	+	28	+
19	+	51	—	21	+	52	+	32	—

22	+	53	+	23	+	54	+	36	+
25	+	55	—	26	+	56	+	40	—
27	+	57	+	29	+	58	+	44	+
30	+	59	—	31	+	60	+	48	—

Натижаларни ишлаб чиқиш. Синалувчилар томонидан жавоблар варағи тўлдириб бўлингандан сўнг, тест калитидан фойдаланиб, Экстраверсия, Невротизм, Ёлғон кўрсаткичлари бўйича баллар ҳисоблаб чиқилади. Калит билан тўғри келган ҳар бир жавоб бир баллга баҳоланади. Сўнгра ҳар бир кўрсаткич бўйича баллар алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

Темперамент типини аниқлаб бериш жадвали

№	Экстраверсия шкаласи бўйича кўрсаткичлар	Невротизм шкаласи	Темперамент типи
1	12-24	0 - 12	Сангвиник
2	12-24	12- 24	Холерик
3	0 – 12	0 - 12	Флегматик
4	0 – 12	12 - 24	Меланхолик

Тестнинг натижалари яққол кўриниб туриши учун тест натижаларини график тарзда бериш мумкин:

Ҳиссий беқарорлик

Хавотирли	Сезувчан
Ригидли	Аразчи
Яраланувчан	Бехаловат
Ўзини тута оладиган	Тажжовузкор
Пессимистга хос	Қўзғалувчан
Кам мулоқотчан	Беқарор
Таъсирланувчан	Хушчақчақ
	Импульсивлик
	Фаол

Интроверсия

Экстраверсия

Меланхолик

Холерик

Флегматик

Меҳнатсевар

Мулоҳазали

Ишонувчан

Тинчликсевар

Осойишта

Сабрли

Бефарқ

Сангвиник

Мулоқотчан

Боғланувчан

Етакчиликка мойил

Гапга чечан

Кўнгилчан

Ғамхўр

Қувноқ

Киришувчан

Ҳиссий барқарорлик

Натижаларни таҳлил қилиш

Натижаларни таҳлил қилганда қуйидаги ўлчамларга амал қилиш лозим:

Интроверсия даражаси		Экстраверсия даражаси	
1-7 балл Ўта интроверт	8-11- меъёрдаги Интроверт	12-18- балл Меъёрдаги экстроверт	19-24-балл ифодаланган экстроверт
11-14 балл- амбиверт			

Невротизм даражаси			
10 баллгача – паст	11- 14баллгача – ўрта	15- 18баллгача – юқори	19-24 баллгача жуда юқори
11-14 баллгача – нормостеник			

Экстравертлар – куршаб турган дунёга мослашувчан, соддадил, фаол, ҳиссий намоён бўлишда очик, ҳаракатчан ва таваккални севувчи одамлар. Улар учун импульсивлик, хулқ-

атворда эгилувчанлик хос. Одатда, улар фаол ва сершовкин одамлар, «ййғилишларнинг жони», ўтиришларни олиб борувчи, ажойиб бизнесмен ва ташкилотчи, ташқи кўринишга эга, фикр билдиришда чўрткесар. Янги таассурот ва ҳиссиётларга берилувчан, хушчақчақ, тез қарор қабул қиладиган ишларни яхши бажарадилар. Бахтсиз ҳодисалар уларни четлаб ўтмайдиган тоифа одамлар.

Интровертлар – ўзининг ички дунёсига кўпроқ аҳамият беради. Улар фикрлашга, ўзини-ўзи таҳлил қилишга мойилдирлар. Мулоқотчан эмаслар, берк ва ижтимоий мослашувда қийинчилик ҳис этадилар. Кўп ҳолларда ижтимоий пассив инсонлар. Одатда, ташқи кўзғатувчиларга кўпроқ ҳиссиётли. Рангларни, товушларни яхши англайдилар, янада эҳтиёткорлар, тартибли, мактабда ва олий ўқув юртларида яхши ўқийдилар, бир хилда бажариладиган ишларни яхши эплайдилар.

Амбивертлар – асаб тизими мувозанатланган, кўзғалувчанлик ва тормозланиш кучи кўпроқ ёки камроқ даражада бир хил. Амбивертлар билан экстравертларнинг ҳиссиётлари мос келади. Экстравертдаги очикликнинг ортиқчалиги ва интровертдаги ёпиқликнинг ортиқчалиги бир-бирини мувозанатлайди.

Невротиклар – невротизм шкаласи бўйича (юқори балл 19-24) барқарорлиги, асаб руҳий жараёнларда мувозанатсизлиги, ҳиссий беқарорлиги билан ажралиб туради. Улар тез кўзғаладилар. Улар учун кайфиятнинг ўзгарувчанлиги, ҳиссиётлилиги, шунингдек, хавотирлилик, бадгумонлик, қатъиятсизлик хос.

Невротизмнинг паст балли (10 баллгача) – булар ҳиссий барқарор одамлар бўлиб, улар учун осойишталик, мувозанатлилик, ўзига ишонч, қатъиятлилик хос. Ўрта даражада (11 баллгача) – бу нормастениклар. Экстраверсия – интроверсия кўрсаткичлари ҳиссий барқарорлик ва беқарорлик жиҳатидан ўзаро боғлиқ. Турли даражада ифодаланган икки хусусиятнинг бир-бирига мос келиши шахснинг такрорланмас ўзига хослигини ҳосил қиладди.

Асаб жараёнлари характерис- тикаси	Асаб тизими типлари			
	I	II	III	IV
Темперамент	Сангвиник	Холерик	Флегматик	Мелан- холик
Куч	Кучли	Кучли	Кучли	Кучли
Мувозанатчан лик	Мувоза- натли	Мувозанат- сиз	Мувозанат ли	
Ҳаракатчанлик	Ҳаракат- чан	Ҳаракатчан	Сусткаш	Ҳаракат- чан ёки сусткаш
Реакциянинг тезлиги	Тез	Тез	Секин	Секин
Реакциянинг кучи	Меъёрда	Меъёрдан ортиқ	Кучли	Кучсиз

Ҳар бир тур қуйидаги тавсифдаги хислатларни ўз ичига олади.

Кучли – узоқ муддатли ва машаққатли меҳнатда ҳам юқори даражадаги иш қобилиятини сақлаб қолади. Ҳиссий тонуси юқори. Кучсиз чалғитувчи таъсирлар реакциясига олиб келмайди.

Мувозанатли – қийин вазиятларда ҳам ўзини тута биладиган ва осойишта одам. Кераксиз хоҳиш ва чалғитувчи фикрлардан осонлик билан қутула олади. Қатъий, эгилиб-букилишларсиз, самарадорлик билан бир маромда меҳнат натижаларига эришиб ишлайди.

Ҳаракатчан – таркиб топаётган вазиятнинг ўзгаришларига тез ва мутаносиб ҳолатда ҳаракат қилишга қодир, фойдасиз стереотипларни осонлик билан рад этади, янги кўникма ва одатларни енгиллик билан ҳосил қилади. Машаққатсиз фаолиятини ўзгартира олади, ҳаракат ва мулоқотни жадаллашган суръатда олиб бориш, бир зумда хотирада олиб қолиш қобилиятига эга.

Темперамент турларига психологик тавсифнома

Сангвиник (асаб тизимининг биринчи типи) – Юқори рухий фаоллик, ишга қобилиятлилиги, интилувчанлик, ҳаракатларнинг жонлилиги, имо-ишоранинг хилма-хиллиги, бойлиги ҳамда гапга чечанлиги билан тавсифланади. Хотираларини тез-тез алмаштиришга интилади, ўзини қуршаб турган ҳодисалардан осонлик билан воз кеча олади, мулоқотчан. Янги танишган одамлари билан осонликча чиқиша олади, янги шароитга тезда мослашади. Ҳиссиётлари ижобий – тезда пайдо бўлади ва тезда алмашади. У компромисс ва ён босишга тезда рози бўлади. Мағлубиятларни нисбатан осон ва тез бошидан кечиради. Ноқулай шароит ва салбий тарбиявий таъсирларга ҳаракатчанлик диққатини жамлай олмасликка, ўйланмай қилинган ҳаракатлар, юзакилик каби салбий хусусиятларнинг келиб чиқишига ўз таъсирини кўрсатади. Унинг режалари кўп, бирданига ҳаммаси бўйича ишлайди, узок вақт чарчамасдан ишлаши мумкин. Диққатини бир жойга тўплайди, тартибли. Зўриқишларсиз бир ишдан иккинчисига ўта олади.

Холерик (асаб тизимининг иккинчи типи) – рухий фаолиятнинг юқори даражасида ғайратлилиги, қатъийлиги, интилувчанлиги, куч-қувватга тўлаллиги, ҳаракатларининг тезлиги, жўшқинлиги, кескинлиги билан характерланади. У кайфиятнинг бирданига ўзгариб туришига мойил, тажанг, сабрсиз. Баъзан эса баджаҳл бўлади. Лозим бўлган тарбиянинг йўқлиги, етишмаётган ҳиссий мувозанат туфайли юзага келган қийин ҳаётий вазиятларда ўз ҳис-туйғуларини бошқара олмай қолади. Қизиққонлик билан ишни бошлайди. Муаммоларни тезда ҳал қилади ва қийинчиликларни енгади. Бирон-бир нарса билан машғул бўлади. Бутун куч-қувватини кетказди ва бошлаган ишига бўлган қизиқишини йўқотади. Осойишта, бир текис ҳаракатни талаб этадиган фаолиятга мослашмайди. Бир хилда бўлган, секин ишни бажара олмайди.

Флегматик (асаб тизимининг учинчи типи) – хулқ-атворнинг паст даражадаги фаоллиги билан характерланади. Осойишта, сабрли, чидамли. Имо-ишора ва бир хил

реакцияларнинг секинлиги билан ажралиб туради. Мулоқотда доимо янги одамларга секин ва қийинчиик билан ўрганади. У бир фаолиятдан иккинчисига осонлик билан ўтмайди ва янги шароитга қийинчилик билан мослашади. Қатъиятли ва тиришқоқ, меҳнаткаш, мақсадга интилувчан, маҳсулдор, масъулиятли, ишга жон дили билан боғланади. Чидамли, бир хилдаги ҳаракатларни бажаришга мойил.

Меланхолик (асаб тизимининг тўртинчи типи) – руҳий фаолиятнинг паст даражаси билан характерланади. Имо-ишора ва мулоқотда ўзини тута олади. Тез чарчайди, чидамсизроқ, хавотирли, ўзига ишонмайдиган, гапга чечан эмас. Янги шароитда ва янги одамлар орасида ўзини йўқотади. Ёлғиз ўзи қолишга, индамасликка, чуқур ва узоқ муддат қайғуришга мойил. Одатда, у ўзига ишончи йўқ, озгина қийинчиликнинг олдида ҳам ўзини йўқотиб қўяди. Тез чарчайди. Доимий одатдаги шароитни хуш кўради. Экстремал вазиятлар нуқтаи назаридан у энг хавфли шахс ҳисобланади. У салбий нарсаларни яратади. Ваҳима ва тартибсизликларнинг манбаи бўлиб саналади. У фақатгина яхши шароит бўлгандагина муваффақиятли ишлаши мумкин.

Ҳар бир темпераментнинг ўзигагина хос бўлган типдаги хусусиятли инсонлар кам учрайди ва кўпчилик инсонлар ўзида ана шу турли тоифа темпераментга хос бўлган хусусиятларни бирлаштирган ҳолда учрайди.

Ушбу тестнинг натижалари асосида психолог қандай тавсиялар бериши мумкин?

Агар синалувчи экстраверсия, интроверсия ва невротизм бўйича ўртача балл йиғган бўлса, унинг танлов соҳаси жуда кенг ва унга нисбатан қаттиқ тақиқлар йўқ. Агарда у ўта экстраверт ёки интроверт бўлса, хафа бўлишга ўрин йўқ. «Кучсиз хусусиятлардан халос бўлиш» учун ўзига қарама-қарши хусусиятли дўстни топиши лозим. Экстраверт ҳар қандай ишда муваффақиятга эришиши мумкин. Қачонки, унинг жамоасини кўпчилик интровертлар ташкил этса.

Агар у интроверт бўлиб, унда невротизм юқори бўлса, психолог унга ёзув столи олдида ўтириб меҳнат қиладиган

касбларни излаш, ижод қилиш, ниманидир ишлаб чиқиш, лойиҳалаш, моделлаштириш ва ҳоказо сингари касбларни танлаши маъқул эканлигини маслаҳат бериши лозим.

Агарда у экстраверт бўлиб, унда невротизм юқори бўлса, унга одамлар билан тез-тез ва самарали мулоқотда бўладиган касблар, яъни менежер, сотувчи, ўқитувчи кабиларни танлашни маслаҳат берган маъқул. Қуйидаги типдаги касбларни эса танламагани маъқулроқ: учувчи, ҳайдовчи, диспетчер. У одамлар билан мулоқотда бўлмаганидан зерикади, унинг ишида тез-тез хатолар ҳалокатлар, бузилишлар ва бошқалар учраб туради. Бир хилдаги ҳаракат билан боғлиқ бўлган конвейерли ишлаб чиқариш бўйича касблар ҳам улар учун мос эмас. Агар у интроверт бўлиб, унда невротизм паст бўлса, унга оператор типдаги касблар тўғри келади, одамлар билан мулоқотни талаб этувчи касблар эса, умуман, маъқул келмайди (масалан, раҳбар, тадбиркор, педагог, журналист сингари).

Агар у экстраверт бўлиб, унда невротизм паст бўлса, унга менежер, раҳбар, тадбиркор каби касблар жуда мос келади. Одамлар билан муттасил муносабатда бўладиган соҳаларда у доимо муваффақиятга эришади.

Психологик тест саволи учун жавоб варақаси

Экстраверсия				Невротизм				Ўлғон	
1		33		2		34		4	
3		35		5		37		8	
6		38		7		39		12	
9		41		10		42		16	
11		43		13		45		20	
14		46		15		47		24	
17		49		18		50		28	
19		51		21		52		32	
22		53		23		54		36	
25		55		26		56		40	
27		57		29		58		44	
30		59		31		60		48	

Психолог касб-ҳунарга йўналтирувчининг вазифаси ўқувчиларни касб танлашда қатъиян чеклашлардан иборат бўлиб қолмаслиги керак. У асаб жараёнларининг кучли ёки кучсиз тарафларини, касбнинг шахсга нисбатан қўйиладиган талабларини англаган ҳолда танлаш лозимлигини тушунтиришга уриниши лозим. Касб-ҳунарга йўналтирувчининг вазифаси маслаҳат олувчининг индивидуал хусусиятларини очиқ берган ҳолда муҳокама этиб, уларга касбнинг талабларига мос келиш-келмаслигини тушунтириб беришдан иборат. Бунда руҳий жараёнларнинг кечиш тезлиги турлича бўлган одамларнинг касбий муваффақиятга эришиши, фаолиятининг самарадорлиги нафақат асаб тизимининг хусусиятларига, балки меҳнатга бўлган қизиқиши, билим ва кўникмаларига, ишни ташкил қилишига, энг аввало, муттасил ўз-ўзини ривожлантириш ва кучсиз сифатларини тўлдириб боришига ҳам боғлиқ эканлигини ўқувчиларга тушунтириш лозим.

ТРЕНИНГЛАР

Хулқ-атвор меъёрларига риоя қилиш.

«Тақиқланган мева».

Мақсад: Оилада, ўзбек маданий турмушида тақиқланган хулқ-атвор ҳолатлари мотивларини аниқлаш.

Материаллар: Қути, «мумкин эмас» деб ёзилган иккита табличка.

Ўйиннинг бориши: Ўйин 25 дақиқагача давом этади.

1. Бошловчи қутини хона ўртасига қўяди ва унинг икки томонида «мумкин эмас» деган ёзув бўлиши лозим. Ушбу ёзув ҳамма қатнашчиларга кўриниб туриши керак.

Қутича кун бошланишидан оқ хона ўртасига қўйилгани маъқул. Натижада иштирокчиларнинг қизиқиши ортади. Ўйиннинг асосий қисмига ўтиш осонлашади. Бошловчи ўйин бошланишида иштирокчиларнинг қизиқишларини ошириши мумкин («ҳа, энди, бир қизиқ нарса яширилганда», «Кейин кўрарсизлар», «Бир нарса бор-да» каби сўзлар билан), лекин қутига қарамаслик ҳақидаги тақиқ ўз кучида туриши керак. Кўп

ҳолларда баъзи болалар ўзларини тия олмай, қути ичига қарашга уринишади ва тақиқни бузишади. Сўнгра бошловчи ушбу машқ билан боғлиқ бўлган асосий қисмга ўтади ва гуруҳга қуйидагича йўриқнома беради:

«Хона ўртасида кун бошиданок чиройли қути турибди, унинг хусусияти шундаки, унинг ичига қараш мумкин эмас. Бу қутига нисбатан Сизда бирон қизиқиш уйғонган бўлса керак. Келинглار, кимнинг ичида нима кечаётганлигини таҳлил қилиб кўрайлик. Ўз кечинмаларингиз ҳақида айтиб беринглар».

Таҳлил.

1. Бошловчи иштирокчилардан улар нега ўзини шу хилда тутганлигини сўрайди. Уларнинг ҳаракатларидаги асосий сабабни аниқлашга ҳаракат қилади. Тақиқ ҳақидаги қонидани бузиш қанчалик қийин бўлганлиги ҳақида сўрайди, ўзини тийиб туриш осон ёки қийин кечганлиги ҳақида билишга уринади.

2. Ўйин якуни сифатида одамлар нега тақиқланган хатти-ҳаракатларни содир этишлари, оилавий ҳаётга зид бўлган хатти-ҳаракатларни амалга оширишларининг сабаблари аниқланади. Ушбу якуний хулосалар кичик гуруҳларда ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

«Ўзимизни қандай тутамиз».

Мақсад: *Турли хулқ ҳаракатларини кўриб чиқиш ва уларнинг мулоқотга тегишли ҳаракатларнинг шаклланишига таъсирини аниқлаш.*

Материаллар: тоза қоғоз, ручка, қалам, 3 та суратли плакат ва уларга тааллуқли хулқ, ҳаракатларнинг изоҳи.

Материалларни тайёрлаш: Ҳар бир плакатнинг чап томонига у ёки бу хулқ ҳаракатини кўрсатувчи тасвир туширилган қоғоз ёпиштирилади. Расмнинг ёнида ушбу хулқнинг тавсифлари ёзилган.

Суст (пассив) хулқ:

– Ўз ҳуқуқларингизни таъкидлаш учун ҳеч қандай хатти-ҳаракат қўлламаяпсиз.

– Ўзгаларни ўзингиздан юқори қўйяпсиз.

– Бошқаларнинг хоҳишига ён бераяпсиз.

- Сизни нимадир безовта қилса ҳам индамай турибсиз.
- Доимо узр сўраяпсиз.

Агрессив хулқ:

– Бошқаларни ҳеч қанча ўйламай ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилаяпсиз.

- Ўзгалар устидан ҳукмронлик қилишга уринаяпсиз.
- Ўзгаларни унутиб, фақат ўзингизни ўйлайсиз.
- Бошқалар ҳисобига ўз ҳуқуқларингизга эришаяпсиз.

Ишончли хулқ:

– Ўзгалар ҳуқуқини поймол қилмай, ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя эта оласиз.

- Ўзингизни ва ўзгаларни ҳурмат қиласиз.
- Тинглашни ва гапиришни биласиз.
- Ҳам ижобий, ҳам салбий ҳиссиётларингизни айта оласиз.
- Ўзингизга ишонасиз, лекин ўзгаларни «ҳақоратламайсиз».

Ўйиннинг бориши: Ўйин 20 дақиқа давом этади.

1. Кириш. Кўпинча ўзимизга ишонмаслигимиз бизни турли салбий кучларга қарши туrolмаслигимизга олиб келади, натижада ҳар хил ножўя вазият ва хулқларнинг иштирокчисига айланиб қоламиз. Ҳар хил салбий йўлларга кириб кетмаслик учун ўз хулқ-атворимизни, унинг ички сабабларини яхши тушунишимиз, хатти-ҳаракатларимизни назорат қилишимиз, ҳиссиётларимизни бошқара олишимиз керак.

2. Синф учта кичик гуруҳларга бўлинади.

3. Ҳар бир кичик гуруҳга қуйидагича топшириқ берилади: кўрсатилган учта суратга асосланган ҳолда ҳар хил хулқ формаларининг хатти-ҳаракатлари, ички ҳолатлари ва нутқ хусусиятларини изоҳлаб беринг (гуруҳлар ишлаётган пайтда суратларга тааллуқли тавсифлар ёпиб қўйилади, суратлар эса очиқ қолади).

4. Ҳар бир гуруҳ томонидан тақдим этилган вариантларни муҳокама қилиш. Сўнгра бошловчи плакатдаги тавсифларни ўқиб изоҳлайди. Бошловчилар ўз хатти-ҳаракатлари орқали ҳар хил хулқ моделларини мисол тариқасида кўргазмали намоён этишлари мумкин.

5. Иккала бошловчи иштирокида агрессив ва сушт хулқ кўринишлари тасвирланади. Иштирокчилардан эса бошловчиларнинг ҳаракатлари, имо-ишора ва сўзларини кузатган ҳолда ушбу хулқ кўринишларининг номларини тўғри топишлари сўралади.

Биринчи вазият: Агрессив ҳолатдаги бир киши иккинчи – сушт ҳолатдаги ва ўзи яхши танимайдиган одамдан катта миқдордаги пулни қарз сўраяпти.

Иккинчи вазият: Агрессив ҳолатдаги бир киши иккинчи ўзига ишонган ва эътироз билдираётган одамни спиртли ичимлик ичишга ундаяпти.

6. Иштирокчилар орасидан кўнгилли бир кимса чақирилади ва унга гуруҳдан сир тутилган ҳолда у ўйнаши лозим бўлган роль ва шу ролга тааллуқли вазият айтилади. Бошловчи бу вазиятда ўзига ишонган одамнинг ролини ўйнаса, гуруҳнинг бошқа аъзоси кўнгилли бўлиб агрессив хулқли кимсанинг ролини ўйнайди.

Шуниси аҳамиятлики, бошловчи иштирокчилар орасидан гуруҳ лидерларини ва гуруҳ аъзолари ёқтирмайдиган болаларни ажрата билиши, табиатдан агрессив ва сушт хулқли иштирокчиларни аниқлаб олиши зарур. Бу ҳол кўнгиллиларни аниқлашда жуда муҳимдир. Агрессив хулқли ўсмирларга сушт ёки ўзига ишонган хулқли ролларни тақдим этган маъқул бўлса, сушт хулқли ўсмирлар ўзига ишонганларнинг ролини ўйнашсин.

Ўсмир ўзига берилган ролни муваффақиятли ижро этиши ёки ижро эта олмаслиги унчалик муҳим эмас. Агар бу ролни яхши ижро эта олмаса ўзи ёки гуруҳ бунинг сабабини муҳокама қилишлари мумкин. Агарда роль яхши ижро этилса, гуруҳ аъзолари ушбу хулқ кўриниши қайси бирига тегишли эканлигини дарров билиб олишади.

7. Иштирокчилар тақдим этилаётган хулқ кўринишларини аниқлашади, ўз тахминларини изоҳлашади.

«Ҳалокатга учраган кема».

Ўйин бошланишидан олдин бошловчи «Жавобгарликнинг ўзи нима? Сиз буни қандай тушунасиз?» деган саволни ўртага ташлагани маъқул.

Бошловчи ўқувчиларнинг жавобларини флипчартга ёзар экан, ўқувчилар томонидан «жавобгарлик» сўзининг маъносини тушунишга ҳаракат қилишларини одилонга баҳолаши ва ушбу масала юзасидан билдирилган фикрлар кундалик турмуш тарзимизда учраб туришини таъкидлаб, сўнг жавобларни қўшимча янги мисоллар билан янада бойишга ҳаракат қилиши лозим.

Бу ўринда бошловчи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да жавобгарлик сўзига қандай таъриф берилганлигини айтиб ўтиши мумкин. Лекин луғатдаги сўзнинг маъноси фақат бир тушунча билан кифояланиб қолмайди. Ундаги «жавобгарлик» тушунчасининг изоҳидан ташқари ўз зиммасига олинган «жавобгарлик масъулияти», «жавобгарликни ўз зиммасига олиш», ўз бўйнидан жавобгарликни соқит қилиш, жавобгарликка тортиш, жавобгарлик кимгадир «тушяпти» каби жавобгарликка тааллуқли умумий тушунчалар изоҳи билан ҳам яқиндан таништириб ўтиш керак.

Луғатда «жавобгарлик» сўзига, бирор нарсага жавоб бериш, бўйин эгиш, кафил бўлиш, қарзни узиш каби маънолар сингдирилган.

Алоҳида иқтидорли ўқувчилар учун «жавобгарлик» сўзининг маъноси, унинг келиб чиқиши (этимология) билан яқиндан таништириб, ўзаги «жавоб»дан иборат «жавобгарлик» сўзи ўзбек тилида қадимдан мавжуд эканлигини, баъзи тилларда, шу жумладан, рус тилида «жавобгарлик» сўзи XIX аср охирида пайдо бўлганлигининг қайд этилиши, сўзнинг аҳамиятини ва унга бўлган эътиборни янада оширади.

Суҳбат мавзусига нисбатан ўқувчиларнинг фаоллигини янада ошириш мақсадида сўзга тегишли изоҳ бермасдан аввал, ўртага «Жавобгарлик» сўзи қандай келиб чиққан? У қандай пайдо бўлган? Қани ким жавоб беради?», – деб савол ташлаш ўринли.

«Жавобгарлик» сўзи тушунчаси ҳақида тўла-тўқис маълумот берилганидан сўнг «ўз зиммасига жавобгарлик олиш»нинг аҳамияти қайд этилади. Кейин бошловчи томонидан ўқувчиларга ушбу сифатни шакллантириш машқини таклиф этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу машқни бажариш учун ўқитувчи томонидан қуйидаги йўриқнома берилади: «Ўзингизни Тинч океанида яхтада сузиб кетаётгандек ҳис қилинг. Ёнғин туфайли яхтанинг ва юкларнинг кўп қисми нобуд бўлди. Яхта аста-секин чўка бошлайди. Зарур жиҳозларнинг ишдан чиққанлиги сабабли сиз турган жой ноаниқ. Яқин қуруқликдан тахминан жанубий-ғарбий йўналиш бўйича 1000 км. масофада турибсиз. Бу ҳолатдан қандай чиқиш мумкин?

Қуйида ёнғиндан сўнг бутун қолган ва зиён кўрмаган 14 та жиҳознинг рўйхати берилган. Бунга қўшимча равишда ихтиёрингизда эшкаги бор пуфакли қайиқча ҳам сақланиб қолган. У экипаж аъзоларини сақлаш имконига эга. Шунингдек, бундай ҳолатларда жуда зарур бўлган 4 та нарса ҳам омон қолган. Булар бир қути сигарет, бир неча қути гугурт ва 5 та қоғоз пул.

Ҳар бирингизга 15 дақиқадан вақт берилади. Шу вақт ичида океанда сиз ўзингиз учун ҳамда бошқалар учун жавобгарлик масъулиятини ҳис этишингиз керак. Пастда берилган 14 та жиҳоздан ҳаёт учун зарур бўлган 4 та нарсани аниқлаш лозимки, бу жиҳозлар ёрдамида чўкаётганларни ҳам қутқариш мумкин бўлсин. Бундай танлаш жараёнида энг муҳим ҳисобланган жиҳоз 1-ўринга, кейинги муҳим жиҳоз 2-ўринга, ундан кейингиси 3-ўринга ва ҳ.к. қўйилади.

Бу усул ёрдамида мавжуд барча жиҳозларнинг ўрни белгиланади. Оқибатда, 14-ўринни унчалик аҳамиятга эга бўлмаган жиҳоз эгаллайди.

Энди қуйидаги 14 та жиҳозни ўз ўрнига қўйишингиз керак бўлади. Бунда асло сиз ўзингиз ва дўстларингиз учун жавобгарлик вазифасини олаётганлигингизни унутмаслигингиз керак». Шундан кейин иштирокчиларга қуйидаги жиҳозлар рўйхати ҳавола этилади.

1. Компас.
2. Соқол олиш учун кўзгу.
3. 5 литрли сув идиш.
4. Балиқ тутадиган тўр.
5. Тинч океани хариталари.
6. Ҳаво тўлдирилган ёстик.
7. 2 литрли нефть ва газ аралашмаси идиши.
8. Кичик транзистрли радио.
9. Акулаларни қўрқитувчи жиҳоз, рапеллент.
10. Ёмғир сувини йиғиш учун катта юзали тимқора пластик (клеёнка).
11. Бир неча 80⁰ ли Пуэрто-рико роми.
12. Икки қути шоколад.
13. 25 метр нейлон йўғон арқон.
14. Бир яшик консерва.

Ўқувчилар томонидан тегишли жиҳозни ажратиб олиш жараёни бажарилгач, бир қарорга келиб олишлари учун синфга яна вақт берилади. Ўқувчилар берилган вазифани алоҳида-алоҳида бажариб бўлишганидан сўнг, биргаликда ҳаёт учун ёрдам берадиган 4 та асосий жиҳозни танлаб олишлари керак бўлади.

Уларнинг умумий бир тўхтамга келиши осонроқ бўлиши учун ўқувчиларга қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

– ўзининг шахсий фикрини ҳимоя қилишдан эҳтиёт бўлиш, яъни ўзини устун қўймасдан, кўпчилик томонидан қабул қилинган ягона қарорга кўра жавобгарликни олиш;

– бу қийин бўлса, умумий қарорнинг маъқул жиҳатларинигина қисман қабул қилиш;

– қарор қабул қилинишида ёрдам берадиган турли фикрларни кўриб чиқиш.

Бутун гуруҳ юқорида қайд этилганларнинг энг муҳимларини танлаганидан кейин, шахсий натижаларни гуруҳ натижалари билан солиштириш ва тегишли жиҳозларни танлаб олган бетараф гуруҳ фикри билан қиёслаш фойдадан холи бўлмайди.

Бетараф гуруҳ томонидан танлаб олинган жиҳозлар қуйидагилардан иборат:

1. Сокол олиш учун кўзгу: У ҳаво ва денгиз кутқарувчилари учун сигнал бериш вазифасини ўтайди.

2. Гугурт ёки пул билан ёқиш мумкин бўлган нефть ва газ қоришмасининг икки литрли идиши. Бу ҳам кутқарувчилар эътиборини тортадиган воситалардан биридир.

3. Чанқоқни қондириш учун беш литрли сув идиши.

4. Бир яшик консерва.

«Кеманинг ҳалокатга учраши» машғулоти тугаганидан кейин бошловчи ўз зиммасига жавобгарлик масъулиятини олиш оғир пайтларда юзага келмай, бу сифат ҳар бир кишининг оилавий ҳаётида, кундалик турмуш тарзининг асосий хусусиятларидан бири бўлиши лозимлигини алоҳида қайд этади.

«Мен ҳеч қачонмаганман».

Иштирокчилар навбатма-навбат «Мен ҳеч қачонмаганман» деган жумладан иборат гап айтишлари лозим (масалан, «Мен ҳеч қачон парашютдан сакрамаганман», «Мен ҳеч қачон денгизда чўмилмаганман», «Мен ҳеч қачон сигарет чекмаганман» ва ҳ.к.). Қолган иштирокчилар эса, айтилаётган гаплар, агар улар учун нотўғри бўлса, бармоқларини букиб борадилар. Яъни масалан, бирор иштирокчи парашютдан сакраган бўлса, битта бармоғини букади, кейинги иштирокчи томонидан айтилган гап ҳам унинг учун нотўғри бўлса (яъни у денгизда чўмилган бўлса) яна битта бармоғини букади ва ҳ.к. 10 та гап айтилганидан сўнг кимнингдир бармоқларидан бирортаси ёки бир нечтаси букилмасдан қолган бўлса, ўша ютади. Бошловчи иштирокчиларни олдиндан айтилаётган гаплар ҳаётий бўлиши лозимлиги ва бармоқларни адолатли букиш кераклиги ҳақида огоҳлантириши керак. Жинс хусусиятларини эътиборга олмасдан гап айтган иштирокчи ютқазади. Бир хил ҳаёт тарзига эга бўлган одам (букилмаган бармоқлари қанча кўп бўлса) ютади, аксинча, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган одам (барча бармоқлари букилган)

ютқазади. Ўйин шу тарзда барча иштирокчилар биттадан гап айтгунларича давом эттирилади.

«Қадриятлар».

Мақсад: *Шахсий қадриятлар иерархияси тузилиши муҳимлигининг аҳамиятлилик даражасини ҳис қилиш ва англаш.*

Шарт-шароитлар: машқ тинчлантирувчи, бир маромдаги мусиқа садолари остида бажарилиши зарур. Бунда матнни ўқиётган бошловчи овозининг қандай оҳангда эканлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўйиннинг бориши:

Иштирокчиларга олтита варақ тарқатилиб, мана шу қоғозларга ўз ҳаётларидаги энг қадрли нарсаларни аҳамиятлилик даражасига кўра ёзиб чиқишлари сўралади. Кейин варақлар шундай аралаштириладики, энг қадрли нарса ёзилган варақ охирида туриши керак. Бошловчи иштирокчиларга қандайдир ҳодиса рўй бериб, биринчи варақда ёзилган қадриятдан маҳрум бўлганликларини ҳис қилиб кўришларини таклиф қилади. Сўнгра бошловчи иштирокчилардан шу қадрият ёзилган қоғозни ғижимлаб улоқтиришни ва ҳаётни ана шу қадриятсиз тасаввур қилиб кўришларини сўрайди.

Шу тариқа ҳар бир қадриятдан воз кечиб борилади. Шундан сўнг иштирокчиларга қадриятдан ажралаётган вақтда қандай ҳиссиёт, қандай туйғуни ҳис қилганлигини эслаш таклиф қилади. Кейин бошловчи мўъжиза рўй бериб, қадриятларни бирма-бир қайтариш имконияти туғилганлигини эълон қилади ва ғижимланган қоғозларни бирма-бир қайтариб олади. Сўнг иштирокчилардан қадриятларнинг йўқотилган пайтдаги ҳолати ва ғижимланган қоғозларга ёзилган ҳолатини солиштириб, йўқотилган пайтдаги қадриятларни ҳозир ҳам худди шундай кадр-қимматга эгами ёки йўқми эканлигини сўрайди. Агар гуруҳ аъзолари қадриятларни аҳамиятига кўра ўринларини алмаштирган бўлса, буни ҳам баён қилишлари керак. Машғулот сўнгида бошловчи натижаларни муҳокама қилиб, хулосаларни баён этади.

Дикқат! Машғулот жараёнида иштирокчилар кучли руҳий кечинмаларни, зўриқишларни ҳис қилишлари мумкин. Шунинг учун машғулот ортиқча шовқин-суронсиз ўтишига, ортиқча овозлар бўлмаслигига, иштирокчиларнинг бир-бирига ҳалақит бермаслигига ва бегона одамларнинг хонага кирмаслигига эътибор бериш лозим. Шу билан бирга бошловчи ҳам иштирокчиларга диққат-эътиборли бўлиши зарур.

«Мумкин эмас...»

Ўйиннинг бориши:

Гуруҳ иккига бўлинади. Биринчи гуруҳ ўз истак-хоҳишларини баён қилади, иккинчи гуруҳ эса бунга рад жавобини бериши керак. 10 дақиқадан кейин гуруҳлар ўз ўринларини алмашади. Ўйин тахминан қуйидагича бошланиши мумкин:

– Мен бугун кечқурун дискотекага бормоқчи эдим.

– Йўқ, мумкин эмас, кеч бўлиб қолади.

Ўйиндан сўнг хоҳишларни рад қилиш учун қўлланилган далиллар, уларнинг сабаблари ва мазмуни таҳлил қилиб чиқилади. Бошловчи қуйидагича хулоса қилса бўлади: «Асосли ва асоссиз рад этишлар бор. Кўпинча сизга баъзи тақиқлар асоссиздай туюлиши мумкин, бироқ уларда ҳам мақсад, мазмун борлигини инкор эта олмаймиз. Агар биз истагимиз нега рад этилаётганлигини англасак, тушунсак, бунга кўнишимиз осонроқ бўлади. Баъзан ўзимиз қилаётган хатти-ҳаракатларимиз, истагимиз ноўрин эканлигини ҳам англаб турамыз. Бундай ҳолда тушунишимиз қийин бўлган кечинмаларни ҳис қиламыз».

Низоли вазиятлар ўйинлари.

«Низоли вазиятларни ҳал этиш».

Мақсад: Низони бартараф этувчи ҳаракатлар намунасини ҳавола этишдан иборат (айни ҳолатда бу – ўз-ўзига ишончли хулқ-атвор кўринишидир). Иштирокчиларни «ичи пуч» низоларнинг сабаблари билан таништириш. «Ижтимоий хавфли» вазиятлардан конструктив (ижобий ечим топган ҳолда) чиқиб кета олиш ва низодан четда қолиш малакаларини шакллантириш.

Материаллар: Вазиятлар баён этилган 3 хил рангли қоғозлар.

Вазиятлар:

N1: «Тенгқурларинг ҳали бирор марта сигарет чекиб кўрмаганингни мазах қилиб, устингдан кулишаяпти. Улардан бири сенга: «Сен ҳали ёш боласан ва бундай жиддий ишлар билан шуғулланиш сенга эртаклик қилади», – деди. Унинг гапи сенга жуда оғир ботди ва сен унга жавоб беришга қарор қилдинг.

N2: Хулқи яхши бўлмаган тенгқурларингдан бири кечқурун каердадир ўтадиган кечага сени таклиф қилаяпти. У бола (қиз) спиртли ичимлик истеъмол қилади ва ҳатто сигарет ҳам чекади. У сенга: «Юр, бир дам олиб келамиз, сен ахир катта йигитсан-ку (қизсан-ку), уйингдагилар сенга рухсат беришади-ку», – деяпти. Бу вазият сени безовта қилаяпти ва сен унга рад жавобини бермоқчисан.

N3: Агрессив ҳолатдаги киши иккинчи – ўзига ишонган ва эътироз билдираётган одамни спиртли ичимлик ичишга ундаяпти.

Ўйиннинг бориши: Ўйин 20 дақиқа давом этади.

1. Бошловчи кўпинча учрайдиган низоли вазиятларнинг сабабларини айтади ва уларнинг олдини олиш ёки улардан чиқишнинг қадам-бақадам босқичларини санаб ўтади.

«Ичи пуч» низоларнинг сабаблари:

Кўпинча одамлар ўртасидаги низоли муносабатларнинг сабаби – улар бир-бирларини ёки бирон муаммога нисбатан шеригининг муносабатини охиригача яхши тушунмаслигидадир. Бундай вазиятларда суҳбат келишиш йўналишида эмас, балки ўзаро талаблар қўйиш даражасида олиб борилади. Кўп жиҳатдан, бу хил ҳаракат услубини танлашнинг сабаби низоли вазиятлардан чиқиш тажрибасининг йўқлиги ва низоларни конструктив ҳал эта олмаслиқдир.

Низони конструктив ҳал этиш учун ҳар икки томонни нима қониқтирмаётганлигини аниқлаб олиш зарур. Бунинг учун эса бир неча қадамдан иборат бўлган қуйидаги алгоритмни ўзлаштириб олган маъқул:

* Муаммонинг моҳиятини ва айти пайтда нимани ҳис этаётганлигини тушутиринг. Муаммо ҳақидаги ўз фикрини тўла баён этинг.

Ушбу вазиятдан чиқиш ечимини, ўз талабингиз ва илтимосингизни айтинг.

* Сизнинг талабингиз юзасидан шеригингизнинг фикрини аниқланг.

* Шеригингизнинг самимий гаплари ёки у таклиф этган ечим учун унга ташаккур билдиринг.

2. Бошловчи иштирокчилар орасидан №3 вазиятни ижро этиш учун кўнгиллиларни чақиради ва бу ўйин орқали низоли вазият келиб чиқишининг олдини олиш имконияти намоён этилади. Муҳокама.

3. Гуруҳ учликларга бўлинади.

Ҳар бир учликда учта вазият ўйин тариқасида ижро этилади (ҳар бир иштирокчи агрессив, низодан чиқа олувчи ва ўзига ишонган одам ролида ҳамда кузатувчи ролида иштирок этиши шарт).

4. Ҳар бир вазият ижро этилганидан кейин кузатувчилар ўз таассуротлари билан ўртоқлашадилар.

5. Ўйин ниҳоясида иштирокчилар ўз кечинмалари ҳақида фикр алмашадилар, қандай ижобий натижаларга эришилганлиги ёки муваффақиятсизликларининг сабаблари муҳокама қилинади.

Мулоқот мавзусига тегишли ўйинлар.

«Бузуқ телефон» машқи.

Мақсад: Маълумот узатишдаги бузилишларни англаш.

Маълумотни анланган ҳолда идрок қилиш ва фаол тинглаш услубини ўзлаштириш.

Йўриқнома: «Ушбу машқимизда 6 киши иштирок этиши керак. Бунда 5 киши хонадан ташқарида пойлаб туради. 1 киши эса хонада қолади. Мен хонада қолган одамга оғзаки топшириқ айтаман. Бу одам иложи борица ҳамма топшириқни эслаб қолади ва иккинчи (хонадан ташқарида турганлардан бирига) одамга айтади. Иккинчи одам учинчисига, учинчиси

тўртинчисига ва ҳ.к. Биз эса маълумотлар қандай узатилишини кузатиб турамыз. Кейин эса худди шу жараёни муҳокама қиламиз».

5 та ўқувчи хонадан чиққанидан кейин бошловчи қолган 1 кишига қуйидагича топшириқ айтади: «Сиз мактаб директорининг муовинисиз. Директоримиз Собир Комилович Сизни анча пойладилар. Лекин келмаганингиздан сўнг сизга мен орқали топшириқ айтиб кетдилар. Айтдиларки, у киши ҳозир бизга Япония аппаратурасини олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга кетдилар. У ердан чиқиб тумандаги кенгайтирилган йиғилишга борар эканлар. Агар улар соат 12 гача келмасалар, ўқитувчилар мажлисини ўзингиз ўтказар экансиз. Бу мажлисда 8 «б» синфнинг давоматини кўриб чиқиш керак. Кейин соат 15.00 да мактабимизга Польшадан келаётган меҳмонларни кутиб олиш учун аэропортга 1 та «Нексия» билан 1 та «Дамас» автомашинасини чиқариш керак экан. Яна айтдиларки, соат 17.00 да ХТБнинг ижтимоий таъминот бўли-мидан гўшт келар экан. Ҳамма ўқитувчиларга 2 килограммдан гўшт тарқатиб, директорнинг улушини холодильникка солиб қўйсангиз, ўзлари келиб олиб кетар эканлар». Шундан сўнг маълумотлар бирин-кетин кириб келаётган ўқувчиларга узатила бошлайди.

Машқ сўнгида, одатда, маълумотнинг бузилиши кузати-лади. Машқда иштирок этган ўқувчилар видео ёрдамида маълу-мот мазмунини билиб оладилар. Шундан сўнг ўқувчиларга ҳар қандай маълумотни биринчи манбадан олиш зарурияти айтиб ўтилади. Маълумотларнинг бир кишидан иккинчи кишига ўтиши натижасида у қанчалик ўзгариб кетиши пайдо бўладиган миш-миш гапларга асос бўлиши айтиб ўтилади.

Маълумот узатишдаги хатоларни бартараф этиш мақсадида фаол тинглашни ўрганиш машқи таклиф этилади. Бу машқ йўриқномасига кўра ҳамма ўқувчилар уч кишилиқ гуруҳларга бўлинадилар. Бу гуруҳдаги уч ўқувчи уч хил ролда иштирок этади: гапирувчи, тингловчи ва назоратчи.

Гапирувчи ҳаётдаги бирор-бир воқеани айтиб беради ва тингловчи бу воқеани иложи борида эсида олиб қолиб,

қайтадан такрорлаб айтиб бериши керак. Назоратчининг вазифаси йўл қўйилган хатоларни айтишдан иборат. Гуруҳдаги ҳар бир иштирокчи учта ролдан бирортасида иштирок этиши шарт. Ушбу машқни бажариш орқали иштирокчилар вербализация, яъни фаол тинглаш методини ўзлаштирадилар.

Шахслараро муносабатлар ва низоли вазиятларни ҳал этиш усуллари.

Мақсад: Ролли ўйин орқали ҳамкорлик муносабатлари ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш.

Бошловчи 10 та ўқувчини хонанинг ўртасига таклиф этади. Улар икки қатор бўлиб, бир-бирларига қарама-қарши туришади ва улар олдида йўриқномага биноан вазифа қўйилади.

Йўриқнома: «Тасаввур қилинг, сиз иккита мактабнинг вакилларисиз. Яқинда физика фанидан икки кунлик олимпиада бўлиши керак, лекин олимпиаданинг қаерда бўлиши ҳали аниқ эмас. Биринчи қатор – А томон – биринчи мактаб вакиллари, иккинчи қатор эса – В – томон – иккинчи мактаб вакиллари. Олимпиада кимнинг мактабида ўтиши ҳозирги сизнинг ҳаракатингизга боғлиқ. Ҳар бир томондаги ўқувчи иложи бо-рича қаршисидаги шеригини ҳар хил ваъдалар, таклифлар билан ўз томонига оғдириб олишга ҳаракат қилиши керак. Лекин бу мулоқот, сўзсиз, имо-ишоралар ёрдамида ўтиши керак. Қайси томонга ўтилса, олимпиада шунинг мактабида ўтади. Бунинг учун сизга икки дақиқа вақт берилади».

Ўқувчиларнинг мулоқоти тугагандан сўнг бажарилган вазифа таҳлил этилади. Иштирокчилар жойларига ўтирганларидан сўнг бошловчи бўлиб ўтган ечим вариантларини флипчартга ёзади. Ушбу музокарадаги муносабатлар қуйидагича бўлиши мумкин.

1. А-Б. А томон В томонга ўтади ва В жойида қолади. Муносабатларнинг бу тури В нуктаи назаридан қараганда рақобат деб аталади.

2. А-Б. А томон жойида қолади, В томон эса А томонига ўтади. В нуктаи назаридан қараганда бу хил муносабат ён бериш деб аталади.

3. А-Б. А ҳам Б ҳам бир-бирларининг томонига ўтишмайди ва ўз жойларида қолишади, бу хил муносабат пассивлик, яъни масалани ҳал этишдан қочиш дейилади.

4. А-Б. Тўртинчи муносабат типи компромисс деб аталади. Бизнинг мисолимизда олимпиада 3-бир мактабда ўтказилиши таклиф этилади.

5. А-Б. Бу муносабат тури ҳамкорлик деб аталади. Ва бунда муаммо иккала томоннинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилади. Яъни олимпиаданинг бир куни бир мактабда, иккинчи куни эса иккинчи мактабда ўтади. Бу ҳолда иккала томоннинг қизиқишлари қондирилади. Ва ҳеч қайси томон ўзини камситилган деб ҳис этмайди.

Бу машқ хулосасига кўра, мулоқотнинг ҳамкорлик услуби энг самарали ва конструктив бўлиб ҳисобланади.

Машғулотнинг иккинчи ярми низоли вазиятларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, ўқувчилардан бирон-бир низоли, муаммоли вазиятни айтиш сўралади. Ушбу низоли вазиятнинг турли ечимлари ўқувчилардан сўралади ва ҳар бир таклиф этилаётган вариант бирон муносабат турига тааллуқли деб топилади. Одатда, муаммоли вазият ечимларидан ҳамкорликка тааллуқли бўлган вариант низоли ҳал этишдаги конструктив йўл бўлиб ҳисобланади. Бир неча низоли вазиятларни таҳлил этиш орқали ўқувчилардан ушбу хулоса мустаҳкамланади.

«Автобусда».

Мақсад: Ўқувчиларда муомала маданиятини шакллантириш, шахслараро муносабатларни ижобий ривожлантириш.

Иштирокчилардан бири автобусдаги безори ролини ўйнайди, қолганлар эса йўловчилар. Безори автобусдаги иккита ўриндикни эгаллаб олиб, бирига ўзи ўтирибди, бирига эса магнитофонини қўйган. У ҳеч кимга жой бермоқчи эмас. Йўловчилардан ҳар бири безори билан тил топишиб, унинг ёнига ўтиришга ҳаракат қилиб кўриши керак. Шарт шуки, мақсадга жанжалсиз эришиш лозим.

«Авлодлар ўртасидаги низо».

Мақсад: Ўқувчиларда муомала маданиятини шакллантириш, шахслараро муносабатларни ижобий ривожлантириш.

Бунда уч киши иштирок этади – йигит, қиз ва катта ёшли одам. Авлодлар ўртасида «Эҳ, ҳозирги ёшлар...» қабилида тақлид уюштирилади. Йигит ва қизнинг вазифаси: имкон борича хушмуомалалик билан низодан қочиш. Ҳакам аъзолари ҳар бир ўқувчининг ҳаракатини баҳолаб боради.

«Орқадаги ёзувлар».

Иштирокчиларнинг орқаларига варақ маҳкамлаб қўйилади. Ҳамма иштирокчилар хонада хоҳлаган одамнинг олдига бориб, унинг орқасидаги қоғозга бу одамнинг нимаси ўзига ёқишини ёзиши керак. Вазифани мукаммаллаштириш ҳам мумкин. Масалан, ўша одамда нимани ўзгартиришни хоҳлашини ҳам ёзиши мумкин.

Информацияни (маълумотни) сўзсиз узатиш.

Бу ўйинда бошловчи йўналтириб турувчи ролини бажаради. Бошловчи шундай тушунтириш беради: «Ҳозир бир киши хонадан ташқарига чиқиб туради, қолганлар эса унга қанақа маълумотни айтиш лозимлиги ҳақида келишиб олишади. Мен уни чақираман, шунда бутун гуруҳ имо-ишора, турли қилиқлар ва юз ҳаракатлари билан унга шу информацияни узатишга ҳаракат қилишади. Чақирилган одамнинг вазифаси – гуруҳ унга айтмоқчи бўлаётган маълумотни англаб олишдан иборат».

Бошловчига эслатма: Одатда, ўсмирлар ўйин муҳитидан ножўя хатти-ҳаракатларни бажариш учун баҳона сифатида фойдаланишлари мумкин. Албатта, бу ўйинда ножўя ҳаракатлар бўлиши табиий, лекин кимки вазиятдан шўхлик ва ҳазил-ҳузул учун фойдаланмоқчи бўлса, уни ўйнаётган гуруҳни ўзи тартибга келтириб қўйиши керак. Бу усулнинг муҳим таъсир кучига эгалигини ҳисобга олиб, уни жамоатчиликдан холи ва шовқин кам бўлган махсус хоналарда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Икки қўллаб кўришиш.

Иштирокчиларнинг ҳаммаси доира шаклида ўтиришади. Қўллар бир-бирига бирлаштирилган бўлади. Иштирокчилар бирваракайига хоҳлаган томонидаги (чап ёки ўнг ёнидаги) кишига саломлашиш учун қўшқўллаб қўл узатади. Униси эса қўлларини ёнидагисига узатиши мумкин ва биринчи иштирок-

чига навбат етгунича шу ҳолда давом этади. Шундай қилиб, бир нечта мос келмаслик ҳолати кузатилиши табиий. Ана шунда қанақанги қий-чув кўтарилишини кўрасиз!

Бу ўйинни бир неча бор такрорлаш нафас ростлаш ва тинчланиш учун фойдалидир.

Азиз меҳмон ўйини.

Мақсад: а) шахсининг ва хусусан, протогонист (меҳмон) шахсининг гуруҳ томонидан ҳурмат қилинишини тасдиқлаш; б) гуруҳда одам билан муомала қилиш санъатини шакллантириш; в) бевосита (ўйинни амалга ошириш орқали) гуруҳдаги айрим иштирокчиларнинг протогонистга нисбатан салбий муносабатини шакллантириш.

Бу ўйинда протогонист сифатида гуруҳдаги энг кўзга ташланмайдиган, суст ўсмир танланади.

Бошловчи ўйиннинг моҳиятини қуйидагича тушунтиради: «Ҳозир бир киши ташқарига чиқиб, то уни чақирмагунимизча эшик орқасида кутиб туради. Қолганлардан 7 кишини биз ҳар бир ўйин қатнашчиларининг иштирокини ва хулқ-атворини баҳолаш учун (5 балли системада) ҳакам сифатида сайлаймиз. Вазифангиз нимадан иборатлигини айтиб олинг: эшик ортидаги киши – бизнинг энг азиз меҳмонимиз. Тасаввур қилинг, у бизнинг республикамиз учун дўст мамлакат бўлган АҚШ давлатининг вакили бўлиб, Ўзбекистон ва Америка ўртасида мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш учун ташриф буюрган. Иштирокчилардан бири меҳмонни чақиради, шу билан бирга унга ҳамроҳлик ва таржимонлик ҳам қилади. Қолган иштирокчиларнинг ҳар бири меҳмон билан кўришишга, ундан ниманидир сўрашга, унга нималарнидир гапириб беришга ҳаракат қилиши керак, чунки меҳмон зерикиб қолмаслиги керак. Ҳакам аъзоларининг вазифаси: қатнашчиларнинг иштирокини кузатиб бориб, кимда-ким меҳмон билан куруқ, бетакаллуф, сохта, хушомадгўйларча ва одобсизларча муносабатда бўлса, уларнинг балларини туширишдан иборат. Одобсизлар ва баллари паст бўлганлар ўйиндан чиқарилади. Ҳакамлар ҳар бир иштирокчининг ўртача баҳосига қараб, унинг ўзаро муносабатга киришиш қобилиятига баҳо берадилар».

Бошловчи ҳам иштирокчилар билан биргаликда ҳакам аъзоларини, ҳамроҳлик қилувчи (таржимон)ни ва «меҳмон»ни танлайди. Ҳамроҳлик қилувчи хонадан чиқиб кетади ва бир пасдан сўнг «меҳмон»ни бошлаб киради. Иштирокчилар протогонистни доира шаклида ўраб оладилар ва унинг атрофида ким қандай истаса шундайлигича ўтирадилар. У билан гаплашишнинг навбатма-навбатлиги шарт эмас, муҳими, ҳар бир иштирокчи у билан муносабатга киришиши керак.

Олдиндан маълум бўлган кулгули нарсалар (меҳмон билан «чет тилида гаплашиш» ва мулоқотнинг одатланилмаган усули) ўйинга завқ бағишлайди, кулгу уйғотади, лекин таъкидланган жиддийлик йўқолмайди. Тажрибаларда кўринишича, протого-нист билан мулоқотда бўлувчи шахслар ўз муносабатларида ҳазиломуз, кулгули ҳаракатларни ҳам қўллайдилар. Бунда иштирокчилар, ҳатто ҳакамлар томонидан баллар камайтири-лиши эҳтимолини ҳам унутиб қўядилар. Шундай вазият кузатилганда, ўйин ниҳоясида бошловчи иштирокчиларнинг бу хил (ноўрин) ҳаракатларини енгилгина бўлса ҳам таъкидлаб ўтиши керак.

Меҳмон номига айтилаётган олқишлар ҳақида олдиндан бошқотириб ўтириш шарт эмас, балки иштирокчилар бунини ўйин жараёнида ўйлаб топишларига имконият яратиш керак.

«Автобус» ўйини.

Мақсад: Мулоқот мазмунини шахснинг новербал ҳаракат-ларидан англаш имконияти ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш. Новербал компонентлар: имо-ишора, мимика ва миссий ҳолатларни ўқий олиш қобилиятларини аниқлаш.

Бошловчи иштирокчиларга инсоннинг мулоқот жараёни қанчалик бой эканлиги, у фақатгина оғзаки мулоқотдан иборат бўлмай, балки сўзлар ёрдамисиз узатиладиган маълумотларга ҳам бой эканлиги ҳақида айтиб ўтади. Сўзлар ёрдамисиз узатиладиган маълумотлар мулоқотдаги новербал компонент дейилади. Бу хил компонентларни: имо-ишоралар, мимика (юз ифодаси) ва ихтиёрсиз тана ҳаракатларини мулоқотга киришаётган ҳар қандай одамда кузатиш мумкин. Бу хил компонентларни зеҳн билан кузатиш ва тушуниш натижасида

кўпинча суҳбатдошимиз айта олмайдиган майл, истаклари ҳақида маълумот олишимиз мумкин. Бу хил ҳаракатларни кузата олиш қобилияти инсон ички оламида юзага келаётган норозиликларни олдиндан сезиш, суҳбатдошини «яримта» гапидан тушуна олиш имкониятини беради. Натижада, мулоқот жараёнида бу хил омилларни ҳисобга олиш бу жараёни анча енгиллаштиради ва ўзаро тушуниш ҳиссини келтириб чиқаради. Ўқувчиларда бу хил билимларни мустаҳкамлаш учун қуйидаги машқ таклиф этилади. Ўқувчилар икки қатор бўлиб бир-бирларига қарама-қарши ҳолда юзма-юз турадилар. Ҳар бир ўқувчи қаршисидаги шериги билан машқни бажаради. Йўриқнома: Тасаввур қилинг, сизлар қарама-қарши томонларга кетаётган автобусда кетаяпсизлар, автобус ойнасидан бошқа автобусда кетаётган танишингизни кўриб қолдингиз. Биринчи гуруҳдагилар сизларнинг ўша танишингизга бирон зарур, муҳим гапингиз бор. Имо-ишора орқали унга ўз фикрингизни тушунтиришингиз керак. Иккинчи гуруҳдагилар, сизлар ўз суҳбатдошингизни имо-ишорасидан нима демоқчи эканлигини тушуниб олишингиз керак. Ўқувчилар машқни бажариб бўлганларидан сўнг бошловчи ҳар бир гуруҳ иштирокчиларига қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Шеригингиз бермоқчи бўлган маълумотдан нимани тушундингиз? Иккинчи гуруҳдагиларга эса «Сиз аслида нима демоқчи эдингиз?», деб сўралади. Натижалар солиштириб чиқилади ва новербал имо-ишора ва хатти-ҳаракатлар индивидуал хусусиятга эга бўлиши билан бирга умумий томонларга ҳам эгалиги таъкидлаб ўтилади. Мулоқот давомида бу жараён иштирокчиларнинг нафақат сўзлари, балки хатти-ҳаракатлари, юз ифодаси, товушидаги интонацияларни ўқий олиш зарурлиги ҳақида хулоса чиқарилади.

Танишув ўйинлари.

«Қор йиғими».

Бошловчи кўрсатмасига биноан унинг ўнг ёки чап томонида турган иштирокчилардан биттаси ўз исмини айтади. Иккинчиси эса биринчи иштирокчининг ва ўзининг исмини айтади. Учинчи иштирокчи эса биринчи, иккинчи иштирокчи-

нинг ва ўзининг исмини айтади. Шу тариқа охиригача давом этади. Охирги иштирокчи биринчи иштирокчидан бошлаб, то гуруҳ аъзоларидан ҳаммасининг ва ўзининг исмини айтади. Гуруҳ аъзоларининг бир-бири билан танишиши ана шу тарзда амалга ошади.

Иккинчи турда ҳар бир иштирокчи ўзига таҳаллус (гул, мева, бадий қаҳрамон, планеталар номи каби) ўйлаб топиб, кейин ўша таҳаллус бўйича ўзини таништиради. Бу машқ ҳам шахслараро чиниқиш, хотирани мустаҳкамлаш, эмоционал тангликнинг олдини олиш мақсадида хизмат қилиши мумкин.

«Олма».

Қатнашувчилар давра кўриб ўтирадилар. Бошловчи «Менинг исмим... Мен ...ни яхши кўраман (хоҳлаган нарсга ёки кишини айтиши мумкин)», – дейди ва олма (копток)ни бирон кишига қараб отади. Олма (копток)ни илиб олган иштирокчи ҳам ўз навбатида ўзини шундай таништиради ва коптокни бошқа иштирокчига узатади. Ўйин барча иштирокчилар ўзларини таништириб бўлгунларига қадар давом этади.

Иштирокчилар таништириш жараёнида айтилиши мумкин бўлган жумлалар:

Мен ... яхши кўраман (кишини исми ҳам бўлиши мумкин).

Болалигимда яхши кўрган овқатим ... (каша) эди.

Мен ёқтирадиган ранг (гул ёки мева) - ...

«Исмлар — фазилатлар».

Бу ўйин гуруҳ иштирокчиларининг кайфиятини кўтариш, иштирокчилар ўзларини эркин ҳис қилишлари учун ташкил қилинади.

Ҳар бир иштирокчи бирон-бир исмнинг биринчи ҳарфи билан бошланадиган шахснинг ижобий характер-хусусияти, киши фазилати номини айтиши лозим (Масалан, Рашид – ростгўйлик, Мурод – мардлик ва ҳоказо).

«Жуфтлик асосида танишув».

Иштирокчилар жуфт-жуфт бўлиб 10 дақиқа давомида бир-бирларига ўзлари ҳақида маълумот берадилар. Кейин улардан бири иштирокчилар бир-бирларини таништиргунларига қадар давом этади.

Аҳиллаштирувчи ўйинлар.

«Ботқоқлик».

Бунинг учун картондан ясалган ўртача катталиқда «ликопчалар» керак бўлади. Уларнинг сони 9 та бўлиши керак. Гуруҳ аъзолари қатор бўлиб, бирин-кетин тарелкаларга оёқ қўйиб ботқоқликдан ўта бошлайдилар, атрофда эса (иккинчи гуруҳ аъзолари) қароқчи тимсоҳлар юради. Тимсоҳлар тарелкаларни олиб қўйишга шай турадилар, мақсад ҳар бир гуруҳ аъзоси тарелкалардан оёқ узмаслиги, ҳеч бўлмаганда бир оёқнинг учи билан уларни босиб туриши керак. Агар гуруҳ аъзолари иттифоқ бўлиб ҳаракат қилсалар, мағлубиятсиз ботқоқликдан ўтадилар, биронта ликопчани тимсоҳга бермайдилар.

«Автобус».

Иштирокчилар икки гуруҳга бўлинадилар. Бошловчи улар иккита автобусда жойлашишлари кераклигини айтади. Автобус ўриндиқлари сифатида стуллардан фойдаланиш мумкин. Иштирокчилар стулларга бир-бирларига қарама-қарши жойлашиб ўтирадилар. Ҳамма икки автобусга жойлашиб бўлгач, бошловчи биринчи автобус юрмаслигини, у бузилиб қолганлигини маълум қилиб, ҳамма иккинчи автобусга ўтиши кераклигини айтади. Бу ўйин гуруҳдаги иштирокчилар орасида бир-бирига нисбатан ишончни ривожлантиришга ёрдам беради.

Топинг-чи, бу ким?

Бунинг учун ҳар бир иштирокчи шу гуруҳ аъзоларидан кимнингдир 10 тадан кам бўлмаган характер-хусусиятларини қоғозга ёзади, лекин ким ҳақда ёзганлигини, ҳатто ўғил ёки қиз болалигини ҳам ҳеч кимга айтмайди. Қолган иштирокчилар ёзилган характер-хусусиятларига қараб, гап ким ҳақида кетаётганлигини топишлари лозим. Агар гуруҳ гап ким ҳақида кетаётганлигини қанчалик тез топса, уни таърифлаган иштирокчи моҳир одам сифатида рағбатлантирилади.

«Орқама-орқа».

Иштирокчилар хона бўйлаб ҳаракат қиладилар. Бошловчи тана аъзоларидан бирининг номини айтади, масалан, «орқа» дейди. Шунда иштирокчилар ўзларига жуфт топиб, бир-бирига

суянишлари керак. Ўзига шерик топа олмаган иштирокчи эса ўртага чиқади ва ўйинни давом эттириш учун бошқа тана аъзоларининг номини айтади (масалан қўл, оёқ, бош бармоқлар, елка ва ҳоказо).

«Ғарам, тепалик, сўқмоқ».

Иштирокчилар 6-10 кишилик гуруҳга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳ аъзолари бир-бирларининг қўлларида ушлаб, давра курадилар. Ўйин иштирокчиларнинг ўнг томонга қараб айланиши билан бошланади. Бошловчи томонидан «Сўқмоқ» дейилганда иштирокчилар бир қатор бўлиб ўтириб олишлари керак. «Ғарам» дейилганда ҳар бир гуруҳ 2 кичик гуруҳга бўлинади ва бир-бирига юзма-юз бўлиб, қўлларини бирлаштириб юқорига кўтарадилар. «Тепалик» дейилганда эса, иштирокчилар яна бир қатор бўладилар, бироқ бунда гуруҳдаги бир иштирокчи турса, иккинчиси ўтириб олади, натижада тепаликлар кўринишини акс эттирадилар. Вазифани бошқалардан олдин ва яхши бажарган гуруҳга 1 балл берилади. Шундай қилиб энг кўп балл жамғарган ғолиб деб топилади.

«Қаерга, қаерга».

Гуруҳ аъзоларининг ҳар бири рақам билан номланади. Иштирокчилар ўз рақамларини эслаб қолишлари керак. Шундан сўнг улар аралашиб кетишади. Бошловчи ўртада туриб иккита сонни айтади. Шу рақамлар билан номланган иштирокчилар «қаерга, қаерга» деб бир-бирларининг ўринларига ўтиб олишлари зарур. Бошловчи ҳам бу орада очиқ қолган жойни эгаллашга уринади. Жойсиз қолган иштирокчи ўйинни давом эттиради.

«Қайта тузилиш».

Иштирокчилар 2 гуруҳга бўлинадилар ва бошловчи ишораси билан турли белгиларга кўра тезроқ сафга тизилишга ҳаракат қиладилар (масалан, оёқ кийимининг ўлчами, туғилган кун ва ҳ.к.лар ҳисобига олиниши мумкин).

«Ишонч паравози».

Барча иштирокчилар бир қаторга тизилишади. Биринчи иштирокчидан ташқари гуруҳ аъзоларининг ҳаммаси кўзларини юмишади ва бир-бирларининг белидан ушлаб олишади. Би-

ринчи иштирокчининг вазифаси – «паравоз»ни хона бўйлаб тўсиқлар (йўллар) орасидан олиб юриш, қолганлар эса олдиндаги иштирокчининг ҳаракатларига мос равишда тўсиқлар орасидан уринмай-суринмай ўтишлари даркор.

«Ёмғир».

Иштирокчилар айлана кўринишида туриб олишади Бунда жимлик ҳукм суриши керак. Бошловчи ҳозир сиз ёмғир товушини эшитасиз, лекин бунинг учун менинг ҳаракатларимни такрорлашингиз керак», – дейди. Бошловчи ўртада туриб ҳар бир иштирокчининг олдига келади ва унинг кўзига қараб, муайян ҳаракатларни бажариб кўрсатади. Ҳар бир иштирокчи токи бошловчи бутун даврани айланиб келиб бошқа ҳаракатни кўрсатмагунича, шу ҳаракатни бажариб туриши зарур.

Ҳаракатлар:

- Кафтларни бир-бирига ишқалаш;
- Бармоқларни қирсиллатиш;
- Тиззаларни шапатилаш;
- Тиззаларни шапатилаб, оёқларни дўпиллатиш;
- Тиззаларни шапатилаш;
- Бармоқларни қирсиллатиш.

«Кўринмас совға».

Иштирокчилар давра куриб олишади. Бошловчи кўлида нарсани яшаш мумкин бўлган кўринмас лой борлигини ва иштирокчилар ундан совға ясаб, ўнг томонидаги иштирокчига узатишлари лозимлигини айтади. Совға ясалади ва қабул қилиб олингач, яна бошқатдан совға ясалиб, навбатдаги иштирокчига тақдим этилади. Шу тариқа барча «совға» олмагунича бу ҳаракатлар такрорланади. Ўйин охирида кимнинг нима совға қилгани ва сабаби сўралади.

«Яширин лидер».

Гуруҳ аъзоларидан бири хонадан чиқиб туради. Қолганлардан бирини – «лидер»ни танлашади. Қолган иштирокчиларнинг вазифаси: лидер муайян ҳаракатларни бажарганда улар ҳам бу ҳаракатларни такрорлаши керак. Хонадан чиқариб юборилган иштирокчини хонага таклиф қиладилар,

унинг вазифаси: «лидер» кимлигини аниқлаши керак. Агар тўғри топса, лидер билан ўрин алмашади.

«Сакраш».

Гуруҳ иштирокчилари юзларини бир томонга ўгирган ҳолда бир қатор турадилар.

Йўриқнома: «Мен «бир, икки, уч», деб санайман ва ҳар «уч» деганимда сиз қуйидагича ҳолатларда сакрашингиз мумкин:

1. Жойингизда турган ҳолда.
2. Сакраб ўнг томонга ўгирилиш.
3. Сакраб чап томонга ўгирилиш.

Топшириқни бир-биримиз билан гаплашмасдан, жимликда бажарамиз. Машқ ҳамма иштирокчилар бир томонга қараб турмагунларича давом этаверади. Машқни бажаришда ўзаро кўрсатмалар берилмаслигига, айрим иштирокчиларнинг келишиб олмасликларига ва бир иштирокчининг буйруғи билан бирор томонни танламасликка эътибор бериш керак.

Машқ гуруҳни жипслаштиради, кайфиятни кўтаради, қиз-гинликни, тангликни юмшатади. Шунингдек, гуруҳ қатнашчиларининг биргаликдаги фаолиятда келишиб олишларига ва умумий қарорга келишларига имкон беради.

Ўйин охирида гуруҳга бериладиган саволлар: «Гуруҳнинг олдига қўйган вазифани бажаришда нима ёрдам берди?», «Вазифани тезроқ бажаришга нима халақит берди?», «Вазифани тезроқ бажаришга нималар ёрдам бериши мумкин эди?» ва ҳ.к.

Бармоқ ташлаш.

Гуруҳнинг ҳамма иштирокчилари доира шаклида ўтирадилар.

Йўриқнома: «Ҳозир ҳаммамиз биргаликда қуйидаги топшириқни ҳал этишимизга тўғри келади: Мен «бир, икки, уч», – деб санайман ва ҳамма тезлик билан, бир вақтнинг ўзида бир-бири билан келишмасдан, гаплашмасдан, қўлдаги панжаларни хоҳлаган миқдорда ташлайди». Машқ ҳамма бир хилда бармоқ ташламагунча давом этаверади. Давранинг ҳамма

иштирокчилари бир хилдаги бармоқлар сонини ташлаганда машқ тугаган ҳисобланади.

Машқлар турлича ўтиши мумкин. Баъзан гуруҳга вазифа ечилмагунча ўттиз мартагача такрорлаш талаб қилинади, баъзан тўрт-беш марта етарли бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, машқ муҳокама қилиш учун бой маълумотлар беради.

Чигилни ечиш.

Қатнашчилар доира шаклида турадилар.

Йўриқнома: «Келинглари, бир-биримизга яқинроқ туриб оламиз, кичикроқ доира ҳосил қилиб, барчамиз қўлларимизни доира ўртасига чўзамиз. Менинг ишорам билан ҳаммамиз бир вақтда қўлларимизни ушлаймиз. Шундай ушлашимиз керакки, ҳар биримизнинг қўлимиз орасида яна кимнингдир қўллари бўлиши керак. Шунинг учун ёнимиздаги киши қўлини эмас, кейинги қаршимиздаги одамникини ушлашга ҳаракат қилайлик. Иккала қўлингиз билан бир одамнинг иккала қўлини ушламанг – бир қўлингиз билан бир иштирокчининг, иккинчи қўлингиз билан эса иккинчи иштирокчининг қўлини ушланг. Шундай қилиб бошлаймиз. Бир, икки, уч».

Шундан сўнг тренер барча қўллар бир-бирини ушлашганига ишонч ҳосил қилганидан сўнг, гуруҳ қатнашчиларига қўлларини қўйиб юбормай, машқни бошлаш, яъни «чигални ёзишни» таклиф қилади. Тренер ҳам бевосита машқда қатнашади, аммо бу пайтда турли ечимлар таклиф этмайди. Машқ бажариш давомида, гуруҳда машқни ечиш қийинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисида турли фикрлар айтилади. Бундай пайтда тренер хотиржамлик билан, бу ҳал қилиниши мумкин бўлган вазифа эканлигини, чигал ечилиши мумкинлигини таъкидлаши керак. Машқ уч вариантнинг бирор кўринишида ижро этилиши мумкин.

Гуруҳнинг барча қатнашчилари бир доира ичида турадилар. Бу пайтда кимдир орқасига, яна кимдир ёнига қараб туриши мумкин. Асосийси, доира ҳолати сақланиб қолиши керак.

Агар гуруҳ катта бўлса, унда икки ёки ундан ортиқ мустақил доиралар ташкил қилиниши мумкин.

Гуруҳ қатнашчилари занжир бўлиб, бир-бирларига боғланиб доира ҳосил қиладилар. Бу машқни бажариш учун гуруҳ қатнашчиларига вақтни 3-5 дақиқадан 20 дақиқагача белгилаш мумкин. Баъзан гуруҳлар занжирни ечишдан бош тортишлари мумкин.

Машқ якунлангандан сўнг, гуруҳга бундай саволлар билан мурожаат қилинади: «Машқни бажаришга нима ёрдам берди?» ёки «Машқни тезроқ бажариш учун яна нима қилса бўларди?». «Бу машқни тезроқ бажариш учун нима халақит берди?». Бизнинг назаримизда бундай саволлар бериш мақсадга мувофиқдир. Одатда, иштирокчилар ўйин муҳокамасида шундай фикрга келадилар: «Бундай машқни муваффақиятли ҳал этиш учун ҳамкорлик, бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, барча ўзини эркин ҳис этиши, барча кишининг фикрларини инобатга олиш ва машқ жараёнини диққат билан кузатиб бориш керак экан». Бу машқ гуруҳни бириктиришга, шунингдек, оғир кечган кунни мароқли якунлаш имконини беради. Машқни эҳтиёткорлик билан бажариш талаб қилинади, чунки у иштирокчилар орасида жисмоний боғланишни тақозо этади. Агар тренер ўйин давомида бирор қатнашчининг толиққанини сезса, уни ўйиндан озод қилиши мумкин.

Ишчанлик муҳитини яратувчи ўйинлар.

Жой алмашиш

Иштирокчилар доира атрофида ўтирадилар, тренер эса доира ўртасида туради.

Йўриқнома: доиранинг марказида турган киши (бошида бу мен бўламан) бирор умумий белгига эга бўлган нарсани ҳаммага таклиф этади ва кимда шу белги бўлса у жойини алмашади. Масалан, мен шундай дейман: «Синглиси борлар жойингизни алмаштиринг» ва ҳамма синглиси борлар жойларини алмаштиришлари керак. Бунда доиранинг марказида турган киши бўшаган жойни эгаллашга улгуриши лозим. Марказда жойсиз қолган иштирокчи эса ўйинни давом эттириши даркор».

Машқ тугаганидан сўнг тренер гуруҳга қуйидаги саволлар билан мурожаат этиши мумкин: «Сиз ўзингизни қандай сезаяпсиз?», «Ҳозир сизнинг кайфиятингиз қандай?». Қоидага мувофиқ машқлар қуйидагича ўтади. У қизишганликни пасайтиради, кайфиятини кўтаради, диққат ва фикрларни фаоллаштиради.

Ўтириб туриш.

Ҳамма иштирокчилар доира шаклида ўтирадилар.

Йўриқнома: «Мен сизларга у ёки бу панжалар сонини кўрсатаман. Баъзан бир қўлда, баъзан икки қўлда, мен қўлимни кўтаришим билан, шунча иштирокчилар ўринларидан туришлари керак, нечта эканлигини мен кўрсатаман. (Кўп ҳам, оз ҳам эмас). Масалан: агар мен қўлимни кўтариб тўртта панжамни кўрсатсам (кўтаради ва кўрсатади), унда мумкин қадар тезроқ сизлардан тўрт киши туради. Қачонки, мен кафтимни туширсам, улар ўтиришлари мумкин».

Тренер гуруҳга бир неча марта у ёки бу панжаларининг сонини кўрсатади. Машқ бошланишида 5-7 панжани кўрсатиш яхшироқ бўлади, охирига бориб эса 1-2 та панжаларни. Машқнинг бажарилиши жараёнида тренер гуруҳ иштирокчиларининг вазифани бажаришга бўлган интилишлари ҳақида мулоҳаза юритади ва тааллуқли хулосалар чиқаради. Муҳокама вақтида тренер гуруҳга бир неча саволлар бериши мумкин: «Биз олдимизга қўйилган вазифани бажаришимизда нима ёрдам берди ёки унинг бажарилишини нима қийинлаштирди?», «Сиз туришга қарор қилганингизда нимани назарда тутдингиз? Агар бизда бу вазифани олдиндан муҳокама этиш, қарор қилиш имконияти бўлганда, ишни қандай ташкил этган бўлардик?».

Мевали салат.

Ўйин иштирокчилари доира шаклида ўтириб олишади, улардан биттаси (чақирувчи) ўртада туради. У учта одамдан энг яхши кўрган мевасининг номини айтишини сўрайди ва кейин доира бўйлаб юриб, ўзидан бошлаб ҳар бир иштирокчига айтилган уч хил меванинг номи билан «исм» қўйиб чиқади. Масалан, агар мевалар – олма, анор, узум бўлса, ўзига «олма»

деб ном қўяди ва қолганларга ҳам шу тарзда ном қўйиб чиқишни давом эттиради (иштирокчиларнинг ҳаммасига исм қўйилмагунча). Шундан сўнг бошқаларга ном берган ўртадаги одам мевалардан бирортасининг (масалан, олма) номини айтса, барча «олмалар» ўринларини алмашишлари лозим бўлади, ўртадаги одам эса улардан бирининг ўрнига ўтириб олишга ҳаракат қилиши керак. Туриб қолган одам чақирувчи бўлади. Агар ўртадаги одам «мевали салат» деса, барча иштирокчилар ўринларини алмашадилар.

Бу ўйин жуда қизиқарли ва жалб қилиш хусусиятига эга бўлиб, иштирокчилар ўртасидаги барьерни йўқотишга ва уларни тез ўйлаб, тез ҳаракат қилишга ундайди.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
------------	---

I. Инклюзив таълим технологиясининг назарий

асослари

Инклюзив таълимнинг муаммо сифатида ўрганилганлиги....	7
Имконияти чекланган болаларни ўқитишда инклюзив таълимнинг мақбуллиги ва самарадорлиги.....	16
Инклюзив таълим технологиясининг мақсади, вазифалари ва мазмуни.....	24
Инклюзив таълим тизими тамойиллари.....	29
Таълим муассасаларида инклюзив таълимнинг педагогик – психологик таҳлили.....	32

II. Инклюзив таълимнинг педагогик-психологик

хусусиятлари

Оилада инклюзив таълим-тарбиянинг психологик хусусиятлари.....	40
Мактабгача таълим муассасаларида инклюзив таълимнинг педагогик-психологик хусусиятлари.....	53
Инклюзив таълимда мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожлантириш омиллари.....	57
Таълим муассасаларда соғлом ва ногирон ёшлар ўзаро мулоқотининг ижтимоий перцепцияси.....	65
Ўрта махсус, касб - ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида инклюзив таълим.....	70

III. Шарқ мутафаккирларининг бола тарбияси

муаммолари ҳақидаги қарашлари

Шарқ мутафаккирлари қарашларининг бола таълим-тарбиясидаги ўрни.....	79
Алломаларнинг таълим-тарбия ҳақида яратган илмий асарлари.....	95
Инклюзив таълим-тарбияга таъсир этувчи кўрсаткичлар.....	100

IV. Инклюзив таълим самарадорлигини оширишнинг

педагогик-психологик методлари

Узлуксиз таълим тизимида инклюзив таълимнинг педагогик-психологик босқичлари.....	104
Инклюзив таълим самарадорлигини оширишнинг усуллари...	111
Хулоса	115
Фойдаланилган адабиётлар	117
Иловалар	125

Д.С.ҚАХАРОВА

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2014

Муҳаррир:	М.Ҳайитова
Тех. муҳаррир:	М.Холмуҳамедов
Мусаввир:	Д.Азизов
Мусахҳиҳа:	Ф.Исмоилова
Компьютерда саҳифаловчи:	Ш.Мирқосимова

**Е-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.
Нашр.лиц. АІ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 25.02.2013 йил.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 11,75. Нашр босма табағи 12,0.
Тиражи 300. Буюртма №14.**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» da chop etildi.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**